

Muassislar:
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
O'zbekiston yoshlar ittifoqi

1982-yildan chiqa boshlagan.

Tahrir hay'ati:
Muhammad ALI
Iqbol MIRZO
Sirojiddin SAYYID
Jiyanboy IZBOSKANOV
Farrux JABBOROV

Jamoatchilik kengashi:
Qahramon QURONBOYEV
Abdurasul ABDULLAYEV
Azamat UMAROV
Ahmad OTABOYEV
Shuhrat SIROJIDDINOV
Serobiddin ISMOILOV

Bosh muharrir:
Nodir JONUZOQ

Bosh muharrir o'rinbosari:
Nurilla CHORI

Mas'ul kotib:
Orif TOLIB

Mas'ul muharrir:
Husan MAQSUD

Muharrir:
G'iyosiddin O'NAROV

Badiiy muharrirlar:
Akbarali MAMASOLIYEV
Rahmatjon YUNUSOV

Manzilimiz:
 Toshkent shahri,
 Islom Karimov ko'chasi, 16-"a" uy.
 E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz
 Veb sayt: www.yoshlikjurnali.uz
 Tel./faks: (0371) 227-02-27, 245-05-52

Navbatchi muharrir: O. Madvaliev
 Bosishga 02.11.2017 yilda ruxsat berildi.
 Qog'oz formati 30x42 1/4.
 Nashriyot hisob tobog'i 8,7. Indeks 822.
 ISSN 0207-9137, Jurnal 2007 yil 4 mayda
 O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi
 tomonidan № 0253 raqami bilan ro'yxatga
 olingan.
 Jurnalдан ko'chirib bosilganda
 "Yoshlik'dan olindi" deb izohlanishi shart.
 "SILVER STAR PRINT" MChJ
 bostaxonasida chop etildi.
 Buyurtma № 71. Adadi 2300 dona.
 Toshkent shahri, Uchtepa tumani,
 22-mavze, 17-uy.

Халқ қалбига йўл

Раҳбарлар халққа яқин бўлишлари, одамларнинг дардига дармон бўлишлари шарт!

Бу – бугун жамиятимизда устувор бўлган, кундалик телекўрсатувлару мақолаларнинг туб моҳиятини ташкил этаётган ҳаётини чақириқ, талаб. Президентимиз Шавкат Мирзиёев деярли ҳар бир чиқишида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, биз – халқнинг хизматкоримиз, деган ҳақиқатни катта-кичик мансабдорларга бот-бот эслатяпти.

Хўш, амалдорлар чинакам халқ хизматкорига айланиши учун уларда энг аввало қандай фазилатлар тажассум топмоғи лозим? Фидойилик, дейсизми? Тўғри. Замон руҳини теран ҳис қилишми? Бу ҳам керак, албатта. Лекин кўпчилик эътибор бермайдиган, ҳатто кимлардир қўл силкийдиган яна бир фазилат бор – у раҳбарнинг халққа яқинлигини, томирдошлигини таъминлайди. Бу – камтарлик.

"Йўғ-е! Камтар раҳбарни ким ҳам писанд қиларди..." – қай бир ўқувчининг кўнглидан шундай ўй-хаёл ўтаётган бўлса, ажаб эмас. Лекин биз, камтарлик, дедик, бўшанглигу қатъиятсизлик, деяётганимиз йўқ. Зеро, раҳбар камтар бўлиши учун ҳам, энг аввало, унда қатъият, кучли эътиқод, ирода бўлиши лозим.

Юксак ички маданияти, фидойилиги ва ўта камтарлиги билан эл меҳрини қозонган, узоқ йиллар давомида юртимизни бошқариб, улкан бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг ибратли ҳаёти, фаолияти ушбу мулоҳазаларимиз учун рад этиб бўлмас далилдир.

"Биз одамлар билан ишлаймиз. Кабинетларимиз эшикларига "Келувчилар фалон вақтдан фалон вақтгача қабул қилинади" деб ёзиб қўямиз. Баъзан эса фақат биз қабул қилиб қолмай, бизларни ҳам қабул қилишлари ёки қабул қилмасликлари тўғрисида кам ўйлаймиз. Оддийлик, камтарлик – сенинг ичкари киришингга ижозат берадиган тилсиз иборадир, деб айтган бўлардим. Агар сен ўзингни баланд тутиб, калондимоғлиқ қилсанг, ким ҳам сенга қалбини очади, ким ҳам сенга ишонч билдиради, маслаҳат сўраб келади?!"


Азиз замондош! Шароф Рашидов томонидан салкам қирқ йил олдин айтилган бу мулоҳазалар айна бугуннинг гагидай янграмаяптими? Бу эзгу маслакка амал қилган раҳбар бугун ҳам барака топиб, эл дуосини олиши чинмасми? Худди шундай. Эл-юрт манфаатини ўз нафси, шахсий майлларидан устун қўйган КАМТАР РАҲБАРнинг ўзи ҳам, сўзи ҳам ўлмайди.

Бугун Президентимиз фармонида кўра мамлакатимизда Шароф Рашидовнинг 100 йиллиги кенг нишонланаётганини мамнуният билан қайд этган ҳолда, бу мўътабар шахсга хос бўлган жамики кўркам фазилатлар, жумладан, *камтарлик ҳисси* ҳам барчамизга бирдай эш бўлсин, деймиз.

MUNDARIJA

31

52




59



11



18



№ 10 (317), 2017 y.

NAZM

7 Shodmonqul SALOM

Keppoling, faqat men orzu sotaman!

50 Najmiddin ERMATOV

Dunyoga ko'z tiking xazonlar osha

10 TAQVIM

ANJUMAN

11 Husan MAQSUD

Bo'stonliq bag'ridagi bedorlik

NASR

18 Olim JUMABOYEV

Uy

EHTIROM

30 Mirpo'lat MIRZO

Sharof Rashidov

NIGOH

31 Sharof Rashidov

El g'amida o'tgan umr

TAASSUROT

40 Olim Jumaboyevning

"Uy" qissasini o'qib...

DILKO'PRIK

43 Bir umr shirin she'r izlagan edim

XOTIRA

46 Olloyor BEGALIYEV

She'riyat shu'lasi

MULOHAZA

52 Suhrob ZIYO

Mo'jaz kitoblarning katta zavqi

SABOQ

57 Ta'lim berish - umid urug'ini ekish demakdir

QO'LYOZMA

58 Husniddin SHARIPOV

Aziz o'qituvchilarimizga

HANGOMA

59 Anvar OBIDJON

Ustoz Erkin Vohidov mutoyibalari

Ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмайди



Шу йил 26 октябрь куни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши биносида онлайн мулоқот ташкил қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар масалалари бўйича Давлат Маслаҳатчиси, Марказий Кенгаш раиси Қаҳрамон Қуронбоев ёшлар томонидан йўлланган саволларга тўғридан-тўғри жавоб бериб борди.

Икки соат давом этган ушбу онлайн мулоқотда тўрт юзга яқин савол келиб тушди ва белгиланган вақт мобайнида етмишдан зиёд саволга жавоб берилди. Ёшлар билан бу каби тўғридан-тўғри мулоқотлар давомли бўлиши, кейинчалик турли ҳудудларга чиқиб, бевосита мулоқотлар қилиниши онлайн суҳбат давомида ҳам таъкидланди. Ёшлар ҳаёти ва истиқболига дахлдор ушбу мулоқотдаги баъзи савол-жавобларни эътиборингизга ҳавола этияпмиз.

Савол: Барчамизга маълум, жорий йилнинг 30 июнида мамлакатимиз раҳбари бир гуруҳ фаол ёшлар билан учрашиб, Ёшлар иттифоқини тузиши ва унинг фаолиятини тубдан яхшилаш тўғрисида, ёшлар ташкилоти янгича тизимда ишлаши кераклиги хусусида ўз мулоҳазаларини билдирган эди. Хўш, Иттифоқ ҳозирги кунда қандай янгича тизимда фаолият олиб бормоқда?

Жавоб: Очиги, бу савол менга ҳар доим берилади. Бу гапимни аввал ҳам айтганман, яна такрорлайман: ташкилотимиз росмана янги тизимда иш бошлади. Хабарингиз бор, Ёшлар иттифоқи ташкил топганига яқинда юз кун бўлди. Биринчи кундан бошлабоқ ёшларнинг таклиф, фикр-мулоҳазалари асосида иш бошладик ва давом эттирмақдамиз. Қорақалпоғистон

Республикаси ва Тошкент шаҳри, 194 та туман ҳамда шаҳар Кенгашлари раислари, 10 мингта умумтаълим мактаби, 1500 та лицей ва коллежда бошланғич ташкилот етакчилари бор, аммо уларнинг барчаси ҳам бугунги кун талаби даражасида деб айтолмайман. Шунинг учун Марказий Кенгаш қошида ноябрдан бошлаб ҳар бир таълим муассасаси етакчиларини бир ҳафталик малака ошириш ўқув жараёнларига жалб қиламиз. Аввалбошда вилоят ва туман Кенгашлари раисларини ўқитганимиз каби энди энг қуйи бошланғич ташкилот етакчиларининг ҳам малакасини оширамиз.

Янги тартиб бўйича, етакчилар кимнингдир тавсияси билан эмас, айнан ёшларнинг танлови асосида сайланади. Яқинда айрим олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчилари сайловларида бир ўринга 8-10 та номзод кўрсатилганига гувоҳ бўлдик. Демак, ёшлар ўз етакчиларини сайлашга бефарқ эмас. Ва яна битта нарсани таъкидлашни истардим, Иттифоқнинг ҳар бир тумандаги кенгаши ўз чоратадбирлар дастурига эга бўлади. Бу дастурлар ўша ҳудуд ёшларининг ҳаёти ва фаолиятига мос бўлиши керак.

...Авваллари ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун туманларга 150-200 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, 2018 йилдан бошлаб бу маблағ ҳар бир туманга 15-20 миллион сўмни ташкил этади. Бу билан биз ҳар бир ёш аъзо манфаатига хизмат қиламиз.

Савол: Олий таълим муассасаларида ўқиётган ёшларга иттифоқнинг қандай имтиёзлари бор?

Жавоб: Бу савол ҳам жуда ўринли. Биз бу йўналишга энг асосий ишлардан бири сифатида қараятимиз. Олий маълумотли ёшларни кўпайтириш ўзимиз учун фойда. Шу боис бошланғич ташкилотларимиз етакчиларини олий маълумотлиларга алмаштирдик. Кўпчилик “Нега етакчиликдан ўрта-махсус маълумот эгалари олиб ташланди?” деган савол билан мурожаат қилади. Бундай саволлар ушбу мулоқот давомида ҳам йўлланди.

Бу ўрта махсус маълумотли кадрларни ишдан четлатиш дегани эмас. Биз яхши ва керак кадр бўлса, ўрта махсус маълумотли мутахассисларни ҳам тизимда олиб қоляпмиз. Уларни бутунлай ўзимиздан узоқлаштирганимиз йўқ. Олий таълим муассасаларининг сиртқи бўлимларида тизимда фаолият олиб борган ўрта махсус маълумотли ёшларни ўқитиш масалаларини ҳам кўриб чиқаятимиз.


Шунингдек, ушбу ўқув йилидан бошлаб ўзлаштирган ўқув кўрсаткичи 86 балдан юқори ва Ёшлар иттифоқи тизимида фаол бўлган талабаларга тўлов-шартнома суммасининг 35 фоизини тўлаб беришни ўз зиммамизга олганмиз.

Яқинда бўлиб ўтган тест синовларидан кейин, университет ва институтлардаги қўшимча қабулга амалий ёрдам берилиши сўралган кўпгина аризалар келиб тушди. Биз ҳозир Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги айнан шу масала билан шуғулланадиган комиссияга 35 нафар ёшни тавсия қилганмиз. Уларнинг аризалари яқин кунларда кўриб чиқилади.

Савол: Телевидение орқали иттифоқнинг махсус мукофоти ҳақида эшитиб қолдим. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз...

Жавоб: Ҳақиқатан ҳам биз катта танлов – Ёшлар иттифоқи мукофоти бўйича қарор қабул қилдик. Танловга ҳужжатлар 25 октябрдан 25 ноябргача қабул қилинади. Бундан асосий мақсад нима? Мақсад битта – турли соҳаларда фаолият олиб бораётган энг яхши ёшларни аниқлаб олиш! Ушбу мукофот 35 та йўналишда берилади. Меҳнатга яраша мукофот деганларидек, мукофот миқдори ҳам оз эмас – энг кам иш ҳақининг 30 баробари қилиб белгиланган.

Биз мукофотни топшириш маросимини жуда катта тантана билан ўтказиш ниятидамиз. Насиб қилса, ўша 35 та йўналиш бўйича энг яхши деб топилганларни пойтахтимиздаги “Истиклол” санъат саройида тантанали равишда тақдирлаймиз. Ушбу маросимга кўзга кўринган ва турли соҳаларда устоз даражасига етган даргаларимизни ҳам тақлиф этишни режалаштирганимиз. Ва яна битта сирни, майли, очақолай: режаларимизда энг асосий масала



шуки, голиб бўлган ёшларни ўз соҳалари бўйича чет элга бир ой муддатга малака оширишга юборишни кўзлаганмиз.

Савол: *Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва чет мамлакатлардаги ёшлар ташкилотларининг алоқаси ҳақида хабаримиз бор. Турли халқаро ёшлар танловларида ўзбек ёшлари қай даражада иштирок этяпти?*

Жавоб: Бир нарсани очиқ айтишим керак. Ёшлар Ёшлар иттифоқини қўллаб-қувватлаётган экан, биз ҳам уларнинг ҳар бирини қўллаб-қувватлаймиз. Ўз истеъдоди ва иқтидорини намоён қила оладиган фарзандларимиз мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловларга жалб қилинмоқда. Энди халқаро танловларга келсак. Мана, яқинда Сочида ўтказилган ёшлар ва талабалар фестивалида юртимизнинг барча вилоятларидан ёшлар иштирок этиб келди. Ёки Пекинда бўлиб ўтган болалар фестивалини олайлик. Унда ҳам тўққизта вилоятдан саралаб олинган энг иқтидорли ўғил-қизларимиз қатнашиб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлишди. Мақсадимиз аниқ – бирорта ёш эътибордан четда қолмайди. Биз бутун мамлакат, аниқроғи, бутун ёшлар аудиториясини эзгу мақсад доирасида қамраб оламиз.

Яна бир масала. Президентимизнинг ташаббуси ва қўллаб-қувватлашлари натижасида яқин ойларда юртимизда Халқаро ёшлар ассоциациясини тузиш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Янгилик сифатида тагин бир нарсани айтишни хоҳлардим. 2018 йилдан халқаро танловларни юртимизда – серкуёш Ўзбекистонимизда ҳам ташкил этамиз.

Савол: *Ёшлар иттифоқи ахборот технологияларини ривожлантириш борасида қандай ишлар олиб бормоқда? Шу соҳага алоқадор қайси ташкилотлар билан ҳамкорлик қилин-япти?*

Жавоб: Биз бу йўналишда илк кунларданок муайян ишларни амалга оширишга киришдик. Масалан, Марказий Кенгаш қошида айна шу соҳа – ахборот-коммуникация технологияларини қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида бўлим ташкил қилинган. Биз бу билан чекланиб қолмасдан, яқинда худди шу соҳада фаолият олиб борадиган ёшларни қўллаб-қувватлаш марказини ҳам ташкил қилмоқчимиз. Бундан



ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан жуда катта ҳамкорлик йўлга қўйилган. Вазирликда бизнинг бошланғич ташкилотимиз иш бошлади. Турли таклиф ва лойиҳаларимизни вазирлик қўллаб-қувватламоқда.

Хабарингиз бўлса керак, айнан шу соҳада яна бир янгиликка қўл урдик. Яъни, Uzmobile алоқа компанияси билан ҳамкорликда “Ёшлар” тарифи ишлаб чиқилди. Бу ҳам ёшларга ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бир-бирлари билан алоқа қилишларида қулайлик яратиш мақсадидаги яхши ишлардан деб ўйлайман.

...Яқинда бухоролик бир йигит замонавий компьютерларни ўзимизда – Ўзбекистонда йиғиш бўйича янги лойиҳаси билан бизга мурожаат қилди. Ҳозирда шу масала бўйича ҳам иш олиб бораётимиз.

Савол: *Синглим аграр йўналиши бўйича мутахассис. Уни ишга жойлаш борасида Иттифоқ қандай ёрдам бера олади?*

Жавоб: Очиғи, бизга аграр соҳа бўйича мутахассислар жуда зарур. Иттифоқ қошида Ёш фермерлар кенгаши тузилди. Яқинда ушбу кенгашнинг вилоятларда, туманларда филиаллари ташкил қилинади. Синглингиз шу кенгашда ишлаши мумкин. Ёки бўлмаса, иттифоқ қошида яна учта – балиқчилик, боғдорчилик ва дуккакли ўсимликлар фермерлиги бўйича ҳам кенгашлар тузилади. Шу кенгашларда ҳам фаолият юритиш мумкин. Сиз ўз туманингиздаги иттифоқ кенгашига мурожаат қилинг. Бу масала ижобий ҳал қилинади.

Савол: Чет элда ўқиб ёки ишлаб юрган ўзбек ёшларининг манфаатларини Ёшлар иттифоқи ҳам ҳимоя қиладими?

Жавоб: Жуда яхши савол экан! Қаерда бўлишдан қатъи назар, Ўзбекистон фуқаросими, у бизнинг фарзандимиз. Статистик маълумотларга қараганда, ўзбек ёшлари 17 миллионни ташкил қилади. Ушбу ёшлар қаерда бўлишмасин, Ёшлар иттифоқи ҳар бирининг манфаати учун ҳаракат қилади. Сабаби, бу ташкилот шу мақсадда – ёшларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил қилинган.

Чет элдаги ёшларимиз масаласида тўхталадиган бўлсак, бир нарсани айтишим мумкин. Ҳар бир давлатда Халқаро ёшлар ассоциациясининг ваколатхоналари бор. Шу ваколатхоналар орқали биз ёшларимизнинг манфаатларини ҳимоя қила оламиз.



Биз яқинда Хитойда бўлиб, Шанхай ва Пекин шаҳарларида ўзбек ёшлари билан суҳбат қурдик, уларнинг ўқиш ва фаолиятлари билан танишдик. Мана, яқинда Россия Федерациясининг Новосибирск, Санкт-Петербург, Москва, Астрахан каби шаҳарларида хизмат сафариди бўламиз. Ушбу шаҳарларда ўқиб-ишлаётган ёшларимизнинг яшаш шароитлари, иш ёки ўқиш жойларини, кимлар билан мулоқот қиляпти, қаерларга боряпти – ҳамма-ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўриб, мавжуд муаммоларга ечим топиб келиш ниятидамыз.

Савол: Ёш оилаларга, айниқса, ёш оналарга қандай имкониятлар бор?

Жавоб: 2018–2021 йилларда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди. Бу борада тизимли ишларни амалга оширамиз. Жумладан, 258 та кўп қаватли уй қуришни режалаштирганмиз. 2018 йилнинг ўзида 2149 ёшни уй-жой билан таъминлашни режалаштирганмиз.

Ёш оилаларга уй беришда, очиғини айтиш керак, аввал баъзи ҳолларда таниш-билишчилик бўлган. Айрим уй соҳиблари ёшлар ташкилотига алоқаси йўқ, ташкилот ҳақида етарли тасаввурга ҳам эга эмас. Аммо энди янги тизимда иш бошлаган Ёшлар иттифоқи ёш оилаларга қурилатган ушбу уйларни биринчи навбатда иттифоқ фаолиятида қизғин иштирок этаётган ёшларга беришни кўзлаган. Бу дегани, бошқа ёшлар эътибордан қолиб кетади, дегани эмас.

Биз имкон борича юртимиздаги барча ёшларни ўз сафимизга қўшамиз.

Яна бир нарсани айтиб ўтишим керак. Авваллари агар аёл ўз эридан ажрашган бўлса, уй беришда муаммолар бўлган. Энди ўйлаб кўринг, фарзанди билан ёлғиз қолган аёл ҳам моддий ва маънавий ҳимояга муҳтож, у ҳам оиласини, фарзандини боқиши керак. Айнан шу масалада ҳам биз тизимли ишлар олиб борамиз. Аслида... ёш оилаларда ажралишлар сонини батамом камайтириш масаласи бизнинг асосий мақсадларимиздан бири. Бу масалада биз маҳалла фуқаролари йиғинлари ва бошқа жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқдамиз. Бу ишларимиз ҳам, насиб қилса, ўз самарасини беради.

Таҳририятдан: *Онлайн мулоқот жуда қизғин, жонли руҳда ўтди. Белгиланган вақт доирасидан ташқарида қолган саволлар ҳам ўрганилиб, кўриб чиқилиши қайд этилди. Энг муҳими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқига нисбатан мамлакатимиз ёшларининг ишончи, талпиниши кучаяётганидан мамнунмиз. Ўзаро ишонч ва ҳамкорлик бор жойда эса, ҳар қандай муаммо ҳал бўлишини барчамиз яхши биламиз.*

Ҳусан Мақсудов
оққа кўчирди.

Кепқолнинг, фақат мен орзу сотаман!

Бўрон тинди, ёмғир юпанди,
Сочин қайта таради шамол.
Аразини унутди, қулди,
Кўзёшлари тугаган аёл.

Шаҳар қўлга олди кўзгусин,
Ажинига сурди упалар.
Чошгоҳ сочди тилла ёгдусин,
Гумон каби тўзди парқулар.

Кечикса ҳам келди, дилгир ва
Нимагадир бироз паришон –
Туйгуларнинг селида оқиб,
Яшамоқни қўмсаган инсон.

Севги эди орага тушиб,
Ҳаётини судхўрга тутган.
Келмаслиги аён бўлса ҳам,
Яшамаган, фақат жим қутган.

Нималарни қилган башорат,
Нималардан умид эшган ул.
Арзон бериб ҳаловатини,
Оғриқларни қиммат олган қул.

Бўлса эди бир тола нурдай
Жонин тутса – иситиб берса.
Меҳр эмас, таскин ҳам эмас,
Фақат бир бор жамолин кўрса...

Томирида уйғонган қуюн,
Азиз умрин телба айлаган.
Тушунолмас, тушунтиролмас –
Тангри шундай қисмат сайлаган.

Бўрон тинди, хўрсинди сукут,
Форга кириб кетди қораёл.
Бўйнин қашиб жим қолди эркак,
Узик торни улади аёл.



Шодмонқул САЛОМ

1980 йили туғилган.
Термиз давлат
университетини
тамомлаган. "Юрак иқлими",
"Кўнгил китоби", "Борлигини
билганлар" шеърый
тўпламлари чоп этилган.

* * *

Бир тождор бор эди, элпарвар, оқил,
 Юртнинг ташишида ўтган ҳар они.
 Фуқаро кўнглига топган эди йўл,
 Адолат гиштидан бино кўргони.

Халқнинг аҳволдан бўлиб бохабар,
 Улуғ матлаб ила даврон суларди.
 Етимнинг ризқию ҳалолнинг ҳаққин
 Одил тарозида ўлчаб берарди.

Қирқ бошли тулпордир сиёсат – бешак,
 Қирқта жилови бор – ҳар бири ҳар ён.
 Бирига эрк бериб, бирин сал тортиб,
 Подшоҳ сергак эди, сезгир, устомон.

Макрга чап бериб, извони янчиб,
 Ҳукм сулар эди мардона, ўктам.
 Балки шу заҳматин мукофотига
 Хизр йўқлар эди уни дамо-дам.

Илоҳ нури билан қамашиб қалби,
 Хизр-ла суҳбатдош бўлур эди шоҳ.
 Чўнг бир ишоралар берарди набий,
 Элнинг иқболдан этганча огоҳ.

...Бир кун шоҳ кўнглида бошланди гулу,
 Иброҳим* қисмати келди ёдига.
 “Ушбу тожу давлат, ушбу фароғат
 Арзирми жаннатнинг гард тупроғига?!”

Олам ва одамнинг тарзини ўйлаб,
 Кирди сўфийликнинг риёзатига.
 Салтанат ташишин топшириб буткул,
 Юз бурди Тангрининг ибодатига.

Олис тоғ бағрини макон тутди ул,
 Охиратин ўйлаб ноалар қилди.
 Инсон кўзи тушмас ёбонда танҳо,
 Ҳақнинг рағбатига етишмоқ бўлди.

* Иброҳим Адҳам назарда тутилмоқда.

Гарчи, шу кундан сўнг ўзгарди олам,
 Гарчи, осудалик завқини туйди.
 Аммо қанча интиқ бўлиб турса ҳам,
 Уни энди Хизр йўқламай қўйди.

Йиллар ўтди, унинг аҳволи нигун,
 Яратгандан тунлар йиглаб сўради:
 “Бир бор жамолини кўрсат ул зотнинг!” –
 Шоҳнинг юрагини қайғу ўради.

Томчи кўзёшининг ҳам бордир ҳисоби,
 Буюк мувозанат қургандир Эгам.
 Бир тонг Ҳаққа етди шоҳнинг хитоби,
 Хизр пайдо бўлди айни ўша дам.

Шоҳ юзи ёришди тонгдан ранг олиб,
 Хизр-ла кўришди бўлганича шод.
 “Нечун мени ёлғиз ташладинг, эй, дўст,
 Нотавон кўнглимни айлаб нообод?”

Сенинг суҳбатинг деб кечдим жаҳондан,
 Сенинг дийдоринг деб қўл силкдим тахтга.
 Воҳ, нечун шунча йил зор этдинг мени,
 Эришмоқ бўлгандим бу дийдор – бахтга?!”

Хизр жавоб қилди: “Эй, одил ўғлон!
 Қисматига шоҳлик битилган тождор!
 Ҳақнинг адолатин ўрнатмоқ, учун
 Сени бу оламга юборган Жаббор.

Магар бургут тепса, ўнганмас арслон,
 Илоҳ лочинига сен тариқ сочдинг.
 Муддао етаклар марднинг отини,
 Мени деб аслида Худодан қочдинг.

Сенсиз юрт аҳволи кўп гариб, нолон,
 Халқнинг хор, элингда залолат ҳоким.
 Сен бир мискин кўнглин олган пайтингни
 Улуғ ибодат деб ҳукм этмиш Раббим!”

Хизр гойиб бўлди, эҳтимол мангу,
 Фор лабида қолди шоҳ-дарвеш – вайрон.
 Балки тахтга қайтган, балки гориға,
 Лек унинг қисмати ибрат бегумон.



Кузак

Йиғлолмайди, лабин тишлар она дарахтлар,
Киприк қоқмас, хўрсинолмас, кўзлари тўлган.
Лаби титрар, кифти учар, оқарган юзи,
Куз оламнинг юрагига зўр видо солган.
Мезонларда ҳасратнинг оқ рақсини кўрдим,
Сойга боқдим – бир бахтсизнинг аксини кўрдим.

Юлдузларнинг қиррасида фаришталар жим,
Бош кўтармай Ой нур элар – бева эгачим.
Фақат барглар шивирлайди кўркүв тилида,
“Кутқар!” дея кўкрагимга муштлар юрагим.
Баҳор ўтган йўлда қолган бир изни кўрдим,
Изга расмин чизаётган бир қизни кўрдим.

Қанотиға оқ тушаётган қушларни кўрдим,
Ўтовлари тенгланаётган кўшларни кўрдим.
Айтилмасдан, учуқ тошиган тушларни кўрдим.
Ерга кириб кетсам деган даштларни кўрдим.
Сой ортидан тиззасига иягин тираб,
Қараб қолган болакайлар – тошларни кўрдим.

Кўнишига ҳеч кўнолмаган истагим билан,
Ер устига бир йиқилмаган курагим билан,
Кўзларига кўзим тушиди. Йўқ, қаролмадим,
Ўн ёшида қолиб кетган юрагим билан:
Орзулари гулдан қайтган хаёлни кўрдим,
Ҳижрон гулли кўйлак кийган аёлни кўрдим.

Кўлларини ортга қилиб жим борар тоғлар,
Бошлари ҳам, елкасида бўйдир сувлоқлар.
Жангда маглуб баҳодирлар гамгин қайтурлар,
Бул хабарни волидага қандай айтурлар!?
Шул тоғларда кекса, ёлғиз арслонни кўрдим,
Кўзларида бостирилган исённи кўрдим.

Бешигида кўзmunчоққа қўл чўзар болам,
Мезонлардан умид эшиб ўлтирар онам.
Узилган барг тўғри келиб юракка кўнди –
Дилгир отам офтобруға ўтиб исинди.
Симдорларда қуримаган тўнимни кўрдим,
Умрим каби қисқараётган кунимни кўрдим.

Ботинимда юлдузларнинг сокин совииш,
Элас-элас кишнагандай тойлар товуши,
Эшитилмай қолаётган сойлар товуши,
Айвондаги эски индай бенаво юрак,
Менга етиб келмай қолди ойлар товуши,

Яқин бордим, қулоқ тутдим, энгашидим, турдим,
Эшитмадим, аммо ундан созини кўрдим,
Чалинмасдан тинглангувчи созини кўрдим.
Шохда мезон – шаҳид ялов, бўзини кўрдим!
Яратганнинг шундай буюк кузини кўрдим!

XXI аср шоирига!

– Кепқолинг, фақат мен орзу сотаман,
Манов – “Марсга учиш”, бу – “Мангу яшаиш!”
Мана, Оловиддин сеҳрли чироғи,
Манави “Согиниш”, буниси “Кўмсаи”.

“Онани туш кўриш”, “Ҳижрон” ва “Висол”,
Кепқолинг, фақат мен орзу сотаман.
“Йиғлаш”, “Энтикиш” бор, “Чуқур хўрсиниш”,
Кўнроқ олганларга нархин ўтаман.
Опқолинг, сотаману кетаман!

– Нега бунча катта орзуларингиз,
Кўплари фасондан қолган, амаки.
“Эслолмаслик” йўқми, қиммат бўлса ҳам,
Хорижники бўлса, янаям яхши.

...Дод, молим ўтмайди, бозорим касод,
Олиб-сотар дунё парво қилмайди.
Шоирларга текин тарқатай десам,
Бошловчи шоирлар бунга келмайди,
Бу бозорни улар ҳали билмайди...



5-8 октябрь кунлари Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Маданият кунлари доирасида маданият, санъат соҳасидаги ютуқлар ва юртимиз фоторассомларининг “Ўзбекистон қиёфаси: тарих ва замонавийлик” мавзусидаги кўргазмаси намойиш этилди.

7 октябрь куни Бирлашган миллатлар ташкилотининг болалар жамғармаси – UNICEFнинг Ўзбекистондаги вакили Саша Грауман Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига амалий ташриф билан келди.

UNICEFнинг болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга ошираётган дастурлари юзасидан атрофлича маълумот бериш ҳамда ушбу йўналиш бўйича Иттифоқ билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ушбу ташрифнинг асосий мақсадидир.

10-14 октябрь кунлари Тошкентда Тожикистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Тадбирлар доирасида Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Тожикистон ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар тақдимотлари, икки мамлакат Ёзувчилар уюшмаси вакилларининг учрашувлари ва бошқа тадбирлар ташкил этилди.

11-14 октябр кунлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари Москвада бўлиб ўтган Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш билан шуғулланувчи Халқаро вазирликлар, идора раҳбарларининг йиғилишида иштирок этди.

15 октябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб, у ерда яратилган шароитлар билан яқиндан танишди. Ёшлар марказининг бир гуруҳ фаол ёшлари билан учрашиб, улар билан суҳбатлашди.

23 октябрь куни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида “Ўзбек маданий мероси жаҳон нигоҳида” мавзусидаги фестивал бўлиб ўтди. Фестивалда уста ва ҳунармандлар, санъатшунослар, фольклоршунослар, олимлар, ёшлар қатнашди.

26 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасининг расмий сайти – islomkarimov.uz, islamkarimov.uz иш бошлади.

25-26 октябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида халқ шоирлари Бердақ ва Ажиниёз ижодига бағишланган халқаро фестивал ўтказилди.

30 октябрь куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “INFOLIB – 2017” VI Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бошланди. Тадбирда пойтахтимиз, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги ахборот-кутубхона муассасаларидан келган мутахассислар, китобхонлар қатнашмоқда.

27 октябрь куни Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

**Сиз қандай
изоҳлайсиз?**



Бўстонлик бағридаги бедорлик

Сафарнома

Мен шу пайтгача катта фестивал ёки анжуманларга қатнашмаганман. Айниқса, қайсидир сабаб ёхуд тасодиф биланми ёшлар йиғиладиган давраларда бўлмаганим учун кўп бор афсусланганман. Лекин яқинда юз элик нафардан ортиқ ёшлар иштирокида (ёшлар бўлганда ҳам, бари ижодкор) гўзал бир масканда – “Ўзбекистон Швейцарияси” деб донғи кетган Бўстонлик туманида ўтган Республика ёш ижодкорларининг биринчи форуми эса қоларли лаҳзаларни ёдга муҳрлади...

* * *

Кетишимиздан бир кун олдин қаерда ва соат нечада йиғилишимиз айтилган эди. Тайинланган соатда тайинланган манзилга етиб бордим. Энг охирги келган одам мен эканман: ҳамма жамулжам. Ёшлар

даврасига қўшилдим, бир-икки таниш чехраларни кўрдим. Кўришдик, сўрашдик... Қарасам, йиғилганларнинг деярли барчаси таниш – уларни турли тadbир ва адабий тўғарақлардаги чиқишлари, ижтимоий тармоқларда эълон қилган ижод намуналари орқали билар эканман. Хуллас, устоз шоир айтганидай, ўртада бегона йўқ.



Хусан МАҚСУД

1991 йили туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олган.



Ёшлар билан тўлган бешта автобус соат ўн бирларга яқин кунчиқарга қараб йўл олди. Кета-кетгунча ҳаммани кузатиб бордим: барчанинг чехрасида табассум, кўзларида қандайдир ёруғлик бор эди. Кимдир шериги билан эсдаликка расмга тушар, кимдир ёнидагига шеър ўқир, яна кимдир эса чоп этилган китобига дастхат ёзиб ҳамроҳига берар эди. Юртимизнинг олис-яқин ҳудудларидан келган бу йигит-қизлар бирпасда танишиб, бир-бирлари билан қадрдон бўлиб қолишди...

Бўстонлиқнинг таърифини унда-бунда эшитганим бор: факультетимизда биз билан ёнма-ён қозоқ тили ва адабиёти йўналишида таҳсил оладиган



Қанақа бўларкан?

– Менам сиздекман, ука. Бошга тушганини кўз кўради. Кулишдик.

– Йўқ, айтмоқчи бўлганим... кетаётганларнинг орасида жуда яхши ёзадиганлари кўп. Ҳеч тайёргарлик кўрмасдан чиқавердик – пичоққа илинадиган шеърларни танлаб чиқмадик ҳам.

– Йўғ-е, ким экан улар?

– Кўўўп, хўш... шеър ёзарманлардан Сухроб деган йигит бор, Бахтинисо Маҳмудова, Нурмуҳаммад

курсдошларимизнинг кўпчилиги айнан бўстонлиқлик эди. Ўша курсдошларимиздан бирининг тўйига ҳам борганмиз. Узоқдан елкасига оқ пўстин ёпиниб олган одамни эсга соладиган тоғларни кўрганимда, шу тоғларга бир куни чиқиш насиб қилармикан, деган ўй ўтган эди... Шуларни эслаб кетарканман, ёнимдаги ҳамроҳим, шоир иним Хуршид гапга солди:

– Хусан ака, авваллари бунақа жойларга, катта йиғинларга келмаганман.

Абдузоиров, Муҳаммад Сиддик... Дилмурод деган насрчи йигит ҳам бор. Қисқа ҳикоялар ёзади.

– Ҳа, дуруст. Кўрсам танирман...

– Ҳали борганимиздан кейин яқиндан танишиб оласиз...

Эртақлардаги каби йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик. Деярли барча манзил томон ошқар, қачон борарканмиз деганча тоқатсизланарди. Юрилган сари юқорига кўтарилиб борардик. Кўтарилганимиз сари манзаралар янада гўзаллашар, мен эса одатимга кўра атрофни томоша қилиб кетиш билан овора эдим: қирлар, адирлар, тоғлар...

Дарвоқе, тоғларни жуда севаман. Орзуга айб йўқ: кўпдан бери тоғ бағрида яшашни орзу қиламан. Ярим-чўл ҳудудда угайган мендай саҳройи тоққа чиққанимда доим унинг залвори ва улугворлигидан англаб бўлмас хайратни туярдим. Бу улугворликнинг ортида яна Бир Қудрат борлигини-да ич-ичимдан сезаримни яширмайман... Тоғлар – сакинат манзили, оромлар макони. Унинг қўйнида қалбинг таскин топади, вужудингда тиним билмай безовта бўладиган руҳинг ором олади. Тоғлар бағрида одамлар гавжум яшайдиган шаҳару қишлоқлардаги диққинафасликдан узоқ бўласан, ўзингни эркин ҳис қиласан.

* * *

Икки соатдан ошиқ вақт ўтиб манзилга – ёшлар оромгоҳига етиб бордик. Борганимизда ҳаво анча совиган эди. Совуқ шамол бемажол дайдириди. Кўпчилик қатори менинг кўнглимга

ҳам бир иштибоҳ инди: энди форум қандай ўтади? Шу ўй билан юкларни кўтарганча ўз хонамиз томон йўл олдик. Бизни бошлаб келган етакчилар хоналарни тақсимлаб чиқди. Ҳамма кириб бўлгач, охирида тўрт киши қолибмиз. Кейин тўртовлон тугал бўлдиқ – иккинчи қаватдаги хоналарнинг бирида кўним топдик. Хуршиддан бошқа хонадошлар ҳам бегона эмас экан: келгунча таърифни эшитганим – шоир Сухроб ва носир йигит Дилмурод. Оғир-босиқ, сермулоҳаза йигитлар экан. Хуллас, сафардаги ижодий овимнинг аввали бароридан келди: ўзим истаган ҳамхоналар билан кўним топдим...

Оромгоҳдаги ходимлар бизни илиқ кутиб олишди. Илк тушлиқдан сўнг катта залда барча иштирокчилар йиғилди, тартиб-қоидалар билан таништирилди. Кейин Ёшлар иттиқофининг фаоллари, хусусан, Ёш ижодкорлар кенгаши раиси, самимий шоира Меҳриноз Аббосова ушбу форумининг мақсад-муддаоси, қандай тарзда ўтказиш кераклигини изоҳлаб ўтди.



Очиғини айтсам, мен шу форумнинг ташкил этилиши ҳақида илк шов-шувлар тарқалганидаёқ эшитгандим. Уч кунлик анжуманни фақат ёшларнинг ўзи, ёш бўлганда ҳам йигирма ва йигирма беш ёшнинг орасидагилар уюштираётганига, рости, аввалбошда сал ишонқирамадим. Ҳатто форумнинг бўлиб ўтишига шубҳа билан қараган эдим. Аммо... ўз кўзим билан кўрдимки, барча ишларни ёш йигит-қизлар уюшқоқликда, ҳамжиҳатликда бажаришди (айнан шу форум ёшлар томонидан ташкил қилинган илк катта анжуман сифатида ҳам тарихда қолиши шубҳасиз).

Расмий тушунтириш ва кириш сўзларидан кейин ёшларнинг ўзларидан ҳам фикр сўралди. Ишонсангиз, залдаги деярли барча иштирокчи уй вазифасини тайёрлаб келиб, устоз мени кўрмаяпти, деб ташвишланган мактаб ўқувчисидек қўлларини кўтариб силкитар, сўзга чиқишга навбат сўрарди. Тўсатдан олд қаторда ўтирган норғул бир йигит саҳнага отилиб чиқди. Ўзининг таништириши бўйича исми Давлатбек, асли самарқандлик экан. Тўғриси, аввалида менга унинг бу иши ёқмади; ўзини мақташни, кўз-кўз қилишни севадиган оддий бир талаба бўлса керак, дедим. Лекин... кейинчалик у билан яқиндан танишганимдан сўнг илк тасаввурлар ёлғонлиги, аксинча, у форумдаги энг самимий ва фаол ёшлардан бири эканини билдим.

Давлатбекни илк кўрганимда сал қорамағизлиги ҳамда сочларининг узун ва силлиқ қилиб таралгани учунми, негадир ҳинд актёрларига ўхшатдим. Кейинчалик беш-олти йигит жам бўлиб суҳбатлашаётганимизда, унга ҳазил аралаш: “Сизни ҳиндларга ўхшатиб, ҳатто Раж соҳиб деб исм ҳам қўйдим”, десам, кулиб юборди-да, ҳиндча нималардир деди. Биз ҳазилга ҳазил сифатида жавоб бўлди, деб кулдик. Аммо кейин билсак, у ҳинд тилини чиндан ҳам ўрганаётган экан.

– Йўғ-е, нима қиласиз ҳинд тилини? Ҳамма инглиз тилини ўрганапти, ҳатто ҳиндларнинг ўзи ҳам она тилидан кўра инглизча гапиришга ишқибоз, – дедим Давлатбекка қараб. Унинг жавоб беришини ҳам кутиб ўтирмай хонадошим Хуршид гапира кетди:

– Раж соҳиб шундайига беш тилни билар экан.

– Йўғ-е!..

Ростдан ҳам, Давлатбек рус, англиз, тожик, турк ва немис тилларини яхши билар экан. Илтимосимизга жавобан ҳар бир тилда унча-мунча гапирди ҳам. Айтишича, ҳозирда немис ва англиз тилидан таржималар ҳам қилаётган экан. Шунча тилни билишига қараганда чет тили бўйича магистратурада ўқиса керак деб, яна қизиқсиниб савол берсам, у Ўзбекистон жаҳон тиллари университетининг ҳали биринчи босқич талабаси экан..

Ҳа... форум уч кун давомида ана шундай истеъдод ва иқтидор эгаларини кашф этди.

* * *

Иштирокчилар биринчи куннинг ўзидаёқ назм, наср, публицистика, таржима ва драматургия йўналишлари бўйича гуруҳларга бўлиниб, бешта жойда ўзаро фикр алмашдилар, ижодлари борасида турли баҳс-мунозаралар қилишди. Мен ҳар бир шўбани айланиб чиқарканман, бу форумга келган ёшлар шунчаки тасодиф ёки таниш-билишчилик орқасидан эмас, балки росмана танлов натижасида, келажагига умид берадиган ижодий ишлари сабаб келишганига амин бўлдим.

Йиғинлар бўладиган катта залда шеърият йўналишининг йигирма чоғли аъзолари ўтиришган эди. Бошқа йўналишларни айланиб, қайтиб келсам, уларнинг сафи эллиқдан ошибди. Қарасам, шеърхонлик бўляпти. Секин бориб қўшилдим.

Ишонсангиз, бир-биридан гўзал шеърлар айтилди. Бухоролик бир қиз шеър ўқиганда олис ўтмишнинг садолари қулоғимга чалингандай бўлди, жиззахлик бир йигит шеър ўқиганда Ҳамид Олимжоннинг нафасини туйгандай бўлдим, сурхондарёлик бир шоир укамиз бахшилардек мунгли оҳангда шеър ўқиганида Усмон Азимнинг “Ҳали бутун рўйи жаҳон шеър бўлажак” деган ҳайқириғи нақадар рост эканлигини ҳис қилдим... Ёшларнинг ҳеч бирида олифталик ёки манмансираш йўқ, кўзларида, сўзларида шеър каби поклик ҳамда беғуборлик бор эди. Эҳтимол, бедорруҳ шоиримиз Шавкат

Раҳмон “Ҳозирги ёшларда покизалик бор”, деганида айна шундай ёшларни назарда тутгандир...

Шеърларнинг барчасини эшитдим. Очиги, ёш шоир ва шоираларнинг кўпчилиги дуруст шеър қандай бўлмоғи кераклигини яхшигина англаган ва шу йўлда ижодий изланиш олиб бораётган йигит-қизлар эди. Анчагина “зуваласи қотган” шеърлар ўқилди. Бир шоира синглимиз чақмоқ чақишини осмон ерни суратга оларди, деб ташбеҳ қилибди, яна бири ўн еттига тўлганига ишора этиб, “Менинг коинотим ўн етти ёшда”, дебди, мен билан отдош йигит соғинч ҳақида шундай ёзибди: “Ҳар тун орқалайман соғинч юкини”...

Тўғри, ўқилган шеърлар орасида бадиий саъз, таҳрир талаб бўлганлари ҳам йўқ эмасди. Аммо ҳар бир шеър замирида ёш – ҳали энди йигирмага етган ёки йигирмадан ўтган тоза ва самимий қалбнинг акси бор эди, ёлғонлардан йироқ рост юракнинг учқунлари бор эди.

...Дарвоқе, юрак деганимда ўша кеча янграган бир шеър эсимга тушди. Қаттиқ қўрқиш ёхуд шунга ўхшаш ҳолатларда “юраги тушди”, “юрагини кўтариш керак” деган гапларни, “юрак кўтариш” деган даволаш усули ҳақида эшитган чиқарсиз. Ўша ҳолатни Нозима Ҳабибуллаева деган шоира ўзига хос поэтик ракурсда чиройли ифодалабди. У бир ўринда шундай дейди:

*Қачон ва қандай қилиб
Қайда тушган чала жон.
Қўтармоқликдан аввал
Топиш керак, холажон.*

Юрак кўтаргич холадан нажот тополмаган бемор охири ўз сўзини шундай тугатади:

Ҳай, одамлар, одамлар,



*Босиб юрмадингизми?!
Ичи тўкилиб кетган
Юрак кўрмадингизми?!*

Алқисса, шеърхонлик ярим тунгача давом этди. Бировнинг шеър ўқиши бировга малол келмади, ҳамма бир-бирини интиқлик билан эшитди. Мени қувонтиргани, ёш қалам-кашларда ижодкорга хос юксак фазилат – бир-бирини ҳурмат қилиш ва тенгдошидаги бадиий топилдиқларни яхши илғаб, эътироф эта билишнинг ҳам гувоҳи бўлдим.

* * *



Биринчи кун эълон қилинганидек, эртасига барча иштирокчилар форумнинг очилиш маросимига тайёргарлик кўришди. Буни қарангки, тонг билан об-ҳаво ўзгарди: бир кун олдинги шеърхонликдан кейин осмоннинг ҳам кўнгли ёришдими, булутлар тарқаб, атроф-жавониб сув томчисидек тиниқ кўрина бошлади. Соат ўнларга яқин ёш ижодкорларга маҳорат дарсларини ўтиш, ижод сирларини ўргатиш мақсадида таниқли шоир-ёзувчилар, таржимонлар, публицистлар ҳамда драматурглар жам бўлишди. Оромгоҳ тўй бўладиган ҳовлидек югур-югурга тўлиб кетди: қайсидир бир ёш носир ўзи севган адибнинг олдига чопар, бошқа бир ёш шоир эса ўзи севган шоирни кўриб, унинг шеърини ёдаки айтганча олдига пешвоз чиқар, хуллас, ҳар ким “ўзиники”ни қатта мамнуният билан кутиб олди.

Форумга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, шоирлардан Маҳмуд Тоир, Зебо Мирзаева, Хосият Рустимова, Нодир Жонузоқ, Беҳзод Фазлиддин; носирлардан Хуршид Дўстмуҳаммад, Исажон Султон, Қўчқор Норқобил, шунингдек, Бегойим Холбекова, Назира Тошпўлатова, Беруний Алимов, Иқбол Қўшшаева, Аъзам Обидов ва Шуҳрат Сатторов каби публицист ҳамда таржимонлар ташриф буюришди. Форумнинг расмий очилишида сўз олганларнинг барчаси ёшларга ҳавас ила боқиб, уларнинг бугунги кундаги имкониятлари, тинчлик ва фаровонлик замонида тўлиб-тошиб ижод қилаётганларидан қувониб, бир пайтлар шоир Ҳамид Фулом айтган ширин бир орзиқишни эслашди (наинки эслашди, ўзлари ҳам ич-ичдан исташди): “Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...”

Кейин бир гуруҳ санъаткорларга навбат берилди, иштирокчилар қўшиқларга жўр бўлиб, рақсга тушишди. Форумнинг очилиши жуда завқли кечди. Янада файзли ўтишига тагин бир нима сабаб бўлди.

Тошкент шаҳрида жойлашган Турин политехника университети талабаси ўзи ясаган роботни намойиш қилди. Бўйи тахминан икки қарич келадиган ушбу робот буйруққа бўйсуниб қадам ҳам ташлади, рақсга ҳам тушди. Аммо шу жонсиз ашё ҳамманинг қалбини титратгани рост! Нима қилди дейсизми? Эшитинг: робот шу ерда ўтирган барча-барчанинг она алласидан кейин эшитган энг азиз шеърларидан бири, собиқ тузум даврида ўзбек деган миллатни дунёга танитган “Ўзбегим” қасидасини айтиб берди. Темир бошига кичкинагина марғилон дўпписини кийиб олган Роботбек: “Қайга борсам, бошда дўппим, ғоз юрарман гердайиб” деганида ҳамма бор кучи-ла олқишлади, қийқириб юборганлар ҳам бўлди, ҳатто қўшиқлардан унчалик ҳузур топмаган айрим йигит-қизларнинг кўзида ёш ҳам кўрдим. Улар чинакамига буюк давлатнинг, буюк аждодларнинг фарзанди ва давомчилари эканликларидан фахрланиб, кўзга ёш олган бўлишса, не тонг...

Очилиш маросимидан кейин кун давомида устоз ижодкорлар ёшларга маҳорат дарсларини ўтишди, ҳар бир йўналишда ўзи хос истеъдодлар эътироф этилди. Ёшларнинг айримлари унутилмас лаҳзаларнинг ғаниматлигини англаб, ушбу суҳбатларни видео ва фото кўринишда сақлаб қолишга ҳаракат қилишарди. Энг асосийси, ижоднинг ёзилмаган, аммо олтин қодаларини устозлар ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ёшларга етказишга ҳаракат қилишди.

Маҳорат дарсларида нафақат ижод сирлари, балки ижодкорнинг шахс сифатида шаклланиши, унинг миллат олдидаги бурчи, ватан тақдирига дахлдорлиги каби ҳақиқатлар ҳам бот-бот уқтирилди. Маҳорат дарслари тугагандан сўнг ҳам ёшлар давра суҳбатларини, ижодий баҳс-мунозараларни давом эттиришди. Устозлар томонидан ўртага ташланган “Инсон нима учун ёзади?” деган саволнинг муҳокамаси кечки йиғинда янада авж олди. Дарҳақиқат, инсон нега ёзади? Кимдир кўнгли тўлгани учун, деди, яна кимдир ўз дардини айтиш учун, деди...

– Ҳа, бу гаплар ҳам тўғри. Аммо ҳамма-нинг ҳам нималардандир кўнгли тўлади, ҳамма ҳам ўз дардини айтгиси, уни бировларга ошкор қилгиси келади. Аммо нега ҳамма ёзувчи бўлмайди? – дедим уларнинг баҳсларига қизиқиб.

– Очиғи, шу савол эрталабдан бери хаёлимдан кетмаяпти, – деди бир йигит. – Бу саволга бирпасда жавоб бериб бўлмас экан. Аслида, шу саволга жавоб топилгандан сўнггина ижод қилиш ёки қилмаслик масаласи ҳал бўлади, менимча...

Ҳақрост! Аслида мазкур форумнинг ташкил этилиши ҳам ёш ижодкорларнинг ижоддан мақсадлари нима эканлиги, бу машаққатли йўлда улар нималарга тайёр бўлишлари кераклигини яхшироқ англаб олишлари учун аҳамиятлидир.

...Учинчи куни янада қизиқарли бўлди. Эрталабки нонуштадан сўнг “Форумда ёзилган энг гўзал мактуб” танлови бошланди. Кўпчилик оромгоҳ ҳовлисига чиқиб, дил изҳорларини сўлим маъвода қоғозга туширишни маъқул кўрди. Танлов жараёнида мактублар билан танишиб чиқиш имкони бўлди. Номаларнинг деярли барчасида иштирокчиларнинг хурсандлиги, уларнинг кўнглини ва руҳини кўтарган ушбу анжуманнинг ташкил этилганидан мамнунлик ёзилган эди. Мана, ўша мактублардан бири:

“Шубҳасиз, бу форум ҳаммамизнинг хотирамизда қувонч билан эсга олинадиган дамларга бой бўлди. Биламан, айти пайтда ҳар биримиз дунё-дунё таассуротларни қалбимизда ўстирмоқдамиз. Уч кун давомида биргамиз-у, бироқ гўёки бир неча йиллардан буён қадрдонлардекмиз.

Само рангидек кўм-кўк сув бўйлари, унинг ёнида мағрурланиб боққан тоғлар, дарах-тлардан тўкилаётган барглари сунурган куз шамоли, денгизда сузаётган кемалардек осмонда парвоз айлаётган қушчалар...

Форумнинг дастлабки кунининг ўзидаёқ бир оилага айландик. Ҳаво совуқлигига қарамай, биргаликда куйлаганимиз, миллий қўшиқларга рақсга тушиганимиз, дилларимиздаги Ватан туйғуси тилларимизда куй бўлиб жаранглагани кўзларимизда фахрни чизди...”

Дарҳақиқат, ёшларнинг оромгоҳ ҳовлиларида ватан, ёшлик ва муҳаббат ҳақидаги қўшиқларни жўр бўлиб куйлаганларига, баҳру байт уюштирганларига бир неча бор гувоҳ бўлдим. Қўшни ҳовлидаги болаларнинг ўйинини том оша томоша қилаётган жажжи болакайдай тоғ устида қуёш ҳам уларни жим кузатар, шамол ёшларнинг овозини узоқ-узоқларга олиб кетаётгандек эди гўё...

Кун пешинга оғган пайтда иштирокчилар ўзи йўналишлари бўйича жамланиб, Ёш ижод-

корлар кенгашининг кейинги фаолияти ва келгусидаги ижодий форумларнинг қандай бўлиши лозимлиги ҳақида ўз таклиф-ғояларини тақдим этишга тайёргарлик кўришди. Таклиф-ғоялар муҳокамаси пайтида ҳеч ким четда қолгани йўқ. Ҳамма ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Қувонарлиси, ҳар бир иштирокчи қандай ташаббус кўтармасин, бари юрт келажига дахлдор эди. Ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини тингларканмиз, уларнинг интилишлари бир эзгу тилакка жам бўлганини туйдик:



Ўзбекистонни дунёга танитиш йўлида чин юракдан ижод қилиш лозим...

Форумнинг ёпилиш маросими.

Деярли барчанинг кўзида хомушлик сезилиб турарди. Негаки, эртага ҳамма тарқалиб кетади. Уч кунлик дўстлар дийдори, устозларнинг ўғитлари, файзли ўтган кечки ижодий гурунглари... гўё такрорланмайдигандай... Аммо уларнинг қалбига таскин берадиган ҳолатлар ҳам кам эмас: дўстлар орттиришди, устозларнинг эътирофи, қалбдаги илҳом сурури...

Барча йиғилгач, ёшлар ўз гоё ва таклифларини презентация кўринишида тенгдошларига тақдим этишди. Носир бўлсин, шоир бўлсин, драматург бўлсин, уларнинг қайсидир чет тилида эркин гаплаша олиши мени қувонтирди. Тағин бир гап: тил фақат нутқда эмас, тафаккурда ҳам акс этар эди. Яъни, улар кенг миқёсда фикрлайдиган ёшлар эди.

Тақдим этилган лойиҳалар ичида адабиёт маркази ҳақидаги гоё кўпчиликка маъқул келди. Лойиҳа бўйича, юртимиздаги барча туман ва шаҳар марказларидаги қаровсиз бинолар таъмирланиб, катта кутубхона, тўғарак хоналари, ижодий учрашувлар зали, тамаддихонадан иборат зиё масканлари барпо этилади. Яна бир лойиҳа муаллифи ушбу форумни чет эл ёш ижодкорлари иштирокида ташкил этишни таклиф қилди. Икки ёки уч йилда бир марта ўтказиладиган халқаро форум ўзбек ёшларининг чет эллик тенгдошлари билан фикр алмашишида, улар билан ижодий баҳс олиб боришида самарали бўлиши билан ҳам эътиборни тортди. Таржима йўналишидаги иштирокчилар чет эллик замондош ижодкорларни форумга таклиф қилиш фикрини илгари суришди.

Хуллас, таклифларнинг барчаси ёшлар учун бирдай манфаатли эди. Лойиҳалар ҳакамлар томонидан баҳоланди. Ҳеч бир таклиф эътибордан четда қолмади. Маъқул деб топилган лойиҳалар Ёш ижодкорлар кенгашининг дастурига киритиладиган бўлди. Бу дегани йигит-қизларнинг юрт келажаги ва тараққиётига ҳисса қўшиш мақсадида билдирган таклифлари амалга ошади демақдир...



Форумнинг охири кечаси Нурмуҳаммад деган сурхондарёлик йигит югуриб хонамизга кириб келди. “Бўстонлик ҳақида, ўзимиз ҳақимизда шеър ёздим”, деди шошилиб. Кейин таъсирли оҳангда ўқий кетди:

*...Бирдан ўзгаради, ёришар дунё,
Шунда гўзаллашиб кетар Бўстонлик,
Шунда гўзаллашиб кетади Чимён,
Ахир, неча йиллаб кутган бизларни...*

*Тогларнинг тош қотган бағри эрийди,
Қувончдан ва бахтдан кўзларида ёш.
Бу ерда тинглай деб энг зўр шеърингни,
Эртадан эртароқ чиқади кўёш...*

*Аммо ҳис қилганча шеърларнинг таъмин,
Энди нур-зиёдан аримас бу ер.
Сен учун кузда ҳам гуллади замин,
Бунчалар сеҳрга тўлуғсан, эй Шеър!*

Атроф-жавонибдаги бор нарсалар билан тиллашган, дардлашган, уларга шеърлар ўқиган ёшларнинг барчаси Нурмуҳаммаддек самимий сатрлар қоралагани аниқ. Чунки ҳар бир иштирокчининг қалби ва руҳи уч кун давомида бедор бўлди. Уларнинг ҳаммаси маънан тозариб, руҳан юксалиб ўз уйларига қайтишди. Бу ёшлар яқин йилларда катта бир адабий авлод бўлиб, ўзбекнинг руҳини, қалбини баланд пардаларда куйлайди, деган катта ишонч билан Тошкентга қайтдик.

**2017 йил 6–10 октябрь,
Тошкент – Бўстонлик – Тошкент.**

Уй

Қисса



Олим Жумабоев

1987 йили тугилган.
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети халқаро
журналистика факультетини
тамомлаган.
“Харсангтош ноласи” номли
қисса ва ҳикоялар тўплами
чоп этилган.

Расмларни Аслиддин Калонов чизган

I

Овул сукутда эди. Пахсачилар ишини кўйган кезлари эди.

...Ўша воқеадан бир кун илгари бизниқига Ўлжабой акис (болалар шундай атардик) келганди. Қўлида бир парча қоғоз, ручка бор эди.

Айвонга ўтиргач, пичирлаганнамо гап очди:

– Тўрт-беш сўмингни бераман. Биласан, саводим чатоқ. Тошкентга бир оғиз гап бор. Шуни ёзиб бер! Нечинчи синф бўлдинг?.. Олти... ҳа, отанг уйга тарадди кўраверса, олдидан чиқади. Буни ушла-чи!

Ишқилиб, мақтовга учдимми, ё буни сўраб-суриштирадиган ёшда эмасмидим, онамнинг бармоғини яноғига сидириб, “уят” деганига ҳам қарамасдан, кечки аёзда қалтираб қоғозни бежадим:

“Ассалому алайкум, иним Суяржон. Соғлиқ, ўқишлар яхшими? Чечам қандай, кўникиб кетдимми?.. Оғайниларнинг бари яхши, салом айтди. Гапнинг индаллоси, Суяржон, сен кетгач, Отамнинг уйи карвонсарой бўлди. Соғ ҳам, носоғ ҳам шу ерда. Қаровсиз уй шу-да! Кет, деган билан кўздан пана бўлса, барибир келади. Уриб-сўкиш бефойда”.

Хат шу ерга етганда у киши мендан сўради:

– Пул тўлаб уйида туради-ку! Нима дейди, шуни?..

Мен елка қисгандим, онам:

– Квартира, – деб жавоб берди.

– Ҳа, – деди акис бошини чайқаб, туксиз иягини сийпаб. – Ёз..

“Бу сенинг шаҳарингмиди, уйини квартирага кўядиган. Сен профессорликдан ортмайдиганга ўхшайсан, майли, илм қил! Учқиз билан Ғўбдиннинг орасида умринг ўтиб кетади, бу ерга келсанг! Агар Отамнинг уйига эгалик қиламан, десанг, қайт жумагача. Тағин, ўпкалаб юрма. Иморатингнинг тоши кўчган. Ўзаро маслаҳат-даям шу гап бўлди. Яхши, гап шу-да!

Аканг Ўлжабой”.

Мен “ялт” этиб унга қарадим. Ичим идради, қорнимга бурғу солингандек безовталандим. Ўлжабой бобо чўнтагини ковлаб, уч сўмлик берди.

– Керакмас... қайси Суяр?

– Танимайсан, у Тошкентга кетганида сен эмаклаб юрардинг! Тўғрими, келин? Ана айтдим-ку! Бизниқига ўт, дўлана бераман. Гапга оёқ битиб кетмасин, яна. Тайёр уй-жой, одамлар эшитса, жазман кўпаяди-да! Тақдир қилгани-да!

Индамадим.

Акис қоғозни авайлабгина буклаб, раҳматни дўндириб, дарча томон одимларкан, ойим ошхонадан туриб, тил учиди: “Ширкади пишди”, деди.

Менинг фикру зикрим ҳалиги Отанинг уйи – қаровсиз ҳовлида бўлиб қолди, ширкадини еб ўша гап изидан қувмоқчи эдим.

* * *

– Шодмонбой отанинг уйи шуларнинг кўзига сарой бўлди-да! – деди онам мендан бор гапни билгач. – Эр етган ўғли, уй бўлиб бир оилага бош қизи бўлса, уйнинг эгаси ўшалар. Сичқон сифмас инига, ғалвир бойлар думига. У ерга Ўлжабой ака уй тугул, катак қуришгаям қурби етмайди. Рўзғори битта кўксигирнинг елинига қараган-у, дағдағаси оламини бузади-я! Ёки бир кўмма топдимикан?.. Олди-орти эски иморатнинг қолдиғи, ота-бобоси хумга борини тиқиб ташлаб кетганмикан? Дами баланд, бир ҳунари борга ўхшайди, болам?.. Эл-юрт нима деркан, шунга ҳайронман, қўлини бурнига тиқиб қолаверадими? Дадангнинг қулоғига бир оғиз шипшитиш керакми? Ўлжабой бобонгнинг индамай юргани ёмон – писмиқланиб ишини битказиб кўяди. Эсонбой билан жуда ош-қатиқ, бир нарса деганми у? “Бўлиб оламиз”га учиб, қарғишга қолмаса эди.

– Бобонинг яширгани бор-ов, – дедим онамга, гўё шу билан Ўлжабой акиснинг димоғи Учқизтоғдай кўтарилгани маънисини топгандек. – Ая, Суяр акани эшитганман. Бизга оғайними? Дадам ҳам кўп гапирди.

– Ҳа. Бари бир отадан тарқаган. Нечи авлод илгари боболаримиз шу ерга келиб, эл бўлган. Илдизини суриштирсанг, бир отага тақалади.

Кейин, ҳақиқатан ҳам, шу тобда Шодмонбой бобонинг уйи қаровсиз қолиб, ивирсиқ, ташландиқ бир жойга айлангани ростми, деб сўраганимда, онам: “Кимга зарил шу! – деб кўя қолди. – Одамлар бир парча ерини эгплломайди-ю, ортиқча ғалва кимга керак”.

Мен муҳим масала тагига етиш илинжида елкамга чопон илиб, қишлоқ манглайдаги чолдевор сари чопдим.

Қош қорайгач, кузнинг аллақандай музтар қоронғисида адрас тўнга ўраниб, кунчиқардаги чакалақзор оралаб аланглаб, қўрққаннамо кетиб борардим.

Ҳовлини тезроқ кўриш илинжида гоҳ чопар, гоҳ тўхтардим: ҳадиксираб олди-атрофимга қараб дириллар, тағин бирор таниш-билиш учраб қолса, бирга борардик, деган ўй миямга тинчлик бермасди.

* * *

Тоққа туташ адир биқинидаги уй неча йиллардан бери одам исига зор эди. Бу ерга бирор киши келиб сукутдаги ҳовлию ўтганлар тинчини бузмаганидек, аллақайси саёқ оёқости қиладиган ишратхона ҳам эмасди. Аксинча, ҳовлига киришингиз ҳаманоқ димоққа ёқимли ис урилар, чор-атрофда ўрилмаган пичан пайҳон бўлганди. Йўлакни фаришталар супургандек. Қўй-мол ўтлаши учун дарахт шохларидан тўсин; бетартиб тахланган болор, тўмор, шох-шабба. Кираверишда ўнг қўл – уй, чап қўл – оғил, тўғрида ошхона. Ошхонанинг лойсувоғи кўчмаган, битта-яримта сомонпарча чиққанди, холос. Фақат кичкина яйдоқ деразани кун уриб, сўлини обдон суғуриб олган, кечки шамол ойналарини муттасил дириллатарди. Унинг биқинида усти кигизда ёпилган, бир тарафи очиқ тандир бор эди. Култепа тўрт-беш қадам нари, сойга тушар жойда.

Қуюқ теракзор. Қир киндигини ўйиб қурилган оғил. Бир-бирига чагишган сада, таги сурувётоқ. Ундан паст – булоққа ёлғизоёқ йўл тушган. Булоқ суви икки қишлоққа амал. Эҳтимол, қишлоқ этагидаги ҳовуз қуриб бораётгани учун уйни бузиш гапи кўтарилгандир. Молхона устидан томчи ўтиб, девор бироз қийшайган, устун жойидан силжиган, пойдевордан тош кўчганди. Молхонага бир кўз ташлагач, тўғри уй тарафга юрдим.

Менимча, бўсағада икки-уч авлод юмалаб ўсган эди. Эски-туски матоҳлар ва иморатнинг эски тархи, бичими шундан гувоҳлик берарди. Узун айвондан хоналарга ўтилар, ҳар бир эшик ёнида тоқча, афтидан, чироқ ёки обдаста қўйиш учун бўлса керак. Қибла тарафдаги икки хонали меҳмонхонага кўз қирини ташлаб қўйдим.

Пешайвоннинг шифтига уя солган мусичалар, чумчуқлар вижир-вижирлаб ёнига чорлар, аллақандай нохушликдан огоҳ этмоқчидек чириллаб учар, тагин қисматига кўнгандек тинчиб қоларди. Қушлар қиш ташвишида шундай илҳақдир, деган ўй миямга келса-да, бўсағада чалажон, узала ётган Тўрткўзнинг бундай ўйи йўқмиди, дердим ўзимга-ўзим.

Ит қариганини ит кўрмасин. Тўрткўзнинг суяклари бўртиб, юнги тўкилган, кўзлари киртайган: туришга уринади-ю, оёқлари қийшайиб, қовурғалари бўртиб кетади, ғашини келтираётган итчивинларга ҳам мадорсизгина тумшуғини нуқиб қўяди.

Ҳовли этаги – сой томондаги дарчадан чиқиб кетаётганимда узун, кўкка устун, кучоқсизмас теракларнинг шохларида гала-гала қарғалар қағ-қағидан эгим увишди. Абрикми, янтоқми, қушқўнмас, хас-хус дафъатан шитир-шитирлаб

ўтакамни ёраёзди. Бойўғлиларнинг овозию олазарақ кўзларидан баттар қочдим. Йўл-йўлакай қирнинг сарғайган ўт-ўланларини босиб борарканман, “Шодмон отанинг дунёси бир қиш оч овулни боққан, ҳалиям боқади”, деган гап беҳикмат эмаслиги-ю, яна “Уйни бузаман деганни туз уради” деган маталга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмасдим.

Дарвоқе, бу чинми, ўтирикми, билмадим, илгари дарчадан чиқишдаги ўра ўрнида яккамик бўлганмиш. Бир киши уни оламан деб, тагини ковлганида бир хум тилло топганмиш. Кейин босар-тусарини билмай, ўранинг олди-атрофини каламушдек илма-тешик ковлаб ташлабди, бироқ ҳеч вақо топилмабди. Анча вақтдан сўнг бир сафар кечқурун шу ердан ўтаётса, кимдир исмини айтиб чақирибди. У нари-берига аланглабди, бироқ тирик жон кўринмабди. Қараса, чуқурда бир нарса ялтирармиш, ҳовлиқиб шартта ўша томонга сакрабди-ю, ҳалиги ялтироқни олиб дарров тишлабди, тиш ботмабди. Тошни чўнтагига тикиб, ўрадан чиқиш илинжи ила жон ҳайбатда янтоқ томирига чирмашибди. Шу тобда бир нарса оёғига ўралиб, ўрага тортаверибди. Унинг оёқ-қўли қалтираб, қичқирибди, овулни ёрдамга чақирибди, ахийри, йиқилибди...

Эртасига мурдасини халқ олиб кетибди. Кейинроқ кексалардан ўша ўлган киши Шодмонбой отанинг чўпони бўлганини эшитганман. Улар яна: “Чолдеворга дуо кетган, тупроғиям бировга дўстлик қилмайди”, деб қайта-қайта гапирарди.

* * *

Қишнинг боши экан. Шодмонбой ота кечқурун қўйларини сурувётоққа қамаб, қишлоқни айланиб юрса, бирор ҳовлидан тутун чиқмасмиш. Ҳар бир уйга девор оша мўралаб чиқибди. Эсонбой бобонинг отасининг уйига етганда эшик қоқмай тўғри кириб борибди, қараса, болалар айвонда куйдирилган так-так еб ўтирган экан. Шу ҳақда онам такрорларди:

– Шу бувдойоқ қорин тўйдирадими? Қозон қорайтиришга ун йўқми? – дебди уйбошига қарата.

– Топганимиз шунга етди, – дебди момо елка қисиб, кавшанаркан. – Бировдан сўрашга иймандик. Қўни-қўшнидаям шу аҳвол, бировга берар егулик йўқ. Еганимиз ўзимизга юқмай юрибмиз. Бизгаям қарашиб турсангиз, қолиб кетмас. Мана булар одам бўлса, елкамиздан юкни олар...

– Ўлжабойни жўнатиб, эшакка миндириб. Бир халта буғдой бераман, сув тегирмонга чиқариб, биратўла уйга олиб келади. Болаларни

оч қўймангизлар, эртага элни чақириб қўй сўяман. Уйда ҳеч ким қолмасин, ҳамма борсин! Бир коса сув қўшсак, битта одамнинг ризқида.

– Хўп-хўп, бой ака. Ўзим жамоат қилиб, айтиб чиқаман, – дея уйбоши Шодмонбой отани кузатгани ташқарилабди. – Бизни эртароқ айтаверинг, хизматини қиламиз. Ортган-қутганини уйга берарсиз...

– Олиб кетақол, майли. Очкўзлик қилма, лекин. Бу хулқинг болаларингга ўтади. Сенга ўлгунингча халал беради, билиб қўй”.

Эшитишимча, Ўлжабой бобо Шодмонбой отадан ундирилган ундан хуфиёна ўғирлаб, сотиб юборади.

II

Қишлоқнинг тўрт-бешта қўли узун Ўлжабой бобонинг чолдевори ёнида ниманидир кенгашар, тортишар, яна акисга маслаҳат соларди.

Мен пахсадевордан нари кетолмай, гап пойладим. Неъмат бобо ҳошияси кирланиб қорайган, ялтираган қалпоғини ечиб бошини шамоллатди:

– Бузишга бузасан, лекин эл бирлашмаса, минг тиртангла, қиш тушгунча иморатинг битмайди. Қиш – бўсағада. Суяр келмас, келса-чи, қиши билан уйма-уй тентирайдими? Қиш ўчоғи тор, бола! Ёзда бутун овул сиққанга, қишда бир жон ортиқча. Бир кун Неъматга раҳмат айтасан, шу гапни учун. Ўлжабой, отанинг чўпонидан фарқинг йўқ. Юрагинг иккита бўлса, буз, аммо буни шундай ташлаб қўймайман. Эшитиб ол, сенинг бетинг билан, кетинг бир. У ёққаям ўйнайсан, бу ёққаям. Агар Суярдан бир оғиз қаттиқ гап эшитсак, ўзингдан ўпкала.

Ўлжабой акис чеграйди:

– Их, жони ҳузурда. Шу итқарамас чакалакзорга келаман, деб ўлиб турибдими?! Тилло берсаям келмас. Отанинг қирқида кўрганим, шундан бери соясини солмайди.

– Бу чакалакзор – отамизнинг уйи. Ўт босса босаверсин, томчи ўтса лўмбоз қиламиз, беркитамиз. Қуласа, кўтарамиз. Лекин тирноғини текизганнинг оёғини уриб синдираман. Ўғли барибир қайтади, Амиркага кетмайдими. Ота уйини бузганнинг бири икки бўлмайди. Қайси кун Сулувхонли Булоқбошида кўриб қолдим. “Шу уйда отамнинг иси бор”, дейди. Аммо келолмайди, ҳеч ким йўқ. Куёви қурғурам кўп ичадими, дейман, сингилнинг кўзи кўкарибди. Сўрайдигани йўқ, деб ўйлайдими?.. Ҳа, шу обрўгаям туф, ташлаб келавер. Мунглиғларингни чирқиллатмай... – Маҳмуд қассоб жаҳлланди, қўли муштланди.

– Уйимга жанжал кўтаргани келдингларми, – деди Ўлжабой бобо акислиги тутиб. – Суяр, Сулувхон – бари ўзимники. Уларнинг ғамини емай қўяқолинглар. Сулувхон бизниқидан чиқмайди, келганида. Туғилиб-ўсган – тўркунида сўровсиз қолармиди?! Лекин Шодмонбой акамнинг иморати кўкламга чиқмай барибир қулайди. Мен бузмасам, ўзи бузилади. Тўнғичимизга данғиллама уй солиб берсак... Биров фойдаланса, қулаб тушгандан яхши-ку!

Ён-атрофдагилар бобиллади:

– Ишингни оти нима?

– Уй эгали, эгаси ўлгани йўқ.

– Бор, тошингни тер. Қуласа, кўклам кўтарди.

Ҳартугул, келишув мужмал тугагани Ўлжабой акага маъқул эди. Унинг юз-кўзида мамнунлик зоҳир бўлди. Одамлар ариқдан ҳатлаб тўғри Чироқчи томонга йўл солишди.

Ўлжабой ака эса ёнғиллади: “Шодмонбойнинг давриям ўтди-кетти. Кампири чимилдиқ кўрпаси титилмай ўттизида бева қолувди. Кимга ишонади, ҳайронман. Қарайдигани йўқ, арзандаси эри билан кунда ғалвада. Бир боланинг онаси ҳалиям ўзини босиб олмаган. Бирамак ўғли тишини кавлаб юрибди, юраверсин. Энди уй беэга”.

У “Уй беэга”, деб биров эшитиши керакдек овозини баландлатди.

Девордан гишт синдириб олиб, эзди.

* * *

Мени ҳалигача Ўлжабой бобонинг ўша кунги шашти ҳайратга солади. Қўл учиди кун кўрадиғаннинг эгни қисик бўлади, димоғ билан гапирмайди, гапиролмайди. Кейинроқ эшитганим бор: ушбу воқеа юз беришидан тўрт-беш йил илгари у киши момомга чол тоғиб бериш иштиёқида анча ёнган.

Момо бошқа уй қурмаган.

Момо қизини уйли қилгач, икки йилда ёлғизликдан зерикдими, кўрқдими, ўлди-кетдиси – беш метр сурғ, жойнамоз, имому ғассолга берарлик матони бўғжамага тугиб-яшириб, Тошкентга отланганди.

“Ўшандан икки ҳафта ўтар-ўтмас отанинг уйи нақ карвонсарой – ишратхона бўлди: ҳалол ҳам, ҳаром ҳам ўша ерда. Кечдан тонггача базму жамшид авжига минарди. Қиморбозларнинг ғала-ғовури, уйи бузилган, шаҳарчадан чақирилган аёлларнинг шиқинг-шиқинги; чалажон алкаш ва бангиларнинг довуғи қўланса ис, сукунат инган уйни бўғарди, гўё.

Шодмонбой аканинг салобатидан ҳаймиқиб, эшик ҳатлашга журъати етмаганлар энди оёқ чўзиб тўрда ўтирар, соясига кўрпа тўшаганлар унинг отини ҳам унутганди. Сабр косамиз тўлгач, тўрт-беш киши галалашиб, ичимизда Ўлжабой бобонг ҳам бор эди, ҳалигиларни қувиб чиқардик. Дўқладик, ёқасидан олдик, урдик, ишқилиб, бир амаллаб ҳайдадик. Уйбузарларнинг қораси ўчди. Бўлмаса, уй оёқ остида қоладигандек эди. Овул яна тинчиди”, – дерди отам ўша гаплар уй ичида кўтарилиб қолса.

III

Кейинроқ ҳалиги хат Суяр акага етиб бордим, ёки бу ҳам кўз-кўзга уюштирилганмиди, анча ўйлаб юрдим. Сабоҳат янга билан гапнинг тагига етдим. Янга буғдойранг, бўйлари узун, қалин қора қошли кўҳликкина аёл эди.

Кунларнинг бирида Сабоҳат янга гап очди:

“Ўшанда акангиз аллақандай асабий ҳолда олдимга келди. Гаплашдик. Илмий иши тай-ёрлигини билсам-да, негадир қишлоққа қайтиши зарурлигини айтди. “Мен билан қишлоққа кетасанми?” деди дангал. Тўғриси, илгаридан менда кўнгли борлигини сезсам-да, очиқча айтмагани учун, ота-онасининг топгани бордир, деб ўйлардим. Қарорини эшитиб, ажабланмадим-у, юз-кўзидаги ўзгаришдан бир тўхтамга келмаганини сездим.

– Отанг билан гаплашайми? – деди.

– Отам устозингиз-ку!

– Устозим йўқ демас...

– Билмадим, “йўқ демас”.

...У киши отам билан гаплашган.

... Отам залда кутиб турган экан, имлаб чақирди. Хонасига кирдик. Дадамнинг кўзларида аллақандай бир муаммо акси кўринар, кенг манглайи тиришган, тўкилган сочлари янада сийраклашгандек эди. Яна, шошилинич ҳаракатларидан масъудлигини ҳам фаҳмлаш қийин эмасди.

– Ўтир-чи, қизим, – деди стулни кўрсатиб.

Кейин бироз тараддудланди.

– Ҳалиги, онанг сирдошинг эди, тақдир экан. Умрини болаларига кўшиб берган бўлсин! Энди мен ҳам сирдошман. Сизларнинг бахтинг учун яшаб юрибман-да. Буни яхши биласан. Синглинг ҳам бўй етди-да энди. Онанг сизларни уй-жойли қилишни менга топшириб кетган. Ҳар кимнинг бошида бор, бу савдо. Аксиома, ҳаётнинг аксиомаси. Кейин бемалол оёқни чўзиб ётсам бўлади.

Отам ўсиқ қошларини учирди:

– Анови, Суяр акангни танийсан-а? Кўп келади бизникига. Шогирдим-ку, эсладингми?

Бош ирғадим.

– Одам қўйибди. Онаси... Бир жавоб айтиш керак. Шунга нима дейсан? Ёмон бола эмас. Илми бор. Сал йўл-йўриқ кўрсатса, йўлини топиб кетар.

Дадам онам ўрнида онам ҳам эди, гарчи ўртада қалин бир девор бўлса-да, раъйимга қарар, аммо гап оҳангидан сўраб келувчиларга “йўқ” дейиш истиҳоласи устида боши қотар ва қизига бундан авлороқ харидор чиқмоғига ишонмасди, назаримда. Бу менинг кўнглим учун ҳам тўғри, хуш эди.

Орадан бир кун ўтиб, Суяр аканинг қишлоққа қайтганини эшитдим: Эркин исмли дўсти қўлимга бир парча қоғоз тутди, хатни очдим, кўзларим жуда қаттиқ босиб ёзилган ҳарфлар устида югурди:

“Отаннинг уйини тўйга созлайман. Тез бормасам, бўлмайди, кўнглим ғаш. Айтганча, тайёргарлигини кўравер, уйдагилар келинини қишгача йиғиб олмоқчи. Ҳафта туриб, қайтаман. Онамдан уялиб, қочиб юрма, зерикади. Эркин ака учраштириб қўяди”.

* * *

Овулга совуқ сукут кирган кезлари биз ҳам Суяр акани Тошкентдан уйланган, деб эшитардик. Ростини, тўйнинг овулда ўтказилишини интиқ кутганман, тенгқурлар билан тўнка устида ўтириб, енг шимариб палов ейишнинг гашти бор-да. Лекин, бу тўғрида бирор кишига тил ёрмаганман.

Дарвоқе, момом ўша куни тўйни тезлаштириш учун шаҳарда тунайди. Қизни кўради: кўрса кўргудек, кўнгил тўлгудек – тустар. Гаплашади, тилидаям, дилидаям бор. Икковининг гапи гапига, иши ишига мос тушади, энди бор гап домлада... Домлаям рўйхушлик билдиради. Икки-уч кўни-қўшни чақирилиб, тўй белгиланади.

Хуллас, момом “тўйнинг келаси якшанба ўтказилишидан кўнгли ҳам ғаш, ҳам тўқ”, эди. Аммо домла келин-куёвнинг кейинчалик Тошкентга қайтиши тўғрисида узил-кесил бир гап айтмаса-да, барибир қизи шаҳарда яшаши, шогирди профессорлик мақомига эришишидан умидвор бўлган.

* * *

Қизиғи шундан кейин бошланганди.

Кайвонининг хаёли ҳалиги чолдеворга етиб, тўй ташвишлари ечилиб, шаҳардан келин илиб боради, гўё. Бутун қишлоқ тўйга ҳозирланиб, кўчиб чиқади, гўё. Овул чолдеворни қўшқўллаб эпига келтиради, гўё. Бир кунда эл сарпо кўта-

риб келиб, бўғжамани тўлдиради, гўё. Оғайни-жамоат кенгашиб, гуруч, мой ташвишини ечади, гўё. Бир кунлик тўй югур-югури тиниб, келин тушириб олади, гўё. Бунинг бари момонинг хаёлида, холос.

Одамларнинг тўйга тақалган мингта найранги бор эди.

...Шу тобда ўйлаб кўрсам, ҳаммаси кино учун саҳналаштирилгандек туюлади. Бири-бирига чамбарчас боғланган воқеалар. Мен эса ўша пайтлари овулда фарам ёнганининг тўйга бориб тақалишини ўйлаб ҳам кўрмасдим...

IV

Овул ҳалиям сукутда эди.

Кузнинг адоғи. Изғирин кишини чақар, аҳён-аҳён кўча-кўйда бошини чопони ёқасига яширмоққа уринган одамлар учрар, совқотганлар қалтираганча ўтиб кетарди. Ўтиб-қайтаётганлар шу даражада безътибор, ҳафсаласизки, на бақирганни, на чақирганни эшитади. Эҳтимол, эшитар, ўзини гарангга солар. Уларни фақат бир ваҳм билан чорлаш мумкин эди. Шу ваҳм илиққанларни чорлаб, ўй-фикрларини тўзғитиб, ўз домига тортиши, фарқобдек ютиб юбориши мумкин эди.

... Онамнинг қозонпатири пишишини кутиб, ошхона атрофида куймаланиб юрганимда, аллақаердандир тутун ҳиди келди. Аввалига эътибор бермадим, ўчоқдан чиқаётгандир, деб. Сўнгра кўрқа-писа, пичан фарам томонга чопдим. Фарам ёнса, қиш бамисоли азоб. Шамол Олатаёқ томондан эсаётгани учун оғилга тиралган нарвонга чиқиб, алангладим: тутун буруқсиб, чор-атрофни забтига олар, осмонга ўрлагани сайин оломон ҳайқириб чопар, аёлларнинг фиғони фалакка кўтарилар, олов қишлоққа ётирилари.

Бир пайт қарасам, ёш-яланг тошлоқ йўлдан пилдириб ўша ёққа бораяпти: бировининг кўлида пақир, бирида кетмон.

Том устидан елкадош томлар оша уларнинг ортидан кувдим. Икки кўзим Олатаёқда, сакраб-сакраб кетиб борардим. Трактор овулга ўт ўтмасин учун “тар-тар”лаб ер ҳайдарди. Қуруқшаган хас ловуллаб ёниб, тошлоқ йўлгача етди. Шамол ўчакишгандек хас-хус учирарди.

Қанча ошиқмай, шунча кечикаётгандек ўпкамни қўлтиқлаб югурардим.

– Жа, ваҳима кўтарадиган эмас экан, – деди чоллар етиб борганимда. – Кимнинг қўли кичиди экан. Болалар эшик ҳатлаб чиққани йўқ. Эсонбой “сен-мен”га борадиганлардан эмас. Ўлжабой аланглаб юрувди, ўшанинг қўлимикан?

Жони нечта, тайёр фарамга ўт қўйиб. Ўзидан бир айб ўтган-ов.

Шу гапдан кейингина оломоннинг бироз ҳовури пасайди. Оловнинг дами эса баланд эди. Ўлжабой бобо сўкиниб, эски шинел билан ўтни ўчираб, ён-веридаги болаларни уришар, баъзиларга зарда қилиб, нишини суқиб оларди:

– Қайси кўролмас куни куйиб ўт қўйди экан? Шодмон отанинг фарам қишин-ёзин турарди, инсон қўлини теккизмасди. Их, бойнинг ўзи йўқ-да. Инсоф кўтарилганга ўхшайди орамиздан. Фалокатдан асрасин, Худойим.

Пичан тутаб, буриқсиб кўкка ўрларди.

– Энди Эсонбойни соғади, – деди юзи қизариб кетган Умир илгирчи. – Қайишдими, бир дарди бор. Қурғур чўлдан ҳам “ҳиқ-ҳиқ”лаб сув ичади.

– Эплаган қилади-да, шуниям ака Умир.

Биз болалар томоша кўраётгандек ҳайратланиб ўтириб олгандик. Олов “чарс-чурс” хас-хусни отар, ҳамма тобора кичрайиб бораётган фарамни кўрғаларди.

Тўрт-беш телажка пичан билан Эсонбойнинг дунёси камаярмиди?.. Камаяркан. Мол-қўйи қишдан қандай чиқади? Тўрт-беш сурув... бир-иккита бўлсаям, бошқа гап. Шунча емишни қаердан топади?! Овул ҳам қараб турмас, сомон бермаса похол, жила қурса, нушқурт берар, лекин қўлда берганга куш тўймас.

Хуллас, қиш ўтгунча Эсонбойга кимдир топганини, дўкончи ортганини, Хидир бобо атаганини илинадиган гап чиқди.

– Эсонбой жума бозорга йигирмата қўчқор чиқарса, ўн телажка беда беради. Суруви қишда қимирламай ейди. Шу бозор нарх ҳам тушади, – деди Неъмат бобо ярим ҳазил, ярим чин.

* * *

Дадам жума бозорга тараддудланди.

Мен ҳам эргашиш илинжида эрта уйғондим: аммо менга молтопар дўппингни кий, деб буюрилмади. Кун совуқлиги учун индамади, деб ўйладим, ияртишига ҳам кўзим етмасди. Айвон лабида дириллаб туравердим. Кейин уюрга қараб келаман, деган ўйда тимирскилана-тимирскилана нари-берига юрдим.

Отамнинг ортидан кўчага чиққанимда чор-атрофда тутун ҳиди кезиниб юрар, аҳён-аҳён зах девор иси келар, ачимсиқ ҳаво барини бўғар, моғор босган тўрва исидек димоққа ўрнашиб борарди.

Дадам кўп уй кўтаргани учунми кулди:

– Қишга етмай кимнинг томи қулади экан?

Уч ой сабр қилганда, кўклам эл кўчиб чиқарди ҳашарга. Ўзи сув музлаб бўлди, энди қиров тушса, лой чангаллаб ўтирадимми? Аҳмоқ одам ҳам кўп-да! Устун-пустун тираб, суяб кўймай-санми!

– Эсонбой аканинг ғарами ёнди. Шунинг иси.

– Йўқ, бу уй, эски девор иси. Кимдир ток тагига ташламоқчимми? Узумнинг тагида қолади, ўзиям. Уй қуриш учун уч-тўрт йил тилини кўндаланг тишлаш керак. Бу йил қоракишмиш пул бўлди, икки йил шундай ҳосил олса, данғиллама уй-да.

Отам Эгиз сада томон юрди.

– Юрни Сувлисой томонга ҳайда, ўти яхши, – деди ёрилиб қаварган кўли билан қирга ишоралаб. – Байтални туёғига қиррач тош киради, оқсоқланиб юрмасин, қараб кўй.

– Хўп, Сувлисойдан чўпонтаёқ ясаб келаман.

...Ўшанда хаёлимга қишлоқдаги боқибегам, тепса-тебранмас одамлар бир-бир гавдаланар, қайсисининг иморати қулаган экан, деб ўйлаганман. Нега ўйламай, ахир, катталар уникида-бункида яшайверади, болалар-чи? Қиши билан чуғурлашиб, бировнинг уйига сиғмайди, қорним очди, деёлмайди, эмин-эркин ўйнолмайди.

Йўл-йўлакай Бешбулоққа – отларни кўришга отландим, гарчи куз аёзи аёвсиз чақаётган эса-да. Ўшанда Қулоқбошида Ўлжабой акис билан Эсонбой акани учратдим, улар ниманидир чамалар, тушунтирар, гап-сўзидан бир шумликни бошлаганини фаҳмлаш қийин эмасди. Ариқ сувини ҳаётга ўнглаш баҳонасида икковини тинглашга уриндим.

– Олифта қайтдимми, олчанглаб, – деб сўради Эсонбой ака бақбақаси лиқиллаб Ўлжабой бободан. – Амакининг ҳам тилини мойлаб кўйиш керак. Бир-икки сўм берсанг, орқаси ўчоқдек бўлиб қолади. Шу билан сарой қурмайди. Боласи эр етиб қолгандир, ишни ўша бузиши мумкин.

Эсонбой ака дадам ҳақида гапираётганини тушундим.

Ўлжабой акис қимтиди, сарғимтил, сўйлоқ тишлари кўриниб илжайди:

– Ҳа, уни ўзимга қўяверинг! Бир сўмнинг гадойи, кўнади. Суярми, у келмайди. Кўли меҳнатда қотмаган. Шунча ишни кўриб-билиб... тилло берсаям қайтмас. Сув музлади. Кўни-қўшнинг эшигида қақшаб юриш осонми?! Акаси сиғдирармикан, Худо биледи. Келгандаям кун бермаймиз, кетади, тўрвасини қўлтиқлаб.

– Бунга ўзинг ёпасан, минғир-минғирни эшитмай...

– Ҳеч гап тегмайди сизга.

Бобо бошини сарак-сарак тебратиб, менга кўлини сермади. Бу – кет, дегани. Имлашлар аста-секин миямга олов ёқди.

Ҳам уларнинг ҳангомаси адоғини эшитиш, ҳам кузак сувининг нозик, шилдир-шилдири завқига тушиб, дара оралаб қирга ўрладим. Онда-сонда ялпоқ тош олиб, ариқ бўйлаб сакратиш учун отардим, кейин “тарс” этган товуш эшитилар, қушлар вижир-вижирлашиб ҳар томонга қочарди. Яна тиниқ сув ичидаги тошлардан саралардим-да, узоқ-узоқларни мўлжаллаб отардим. Таги едирилган ковушда авайлаб қадам босардим.

Даранинг тусиям минг турли – Сангноқнинг сарғимтир, кўнғир, малла, оқ тошлари юзига чанг юқмаган. Яшил арчалар ҳуснидан кибрлангандек, хокисор кузда фақирланиб ерга киргудек. Тик харсанглар кеккайиб, майда тошларни сиқиб ташлаётгандек...

* * *

Юрни Сувлисой томонга ҳайдаб, ширғайтаёқ ясадим. Чучук бодом шохидан синдиргунча, кўлим толди. Кейин дарров изимга қайтдим: тўрт қир ошгунча нафасим бўғзимга тиқилди, борингга шукр, байтал, дедим ичимда. Борарда, ковушим нам сўқмоқларда тойиниб-тойиниб кетавергач, отга миниб олгандим. Бутами, абрикми ушлаб зўрға қирга чиқардим. Дарада тулкиларни кўрқитиш учун хуштак чалиб, ширғайтаёқни ўзимча ҳар тарафга ўқталдим. Мулласойдан жар ёқалаб икки тулки қочди. Уор бирдан хурқди. Кишнашиб, тепсинди. Отлар қишин-ёзин тоғда юради. Бир сафар Учқиздан ошиб нарёққа ўтганда дадамнинг тожик ошналари ташлаб кетганди. Суюнчига битта той берганмиз. “Бўри отларга тегинмайди, икки оёқли бўрилардан кўрққулик”, дерди онам от ташвиши ортган пайтларда.

Форлисой устидан овул кўринади. Қуёшнинг ҳорғин тафти одамларни ноодатий бир ҳадикка кўйгандек... Хирмонга тушган қумурсқадек бари ғимирлар: тандирига ўт кўйгани қайси, отини чоптиргани қайси, томини ёттиргани қайси?.. Кимдир том устидан бир нарса ташияпти. Ошқовоқми, дейман. Бир талайи адирнинг нариги тарафидан ўтин ташияпти: болор кўтариб кетаётган уч киши, анови кампирнинг елкасидаги нима?..

Таёқни иргитдим-да, ўқдек отилиб сойликка тушиб, жилға ёқалаб чопдим: оёғим чакалак томирига илакишди, сурундим, тойдим, йиқилдим. Лекин бунга ҳис этадиган ҳолда эмасдим. Тепаликни айланиб ўтдим. Янтоқ, қушқўнмас

оралаганимда тикони болдиримга, сонимга санчилаверди. Лекин оғриқни сезмасдим.

Борсам, оломон Шодмон отанинг қулаган уйининг бор-будини бўлар – биров устунга, биров эшик-деразага, дадили забаровга, бўш-баёви ёғоч товоққа эга чиққанди.

Бироз кўзим синггач, атрофга серсолдим: етим меҳмонхонанинг ойнаси тўкилган, бир тарафи қулаган, гўё чайладек олди очилиб, шифтдан қамишлар шалвираб турарди. Ошхонанинг болори синиб тушганди.

Отанинг уйи бир онда хароба бўлди. Кузнинг намхуш ҳавоси, кечаси себалаган ёмғиргина чанг-тўзонни бекитарди, холос. Пахса девор тагидан тарвуздек тошлар мўралар, ипириқки қамишлар ҳар тарафга сочилган, чумчуқлар вижирлашиб норизоланар, қумурсқалар мўр-малахдек дарахтга ўзини урар, сичқонлар чийиллашиб қочар, дўппидек уя атрофида бир-иккита ари учиб юрар, Тўрткўз эса гўё ўликдек тақдирга тан бериб, қайрағоч остига чўзилганди.

Жойида фақат яккамих қолибди, деб ўйладим. У меники, ёки оғзимни очиб турайкими? Шу пайт устун тагидан узангининг бир учи кўриниб, хаёлимни бузди. Барибир яккамихга кучим етмайди. Бу кимгаям керак? Чилвири андак чириган экан. Билдирмайгина ўтиб, узангининг “қулоғи”дан тортиб олгач, қўлтиғимга қистириб, жуфтани изладим. Уйлиғиб ётган ашқол-дашқол, хас-чўп, қамиш орасидан тепиб, титкиладим. Катта болорларни кўтаришга қийналиб, ширғай таёқда тагини очдим. Барибир чиқмади, менга ўхшаган сон мингта, биттаси кўтарган-кетган-да! Мен орқалашга ярайдиган тузукроқ матоҳ ҳам йўқ, борини супуриб кетишганди. Меҳмонхона эшиги ланг очик, аммо у тарафга ўтишга иймандим. Кўрпа-тўшак, олача, жулбароқ ва кигиздан бўлак ҳеч вақо йўқ. Қуни шунга қолган экан, деб кулмасин Холбойга ўхшаганлар.

... Ини бузилган қушлар айюҳаннос солиб, чор-атрофни бошига кўтарар, арилар “ғиз-ғиз” у ёқдан-бу ёққа тентирар, Суяр аканинг ҳоли булардан кам эмас. Катта жанжал бошлаши тайин, деган хаёлга бордим.

Эгарни бекитиб қўйдим. Отам: “Эгарда барака бор”, дегани эсимга тушди. Улоқчи от олсак, эгарлайман. Той ҳам икки-уч йилда кўпқарига қўшилар.

Бу ерга кўнгил босганим учунми, ичимда нимадир узилгандек эди. Айбни кимга тўнкаймиз? Ўлжабой акаям ўзича ҳақ. Менга уйни сен бузгансан, деб ёпишса-чи? Нима деб оқлайман ўзимни. Тўғри, хатни мен ёзганман. Лекин ким-

дир бу хусусда ғалва бошлашига кўзим етмайди. Бунда бобонинг қўли бор. Ўйлаб кўрсам, ҳам-манинг уй бузилишида қўли бор. Бошқалар ҳам шу ердан у-бу нарса еяпти, улар ҳам мум тишлайди.

Хуржун опичлаган Қадам ака, кели кўтарган Қаршибой муаллим, занглаган пойтеша, болта, ўроқ тутган уста Низом йўлга тушдик.

Масжидга етганимизда рўпарамиздан очик юзли, озода кийинган бир йигит кўринди. Юз-юзма келгач, салом берди, қучоқлашиб кўришдик. Менинг қўлимни сиқиб қўйди. Узук-юлуқ аҳвол сўрашдик.

– Эшонимга ишониб эшагимдан айрилдим. Эртароқ келмабсан-да! – деди уста Низом. – Ўзимиз – уста, амаллаб кўтариб берардик. Охири қулади. Қаровсиз ётгандан кейин шу-да! Омонатинг бизда. Девор остида йўқолиб кетади. Уйинг битганда қайтарамиз. Эл шундай деди. Эр кишининг ризқи кўча-да, дейди. Бу ерда нима бор, қишин-ёзин ишлайсан, биринг икки бўлмайди. Бутун умр қора меҳнат одамни эгиб қўяди. Силланг қурийдди. Шаҳаринг тинч-ку!

– Эски-туски нима керак ўзи, тўғрими, Суяржон? – деди Қадам ака. – Ҳемирига янгисидан беради-а? Эскини тузатгунча эсинг кетади. Занглаганини бошингга урасанми?!

Узангини кўйлагим этагига яширгандим. Эгаси сезишидан қўққандек қизардим.

Суяр аканинг юзи бўғриқди. Узоқ каловлангач, “ҳа-ҳа”лаб ўша томонга кетди. Унинг бир дардига минг дард қўшилганини фаҳмладим.

Уйга қайтарканман, дарахтларнинг яланғоч танлари қаттиқ қалтираётгандек туюларди.

* * *

Уй бузилгандан сўнг...

Сулувхон опам ҳам тентирай-тентирай, ахийри, бизникига қўнди. У Суяр акамдан ёзғирди:

– Кел, итинг адашдимми шаҳарда, дедим. Бегона элга эл бўлиш осонми, дедим, кўнмади. Қайтаман, шу чолдеворни биров кўтариб кетармиди, деди. Эгасиз уйга бировнинг ичи ачидими?! Азобини ейди, энди битгунча. Тагин тўй бошлаб қўйган! Отам раҳматли қийналмасин деб ўқитди. Едирди, ичирди, қийинчилик кўрмади. Тараллабедод юриши кўпайди. Энди қишлоққа қайтгиси келмайди...

Онам уни юпатишга уринди:

– Элга гапми, битта иморат... ҳа, деса, тўйгача кўчиб олади.

Опа ҳафсаласиз қўл сермаб, қаншарини артди.

– Бир ўзига осонми? Аҳмоқнинг оғзидаги гап бу. У кишим қўлини совуқ сувга урган эмас. Битта қарашадигани эримми, ҳей... шу уйдан есам, дейди. Тавба, бўл-бўл бўлса, бегона-ку кетар, лекин ўзимиздикидан ортмайди. Ҳалиям инсофи ўйилмапти, меҳмонхонани бир “тишлаб” қўйибди. Энди нима қилсин, бечора, уйлансинми, уй қурсинми? Каталак солишгаям уқув йўқ. Эл дейсиз, янга, булар киши ўлса қўлини чўзмас. Кўп синаганман, ёрдам берадигани бармоқ билан санарли. Бировнинг уйини биров қўриқлайдимми?! Йўқ, ўзиники қилади, дарров. Акам ўзига ташвиш орттирди. Уй йўқ, жой йўқ, хотин сайлар, дегандек.

Дарахтларнинг яланғоч баданлари янаям қаттиқ қалтираётгандек туюлди менга.

Опанинг кўзларидаги мунг ҳали-ҳануз кўз ўнгимда гавдаланади. Хўнграб юборай дерди, фақат орийат кучли, тишини тишига босарди.

Энди-энди уйнинг бузилиши воқеаларини эсларканман, бир муаммонинг тагига етолмайман: нега бошида тиш-тирноғи билан қарши чиққанлар кейин ўзлариям шерик бўлди? Қайнатса қони қўшилмайдиган Сафар мулла ва Ўлжабой бирдан ака-ука тутинди?

Бунинг тагида бир гап бор эди.

* * *

Суяр акамнинг уйи-жойи йўқ, борар жойи йўқ эди. Ўсган ерида мусофирдек яшарди – на емақдан, на ичмақдан, на киймақдан тайин бор. Отам: “Уят, кап-катта одам оғил устида ётадимми”, деб судраб келмагунча ўрлиги тутди. Тўрт-беш кун бизникида меҳмондек яшагач, ахийри, кўникди.

Азон уйига кетади, кеч қайтади. Тушликни ўзим олиб бораман.

Уй қурсанг, ё ўғлинг бўлсин, ё пулинг: битта болорни тикка қилиш учун бир соат тиртанглади: олдин бу ёқдан кўтариб тортди, кейин нариги бошини айлантди, ўйдим-чуқур айвондан ўтказгунча терга ботди. Елкаси шилиниб кетди, ўнгариб олди. Мен кучим етганча кўтаришдим. Қибла тарафдаги томга бириктириб, ип тортиб, чамалади: тошдан пойдевор урди.

– Бу йилча яшаб-туришга уч хона бўлади, – деди у тўнка устидаги кигизга ўтириб чойдан хўпларкан. – Кейинроқ пул кўпайса, кенгайтириб оламиз. Ҳали шифергаям тўрт-беш сўм керак.

– Ҳамманики лойсувоқ. Бир-иккита одамни айтмаса... Дониёр жўрамларникиям шиферсиз. Яқинда кўчиб чиққан, – дедим гўё Суяр акамни юпатмоқчидек.

– Даданг қачон келади?

– Пешингача амаллаб турунглар, девди.

У жойидан кўзгалди.

– Ичкаридаги лаш-лушларни ошхонага ташийвер. Коса-товоқ, кўрпа-тўшак, сандиқ, яна бир нарсалар бор. Шуларниям кўтариб кетадиган чиқади.

Гап менга тегиб кетди.

Ашқол-дашқолларни ўтказгунимча кеч кирди.

Суяр акамнинг ҳам иши унмаганини аччиқлашиб тошларни ҳар тарафга ота бошлаганидан сездим. Пойдевор қозикларини суғуриб ташлади. Кимнидир сўқди, ўзини койиди, лақма, деб.

– Бизгаям битар дунё. Ўшанда кўрамиз. Ўзи зарилмиди шу қишлоққа қайтиб менга. Бир куним шаҳардаям ўтиб турувди. Келмаганимда бундай хор бўлиб юрмасдим. Уст-бошим тоза эди, лой чангаллаб ўтирганим йўқ эди. Битта каталак ўша ёқдаям битарди.

Энди эсласам, ўша ондаёқ унинг руҳи синган экан.

V

Овулга яна сукунат чўқди.

Сув музлаган кезлари Суяр ака резина этик кийиб лойга тушди: зил-замбил қолип тоғиб, ғишт қуйди, лекин эл келмади, бизга қарашмаган, деб. Ҳорма ошига ҳам ярамагани қанча? Кейинроқ Ўлжабой акис билан Суяр акамнинг орасидан гап қочганини эшитдим. Икковининг ҳам мушти тайёр. Қишлоққа эса Суяр акам ёмонотлиг бўлди: у жанжал кўтарди, лекин бирор киши унинг тарафини олмади, шу алам қилди. Фақат Сулувхол опамнинг куёви бурнини жийириб келиб, тўрт-беш кун қарашди, холос. Бошқаси соясини солмади.

Совуқдан ижирғансам-да, бир кун ҳашарга тараддудландим. Аёз, туфласанг ерга тушмайди. Битта ғишт қўйиш малол, лой чангаллаш азоб. Бутун бадан музлагандек бўлади. Тош қўлга текканда совуқ мияга етади, маъқули – у-бу керакли нарсани узатиб туриш.

Ўтган-кетгандан гап очилганда қулоқни ўнглайман. Дадам Нормат отанинг ғажирлигию Қаршибой отанинг гапга чечанлигидан сўз очди.

Суяр акам етти отамизни суриштира кетди.

Ҳангома бориб-бориб, оловлашиб, уйнинг бузилишига тақалди-ю, Суяр акам қизишди, Ўлжабой бобони сўка бошлади.

Отам унинг ҳовлиқмалигига кулиб қўя қолди:

– Ўлжабой аканинг жони нечта уйни бузиб?

Биздан ўтиб қўл теккиза олармиди?! Иморатинг шамолга ҳилпираб турувди, ўзи. Нечи йил бўлди, соягни солмайсан, қулайди-да. Гумон – ёмон, ўз кўзинг билан кўрсанг, бошқа гап. Ушлаб олдингми бузганида? Жим бўл, айб ўзинг-да. Бу уй сеники, унга сен қарамасанг, биров барибир бузади. Отанинг уйига фарзанд эга...

Отамнинг уй ҳақидаги уйдирмаси жуда ишончсиз чиқди, менинг хаёлимда.

Суяр ака қолипга лой ташлади, мен унга тош суқиб зичладим, кейин қолипни тортдим. Эски иморатнинг гишти унинг жонига ора кирди. Шу ишини ўржитди.

Ўша пайти Суяр акам тўйга қурби етмаслигини рўй-рост айтди. Беш-олти кунда уй тикка қилиш аҳмоқнинг оғзидаги гап-да!

– Хаёлим яна Тошкентга кетади, – деди у жиндак афсусланганнамо. – Лекин тўйни шу ерда ўтказишга сўз берганман. Нима деган одам бўлдим-а? Ҳали бу уй роса бошимни ейди-ганга ўхшайди. Оддий арифметика бари, аммо устанинг иши экан-да қурилиш. Мен тинчгина қоғоз-қалам билан шуғулланганим яхши.

Дадам унинг елкасини қоқди:

– Биласан, икковимизнинг орамизда сеники-меники, деган гап йўқ. Бизникида ўтади тўй. Узун ўн бир болорга чимилдиқ иламин, маъқулми? Яшайверасан, қиш чиққунча. Баҳонада, янгангга эрмак топилади. Шуми ташвишинг?..

У ҳорғин нафас олди.

– Мен-ку, чидарман, онам нима дейди, эл-элат-чи?.. Битта келинниям ўзининг уйига тушира олмапти, демайдими?! Бир амаллаб қишни ўтказ-сак, у ёғи Худо ўнгига бошқарар. Қишлоққа келиннингиз кўникиб кетганча... Ишим орқага кетди.

Отам юпатганнамо деди:

– Руҳи тушганнинг оти ҳам юрмайди. Битган ишни энди чўзма. Одамларнинг гапига кирсанг, фақат ётсанг – яхшисан. Энди, нима бўлса бўлди, бош ёрилгани дўппти остида. Тагин, кимга қизиқ, сени гапириб. Ҳаммамиз бир отадан тарқаганмиз, бир уруғмиз. Лекин эсингдан чиқарма, ҳозир ташлаб кетсанг, бировнинг кетмони учади.

– Элга эрмак бўлгандан... кетган маъқул.

Итнинг кунини кўриб юрибман. Уйини сотадиган ҳам йўқ-да.

– Менинг гапимга кир!

– Сиз тишингизни тишингизга босиб чидашингизга тўғри келади. Икки қозон қайнатиш керак, бир тандир етмайди...

* * *

Ўлжабой бободан қанчалик нафратланмай, унга бор айбни тўнколмасдим. Йиллар ўтиб, буни Суяр акамга айтмаганим тўғри эканини англадим. Эҳтимол, ўша хатни Ўлжабой бобо ёзмаганида Суяр ака ҳалиям қишлоққа қайтишини Худо биларди.

VI

“Уйни бузганнинг ўзи бузилсин! Ёлғиз боламни тентиратиб нима барака топарди?! Бири икки бўлмасин!”. Барчин момом қишлоққа қайтиб, ич-этини еди, уй бузувчиларни қарғади, сиқтади. Лекин энди кеч эди. Бир-икки кун бизникига сиғмай, эртадан кечгача тўрт-беш марта отамнинг уйига бориб келар, чарчаб ҳолдан тойса-да, ҳар соатда: “Уй битдимикан?” деб алағда бўларди. Уйнинг ҳа деганда битмаслигига кўзи етса ҳам...

VII

Уй ичи илмлиқ, ташқари совуқ эди: аҳён-аҳён қарғаларнинг айюҳанноси аламзада табиатнинг дардига туз сепарди гўё. Куз оёғини чўзиб турибди, қиш аксиряпти.

Овулнинг иши ичкарига кўчган кезлари эди. Онам тандирдан қозонпатир узиб, битта-битта чаночга соларкан, дарча очилиб, Сулувхол опам кирди, ўғли – Ниятни опичлаб олганди.

– Қайси шамол учирди, қиз?

– Шу шамол бизникида, ҳашарга келдик, тоғамиз иморат бошлаган экан. Жиянлари бора-миз, деб қўймади. Уй ичилар тинчми?

– Ҳа, шукр.

Онам тугунчани менга тутқазиб, уларни даҳлизга эргаштирди.

Момом дарров: “Ҳа, яна эринг урдими?” деб тилланди. Улар анча пайт индамай ўтиришди.

– Ўзингдан бир гап ўтгандир, бир муштга уй бузилиб кетаверса, ҳай-ҳай, тавба дегулик... Момом рўмоли учини тишлаб қўйди.

Сулувхол опам хўрсинди:

– Уй қилмайман, эр зоти шу бўлса, тоқ ўтай.

Шу гўдакни амаллаб катта қилсам...

– Болам, бунча енгил бўлма! Қизишиб айтган гапингни унут, ота уйингга қайт, деб узатмаганман. Сенинг уйинг ўша ерда. Биринчи уйинг уй... қолгани бахт бермайди. Болангни чирқиллатиб, барака топмайсан. Отасиз ўсган уйсиз ўсгандан ҳам ёмон.

– Ҳа, отамнинг уйига сиғмай қолибман. Битта борадиган ерим шу ер эди. Ўрни билинаяпти отамнинг. Кўчага бундай ташлаб қўймасди.

– Уй қилиш осонми, рўзгор – бору йўғига, каму кўстига чидаганга. Не кунлар ўтмади бошдан – биров билди, биров билмади. Жорияга жар солганда иш битармиди?! Ёмон яшамадик, урсаям сеники маъқул, дедик.

У ўқчиб қўйди.

* * *

Отам ҳам ўша гап ичида бўлган. Хўш, унда нега қарши чиқмаган? Энди уни пинжиги олгани нимаси? Буни сўраш уят, яна момом эшитса... Момом ҳам уч-тўрт кун тўмрайиб юрди, қулоғига бир гап етганми? Фақат онамга ичини ёрарди.

Момом “уҳ-уҳ”лаб ётганида беихтиёр ичкарига ўзимни урдим. Дахлизга югуриб кирсам, ойим унга чой хўплатиб ўтирган экан. Бутун вужуди дириллар, ўқтин-ўқтин йўталар, тинимсиз ваража тутарди.

– Уҳху, ух, ўлсам бировга оғирлигим тушмаса, енгилгина олса. Уйингда ўлсанг, ўша ердан чиқарса, қанийди. Уҳ-ху, ух. Бу йўтали қурғур тўхтамайди. Ҳа, қуриб кетсин-ей!

Онам момомнинг дамани кесди:

– Ҳа, энди шу грипга ўлаберсак, дунёда одам қолармиди?!

Барчин момом манглайига сочиқни босди:

– Кетадиганга ўхшайман, бир қарзим –

Суярни уйламадим. Тўйини кўраманми, девдим, пешанага битмаганга ўхшайди.

– Неваралар-чи?

–...

Момом онамни энгаштириб қулоғига шивирлади:

– Эрингизга айтинг, овсин! Бизнинг уйга қарашсин! Оққан дарё оқмай қолмайди, барибир дунё унгаям битади. Ота-бобоси элнинг олди бўлган, қаерга кетади?.. Шунча дунё эгасига қайтади-да!

Ойим бош силкиди.

* * *

– Бир қисм тупроғидан олиб келдим, қўшиб кўм, – деди момом ярим ёнбошлаган кўйи обжўш хўпларкан. – Чолимнинг изи тушган, ағнаган. Уйинг битмади, ўлсам эл билан тортишма, ким нима экса шуни ўради.

– Тортишмайман. Тўй-чи? Ким бош бўлади? Келингиз-чи? Ўлмайсиз!

Суяр акам момомнинг қоқмол қўлларини маҳкам сиқди.

– Тўйни қолдирма, мендан бошқаси сенга қайғурмайди. Амаллаб ўтказавер, ҳеч ким

кулмайди. Момо ютинди. – Ўзинг учун ўл етим. Кўзим очиклигида тўйингни кўраманми, девдим. Уҳ-ху, уҳ-ху.

– Кўрасиз.

* * *

Тўй яқинлашган сайин Барчин момомнинг аҳволи бадтар оғирлашарди. Қариликми ёки эски дард зўрлик қилдимми, ишқилиб, бошини кўтаролмай қолди. Суяр акамнинг ташвиши ортди.

Отам Ўрол муллани чақириб, чилёсин ўқитди, сал тузалгандай бўлди.

Эртаси куни тенгқурлар мактабдан қайтарканмиз, кўчамизга талай одам йиғилганини кўрдик: ҳамманинг белида белбоғ. Ким бўлса? Хаёлимни минг ўй кемирарди.

Болалар тасалли берди:

– Йиғлама, жўра, ўлган қайтиб кемайди.

– Момомми, дейман...

– Жойи жаннатда бўлсин!

Дарчадан киргунча юрагим ёрилаёзди.

“Онам”лаётган қишлоқ ичидан дадамни излардим. Қаерда экан?.. Суяр акам-чи? Орувлаётган хотинлар уввоси кўнглимни бўшаштирди. Бел боғлаган Суяр акам ўзини у ёқдан бу ёққа ташлайди.

Одам уйилиб кетди. Гўё тўрт тоғ ораси кўчиб келгандек эди.

Суяр акамнинг ёлғизлиги билинди. Хотинхалаж, қари-қартанг “онам”лади. Ёш-яланг, чоллар “онам”лади.


Тобуткашлар бирма-бир, қўлма-қўл майитни елкалашди. Суяр акам уввос солди. Барчин момони бизникидан чиқарди, унга алам қилгани – ўзининг уйи битмагани. Отасини ўз уйдан тупроққа топширганди. Онасини-чи? Юраги ёниб кетди, ўкиравериб.

Момом ўлар чоғида ҳар вақт шу гапни гапирарди: “Уйимни битказ, бировга юким тушмасин! Сомонхона бўлсаям, майли. Қирқимга келганлар талмовсираб ўтирмасин, дўст бор, душман бор. Болам, сенга айтадиганим шу. Ўз уйимда чироғимни ёқиб турсанг, бўлди. Гўримга тош қўйма, уй қур”.

Момони сўнгги йўлга кузатиб, туйнуги йўқ уйга қўйиб келдик.

Суяр акам мисоли гаранг эди: бирор иши ўнланмади. Ўзига ўзи сўкиниб, ғижиниб юрди. Игна еган итдек озиб-тўзиб кетди.

Уй битмаганди. Момони уйдан чиқармаганди.



* * *

У савобу жанозани, эртасига худойи маракани ўтказиб, лаш-лушини йиғиштириб, негадир шаҳарга кетиш тараддудига тушди. Бу ёғи қиш оёқ тирар – сувнинг юзи қота бошлаганди. Туман тушиб, бирдан музгалак ёғди. Аввалига дадам Суяр акамни бу совуқда кетолмайди, деб ўйлади. Кўчага чиққач эса, уришди.

– Қишлоққа қадамнингни босма! Сен ҳам йигит бўлдингми-ей, битта онангнинг қирқини уйингда ўтказолмасанг! Оёғингни синдираман, келсанг, билиб қўй.

Суяр ака ёмғирпўшини устига ёғиниб кетди.

– Акамнинг руҳи тинч қўймайди сени, кетавер, санғи! Оринг бўлса, шу уйни кўтарардинг, кўнглинг Амирқони тусамасди. Ўз уйим – ўлан тўшагим.

У бир тўхтади-да, яна юрди.

Қўлимга тош олдим...

* * *

Сулувхол опам уйма-уй тентиради. Жиянни ияртиб, кирмаган уйи қолмади. Бировнинг уйдан сомонхона тузук. Ахийри, ўша чолдеворга қуни қолди.

* * *

Дадам ҳам охири тақдирга тан берди.

Ўлжабой бобо бизникига адашиб кирдимиз, атайинми, билмайман, дадамга роса ниш суқди.

– Кўна пўстакдек судрадингиз, ини? Кетиши маълум эди-ку, – деди у дадамга қарата, сир бой бергиси келмай. – Сўғимларни боқаман, деб бўйнингизга олганмисиз. У ёқдаги чўпни бу ёққа қўймаса, менгаям, сизгаям ташвиш.

Дадам тутақди:

– Ҳа, уйига эртароқ эга чиқмоқчимидингиз? Ана хувиллаб ётибди. Чечамнинг қирқини ўша ерда ўтказамизми, девдим. Битта ўзим қай бирига югурай.

Ўлжабой ака пинагини бузмади.

– Ўлган ўлди-кетди. Энди қурби етса, тўрт-беш товоқ ош қилиб, қирқини ўтказсин, қурби етмаса, ҳеч ким ўтқаламайди. Яна қайт, деб бола бечорани қистаманг! Ўзи, уй қураман деб бели синди-ёв.

Дадам унинг ниятини аллақачон сезгани учунми кулиб қўяверди.

Кулиш маънисини тушунгандим.

Давоми 34-бетда

Шароф Рашидов



ШАРОФ
РАШИДОВ

Буюк Темур ҳукм сурган қадим тупроқда
Кимларгадир муте бўлмоқ осонмас асло.
Бу кун сизни эсладим мен – қалбим титроқда,
Шароф ота, юрт сарвари, шарафли сиймо!

Эзгуликни ниқоб қилган ноқис салтанат
Диёнатдан жар солганда дунёга бутун,
Донишманднинг иродаси керакдир фақат
Риёлардан ўз шаънингни асрамоқ учун.

Билардингиз, қалбингизнинг тубида эди
Эрк, ҳурлик деб шаҳид кетган юртнинг гуллари.
Яна не-не инсонларнинг бағрини эзди
Муз юракли мустабиднинг қонли қўллари.

Саодатга элтар йўллар турли ва турфа,
Балки гоҳи олий бахтга сиз ишондингиз.
Бироқ қорли эгатларни кечган кеч кузда
Юпун элнинг ҳолин кўриб ичдан ёндингиз.

Юҳо юртга, у муқаддас эмасди гарчанд,
Ҳатто Макка кўрмаган ганж, тиллолар оқди.
Лек халқимга такаббур тахт боқиб беписанд,
“Тиллапараст” деган тавқи лаънатни тақди.

Бир кун сизни кузатди эл йиғлаб, оҳ уриб,
Машҳур майдон меҳробини ошён этдингиз.
Бироқ сиз бу қабрдан бир кечаси туриб,
Чигатойга томон аста юриб кетдингиз.

Фидойи зот ўлмас асло, яшагай омон,
Башарият ардогида бўлгай мард эрлар.
Ўзингники лек кўксингдан итарса ёмон,
Ўзингники ўзагингни узгайдир, дерлар.

Не бахт, юртнинг уфқларидан тарқади туман,
Самолардан юракларга ёғди тагин нур.
Кўрди халқим дилда ажиб ҳаяжон билан
Сизнинг азиз сиймонгизни – хоксор ва мағрур.

Олқиш айтар шаънингизга осмон губорсиз,
Ушбу айём руҳингизни шояд шод этгай.
Сиз улуғлар қаторида ҳар қачон борсиз,
Номингизни ҳур насллар мангу ёд этгай!

Мирнўлат МИРЗО

Эл ғамидда ўтган умр

Халқимизнинг суюкли фарзанди, атоқли адиб Шароф Рашидовнинг ижоди асосан 30-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган бўлиб, дастлаб шеърятда қалам тебратган. Биринчи шеърый тўглами “Самарқанд куйлари” деб номланган. Шундан сўнг ижодкорнинг “Ўлкам”, “Орзуимиз” каби шеърый тўгламлари чоп этилди. Иккинчи жаҳон уруши даврида ғалабага етакловчи шеърлар ёзиб, жанг майдонида ҳам кураш олиб борди. Жангавор руҳдаги шеърлари тўглам сифатида 1945 йили “Қаҳрим” номи билан чоп этилди.

Шароф Рашидов мақоланавис – публицистикдан камолга етган адиб даражасига кўтарилди. Шунинг учун ҳам унинг бадиий ижодида давр руҳи ёрқин акс этган. Адибнинг “Ғолиблар”, “Бўрондан кучли”, “Қудратли тўлқин” романларида урушдан кейинги Ўзбекистон халқининг тикланиш йилларидаги жасоратли меҳнатлари бадиий ифодасини топган. Ёзувчининг “Кашмир кўшиғи”, “Комде ва Мудан” каби лирик қиссалари анъанавий Шарқ дostonчилиги услубида ёзилган бўлиб, ёшлик, баҳор, ҳаётнинг гўзал нашидаси мадҳига бағишланган. Адиб умрининг сўнгги йилларида яратган “Дил амри” қиссаси ҳам Иккинчи жаҳон уруши йилларида Беларус заминида кечган жанг манзаралари, турли миллат жангчиларининг ғалаба йўлида олиб борган ҳаёт-мамот кураши тасвирига бағишланган.

Ватанимиз тарихининг энг мураккаб даврида яшаб, фаолият кўрсатган йирик давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов 1983 йилнинг кузида вафот этди. Ундан улкан адабий мерос билан бирга, юрт тақдирига дахлдор жуда кўп эзгу ишлар халқимиз хотирасида мангу муҳрланиб қолди. Ўзбек халқи ўзининг фидойи, истеъдодли ва бунёдкор фарзандини ҳеч қачон унутмайди.

Мароф Рашидов номини ўзбек халқинини тарихидан, ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Мароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидойи фарзанд эди.

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Отаси: Рашид Халилов, Онаси: Қўйсиной Халилова

Мароф Рашидов ўзбекини, она халқини ўйлаш, унга қўйиниши туйғулари кўнгида тунириб турган, аммо ошкор қанот ёзишга йўл қўйилмаган бир замонда яшади.


Муҳаммад Али



Адиб учрашувда.

*...Млоҳи, ҳар қилма берсини тўғзим,
Бут бўлсин Ватаннинг мейтин кўрғони.
Сизни қўлмаб турар Ўзбекили – ўзим,
Ва юртинини посдони – тасур ўғмони!..*

Абдулла Орипов



Адибнинг ёшлик йиллари

Мароф акал ўз халқинини, Ватанинини фидойи фарзанди эди, сўнги нафасига қадар шу халқ манфаатлари йўлида курашинини ҳар нарсадан устун қўйиб ишлади, яшади.

Асил Рашидов



Чапдан: Комил Яшин, Александр Ивахненко, Акмал Пўлат, Фафур Гулом, Юнус Ражабий, Сарвар Азимов, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор билан.

Отам оиламиз учун ҳаминша идеал инсон бўлган. Чунки кўз ўнгимизда ҳар томонлама юксалиб борди: газета муҳаррирлигиндан республикализмнинг биринчи раҳбари даражасига кўтарилди, унинг онги, дунёқарашини, маънавиятини ҳам шунга мос юксалди. Қайси лавозимда ишламасин, ўзгармади – ўша-ўша салимийликка қолди.

Сайёра Рашидова



Қизгин адабий гурунгда.

Шароф Рашидов аجدодларидан, отасидан мерос қилиб олган – барча ишда олдинда юриш, кундалик турмушда камтар бўлган ҳолда иш бодбда талабчанлик, одамларнинг дардида малҳам бўлишдек ўзбекона фазилатларни умир бўйи қадрлади.

Ислоом Каримов,
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти



Зулфия билан.

*Баъзан битта одалини кўнглини топиш, мушкул,
Чорак аср бутун бир халқ кўнглига топиб йўл,
Қон-қардон, хорижийга “тиларим” деб тўтиб кўл,
Яшадиниз...*

Ҳалима Худойбердиева



Ўлмас Умарбеков ва Мирмуҳсин билан.

*Сизни алқабанлар бир халқ, бир дениз,
Сизни қаргаанлар – тўралариниз,
Сизни адо қилган тўралариниз,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот!*

Муҳаммад Юсуф



Халқ билан мулоқот

Шароф Рашидовнинг ҳаёти фақат меҳнат билан ўтди. На роҳатни, на машаққатни биларди. Икмасди, чекмасди... Икво, фиску фасод шу дарамага бериб етдики, ҳаётто уни порахўрликда айблamoқчи ҳам бўлишди.

Шароф Рашидов ҳам ана шундай эзу кунларнинг келишини, Ўзбекистоннинг ҳақиқий мустақиллигини жуда-жуда орзу қиланди.

Мақсуд Қориев

Шароф ака ана шундай оқибатли, ҳар қандай таъвими онларда ҳам ҳеч нарсани эсидан чиқармайдиган меҳридон инсон эди.

Мадийер Худойберганов



Чингиз Айтматов билан.

Гиёсиддин ҲНАРОВ
тайёрлади.



Шароф Рашидов оиласи билан.

Давоми. Боши 18-бетда

VIII

Уйда роса ториқдим. Кун ҳам ўзини қўйганди. Болалар қирда “тақ-тақ” ўйнаймиз деди. Тахта тўппончаларини олиб, тоққа қараб кетишди.

Онам бодом мой олиш учун омборга кириши ҳаманоқ қўшнимизнинг теракзори оралаб югурдим, ортимдан бақирганларини эшитмаганга солиб қочдим.

Отанинг харобасига етганимда, бирдан кўнглимда ғайри ихтиёрий оғриқ уйғонди: файзли иморат ўрнида музтар хоналар, тўзғиган кийим-кечаклар, беморнинг рангидек сап-сариқ хазонрез, адирдан сел тушиб бузилган ҳожатхона... энди кучук ҳам кўринмасди.

Ўйин роса қизиган: болаларни ҳар қанча томоғим бўғилиб чақирмай, ҳеч бирининг қораси кўринмас, ўн чоғли бола шу ерга сингиб кетганди, гўё. Шунда хаёлимни ҳўл баргларнинг ожиз шитири бузди. Ошхонанинг пастак деворидан сакраб, ўйилган тандир ўрнига тушиб, яшириндим. Ковушим лойга ботди. Томиз кесак эриб, бурчак сариқ алламбало рангга бўялган экан. Даҳлиз тоқчасидан писиниб аланглаётган Яхшибой мени кўриб: “Эшик олдида ким бор”, деб имлади. Елка қисдим.

Шунда унинг ортидаги девор илкис нурай бошлади.

– Тақ, Яхшибой, кетдинг! Чик, кўрдим, тоқча-дасан!

У норизоланиб қўлини кўтарганча сада тагига ўтди.

Болаларнинг “тақ-тақ”и яна зўрайди.

Мен халал бермаслик илинжида Яхшибой тарафга юрдим.

Ўйин қизиди, ичим қизиди, лекин кечиккандан кейин шу-да!

Ютқазмаслик учун Яхшибой ишоралар, у ҳам бармоқларини рақиблари “пилдир-пилдир”ига мос ўйнатар, баъзан “қоч” дегандек тишланиб қўярди.

Чайир Ўрозали қўлига кесак олди-да, оғил четига отди. Ҳамманинг хаёли ўша томонга оғди, у-бу жойдан каллалар кўринди, у дарров “тақ”иллата бошлади.

– Мамадиёр, Ўрол, Пўлат учовингниям кўрдим, деразанинг икки тарафидасан! Тақ-тақ.

Ўрозали ўйинни ҳаллади.

Пўлатнинг авжи келди:

– Том бошида ётаман-эй,

Душман келса отаман-эй.

Қатор-қатор қизларнинг

Кокилидан тортаман-эй...

Яна иккига бўлиндик. Тошлоқ йўлнинг ўнги ва чапи.

Энди шайлангандик:

– Эгаси кўрса ҳаммамизни уради, – деди менга хавотирланиб қараганча Мамадиёр.

– Уйдами? – деб сўради Ўрол.

– Ҳа...

– Бошқа қаергаям борарди.

Улар бирваракайига кулишди. Бу билан мени масхаралагандек туюлди, лекин қўшилдим кулгига.

– Чертмайди, – деди Пўлат чинчалоғини сермаб. – Мурод қувиб юборади, кейин кимникига боради. Шу ерга келадими?

Гапни Ўрол илиб кетди:

– Муроднинг дадасиям кўнган экан: “Майли, барибир уддалолмайди, ҳам шаҳар, ҳам қишлоққа югуриб. Икковидан бирини ташлаши керак”, деб.

– Эй, билмасдан сураверма, биз бир отадан таркаганмиз, дадам айтди. Сен ҳам, мен ҳам. Мен эшитганман: Ота ҳаммани қишдан чиқараман, деб, ўлиб кетган, – дедим кўлимни мушт туғиб, Ўрол томонга юрдим.

– Бизга нима? Ўзлари келишиб олади, ҳамма-миз ёш бўлсак...

Ўрозали болаларни жойидан кўзгади.

Тарқалдик.

Бўй баробар ҳандаққа ўзимни ташладим: қибла тарафдаги бурчакка бекиндим. Тагимда қават-қават хазон тўшалган. Зах ер оёқдан олади. Қуёшнинг ожиз нурлари юзи чайилган хазонлар устида жимирлайди. Атроф сукутда, гўё олам шундай оний сукутга чўмган.

Аста пойладим, Мамадиёр ҳожатхона томонга писиниб юрди:

– Тақ, Мамадиёр, ўт бу ёққа...

Кўлимда шифер синигидан ясалган тўппонча, ҳар “шитир-шитир”ни эшитганимда аланглайман. Шу пайт тап этиб елкамга қуш ахлати тушди.

– Чақир ҳаммасини. – Кимдир “чарс” этиб шапалоқ тортди. Суяр акамнинг овозини танидим.

– Ўйин бузалоқ. Чиқинглар бу ёққа, – Ўрозалининг овози қалтиради.

Энгашиб қарадим, Суяр акам унинг қулоғидан чўзди. Ичим “шиғ” этди. Қочиб қаёққа ҳам борардим, барини шу ерда ёпиш керак. Дадамнинг қулоғига етса борми?!

Мамадиёр писиниб сойга тушиб кетди.

Уй эгаси қатор тизди, кейин галма-гал тепа кетди. Мени тепмади. Хивчин олиб савалади,

ундаям менга тегмади. Лекин унинг кўзидаги мунг вужудимга олов ёқарди.

– Ўзи, санларда айб йўқ, элдан фикр кетган. Барингнинг уйингда шу гап бўлган. Уйни бузиб барака топдиларингми? Ол, ташиб кет ҳам-масини. Тутроғиям қолмасин! Отамнинг эски чопони бўларди. Ким илиб кетдиди? Шуниям кўп кўрдингларми?

Шундан кейин бу тўғрида гап қўзғалмади.
... Ҳали-ҳануз ўша воқеаларни эслаймиз.

* * *

Момомнинг қирқи чиқиб... Суяр акам уйланди.

Уйимиз тўлди.

Уйга чимилдиқ тикди. Чимилдиқ ҳам уй экан.

Уйтўл хола қуюқ дуо қилди: “Сабоҳат байча уйим-жойим дейдиган келин бўсин! Ўзлари шу уйдан кўпайсин!”.

* * *

Сулувхол опамни тўйдан кейин бир кўрдим. Хаёл билан чолдевор томонга кетиб бораётган экан. “Ҳа, бу ёқда адашиб юрибсиз”, десам, “Отамнинг исини соғиндим”, деди ўксиниб. Чала битказилган уйни кўргандан сўнг бизникига юрди. Ярим соатлар Сабоҳат янгам, онам учови гурунглашгач, уйига жўнади.

Онам ўша кунни момомнинг ўзидан роса ёзғирганини эслатиб қолди: “Ўламанми, уйдан чиқмай ўтирсам, болаларим бировникида бундай тентирамасди. Бировникида ўлолмаётмасдим”.

Янгам “пиқ-пиқ” йиғлаб юборди.

* * *

“Уй қиламан, деган қиз экан”, дерди кейинчалик Сабоҳат янга ҳақида гап кетса, қишлоқнинг қўли узунлари.

* * *

– Ўз уйингга ўзинг эгалик қил, – деди дадам Суяр акамга келин-куёвнинг чилласи чиқар-чиқмас. – Кун ўзини кўйгандан гуландава қилиб, кўч. Акамнинг уйига сиғмай қолдим, деб ўйлама. Лўмбоздан кейин ҳеч ким қарашмайди. Ошхонанг ҳам бемалол ётиб-туришингга бўлади.

Суяр акамнинг кўзлари киртайди, олачага тушган ушоқларни теришга тутинди.

– Кўчаман, оғайнилардан тўрт-бешта кигизми, гиламми йиғай... қозон ҳам йўқ.

– Илгари бир кигиз, бир пўстак, бир қозон билан чиқиб кетаверган. Дадам оёғини сандалга тиқиб

ўтирди. Шодмон акамдан олдин Нормат, ундан олдин Қаршибой ўтган. Сенинг уйинг Қаршибой отамдан қолган. Одамларнинг айтишича, ота элга очарчилик келганда тўрт тоғ – Молгузар, Ғўбдин, Ургут, Туркистон орасига сурув-сурув қўй тарқатиб, элни эл қилиб қолган экан. Бу уйнинг эгасига дуо кетган, дейишади. Шунинг учун ўтган-кетганлар: “Отамнинг уйини кўриб кетайлик”, дейди.

Суяр акам бошини кўтарди.

– Ота моли қўшилмаса, бола бойимас, деган. Тўрт девордан бошқа ҳеч нарса йўқ. Эртага нима қиламан? Сизнинг бир-икки оғиз гапингиз билан бир нарса ўнармиди? Ҳамма иш гуркираб кетармиди?

Дадам тишланди:

– Билган номақбулчилигингни ейвер, бўл-маса! Йўлингни тўссам, бетимга “туф” де.

Суяр акам индамай жойидан туриб кетди.

* * *

Сабоҳат янга йигирма кундирки, бесаранжом эди. Ахён-ахён: “Отамнинг уйини қачон кўрсатасиз?” деб ҳадеб сўрайверарди.

Бир куни мактабдан эртароқ келиб имладим. Эридан рухсат теггач, ўраниб кийинди.

Янгам иморатнинг ичига кириб кўрди: изиллаган совуқ дераза тешикларидан ўзини урар, шифтдан томчи ўтган, бурчаклар лой, тоқчалар ўйилиб тушганди.

Меҳмонхона даҳлизи ва ўн бир болорида қишни ўтказса, бўлар, деган ўйда ўша ёққа одимладик. Эшикни очиб ичкарига ҳатладик.

Даҳлизнинг бир бурчида элак, ғалвир, ёғоч товоқ уйлиғиб ётарди.

Янгам ҳар бир тирқишга сер солиб, юзи ёришди:

– Изиллаб ётгандир, деб ўйловдим. Амаллаб печка қурсак, совқотмаймиз. Акангизга қолса, баҳорниям бировникида ўтказса... Қиш ўчоғи тор, қайним!

– Ошхона яхшироқ-ку! Иссиқ ушлайди, янга! Тўрт-бешта хода билан иситиб оласиз, ўтин деб югурмайсиз.

– Акангиз, кўнса... Кал бўлсам ҳам кўнглим нозик, дермиди? Яна айниб қолса, бир ҳунарни бошламасин!

* * *

Янги ой чиққач, онам Суяр акамни ўз уйига кўчирди: олача, жулбароқ, кигиз, тўрт-беш кўрпа-кўрпача, қозон, коса-товоқ билан.

Қаҳратон қиш, изғирин суякни ўяди. Суяр акам бўзрайди.

– Эртами, индинми барибир уй керак. Кам-кўстни ҳозирдан ёпмасангиз, кейин қийналасиз. Биз ҳам битта кўрпани қўлтиқлаб чиқиб кетганмиз, ўлганимиз йўқ. Сизнинг ҳамма нарсангиз бор. Отадан қолганиям нечи уйга етади.

Сабоҳат янгам аввал кўчишга жуда ишқибоз эса-да, энди бироз ҳайиқди. Лекин сир бой бергиси келмасди.

– Ўчоқ қурсак, амаллаб қишни ўтказармиз. Тандингизга нон ёпиб кетиб тураман-да. Ҳовлидаги ёрилибди, ўзи.

Онамнинг қизғанчиқлиги тутди.

– Келгунингизча хамир қайзиб қолади, қайзигандан кейин нон бўлмайди. Битта қозонпатир қилсангиз, икковингизга етади, ўтин мўл-ку! Бола-чақа демасангиз, менга ўхшаб.

Суяр акам олачани елкасига ташлаб, индамай жўнади. Менинг қўлимда бир бўғжама кийим-кечак орқалаган кўйи “ғарч-ғурч” қадам босиб кетиб борардим.

Отанинг уйи дарахтлар орасида ғарибона кўринди. Ета-ета Суяр акамнинг авзойи бузилди.

– Бу ерда қотиб қоламиз. Меҳмонхона шартмас. Ошхона торроқ, иссиқни ушлайди, ҳам панароқда. Сабоҳат, сиз ўт ёқинг печкага. Муроджон қарашиб туради.

Умрида тутантириқ ушламаган янгам анча овора бўлди. Кейин ўзим ҳўл-қуруқ ўтинни аралаштириб, печкага тикдим, пуфлаб олов ёқдим. Тутай-тутай ёниб кетди. Ошхона ичини илитгунча қоронғи тушди.

Икки соатлар ўтириб, уйга қайтдим.

* * *

Қиш қишлигини қилди: чилла ўтгунча эшик ҳатлаб бировниқига чиқолмадим. Келин-куёвни кўришга қанча интиқланмай, уйдагилар унамади.

Бир сафар тегирмонга борганда Суяр акамни кўриб қолдим, сал ўпкалади биздан. Кетаётганда: “Янгамга салом айтинг! Кун исиб қолса, ўтаман кўришга”, дедим.

* * *

Уй бўшади: кўрпа-тўшак тоққа кўчди.

Отабойқир қўлтиғига дадам ўтов тикди, ялангликка кўра қилди – сурувни қамашга, деб.

– Суяр акангникидан болта олиб кел. Кўрага эшик ясаш керак, – деди дадам сим тўрни таранг тортаркан. – Бир қиш ўтди кўрмаганингга, ҳам хабар олиб келасан. Адирга чиқсин, арпа-буғдойга жой кўрсин, айт! Ҳамалда ерга уруғ қадаса, йиғим-теримда ўзини ўнглаб олади.

Тош калишда тойиб, Суяр акамниқига чопдим. Мол-қўй ўтмасин деб хода-чўп тортиб ясалган пастак тўсиқдан сакраб ўтиб, айвон томон юрдим. Бўсаға супуриб-сидирилган, тандирхонада ўтин ботартиб тахланган. Кули олинмаган ўчоқ одам исидан дарак берса-да, негадир уй ҳувиллаган эди.

“Суяр ака, янга”, деб қайта-қайта чақирдим, товуш чиқмади. Кейин ошхона тарафга ўтдим: эшик ёпиқ, катта болор тираб қўйилганди. “Қишлоққа тушгандир”, деган ўй ўтди хаёлимдан.

Чамаси бир соатлар вақт оқди. Кутдим, ториқдим. Сурувётарга қайтсамми, деб томорқага ўтгандим, Ўлжабой бобо ва Эсонбой ака келаверди. Қайрилиб айвонга юрдим.

– Нима қип юрибсан, тимирскиланиб? – деди ўдағайлаб Ўлжабой бобо.

Салом бердим. Хаёлимга бир шумлик келди.

– Қара, деб тайинлаб кетган.

Эсонбой ака истехзоли кулди.

– Уй эгасини топган, бор кетавер. Отанга айт, Суяр ака уйини пуллаб кетибди, де. Энди минг югурса ҳам фойдаси йўқ. Минг ялагани билан, бизга тақдир қилган экан.

Негадир миям музлаб кетди. Ичимдан бўғиқ наъра чиқди. Отамнинг уйи учун талашадиган куч гурдамда эндигина уйғона бошлагандек эди. Тилимни кесиб ташласа-да, ичимдагини айтишга жазм қилардим. Ўлдирса, шу ерда ўлдира қолсин, деган ўй миямни кемираётганди.

– Бу уй отамники-ку. Ҳеч қаерга кетмайман.

– Талашмаган сен қолувдинг, – деди Ўлжабой бобо қулоғимни чўзаркан. – Гап бундай, сеники-меники, дегандан бир иш битмайди. Кенгашиб, ўзаро маслаҳатлашиб кўрамиз. Эсонбой: “Тошкандан уй олиб бераман”, деди Суярга. Иш пишган, ўзи кўнди Суяр.

– Қийналганда биз қарашдик. Уй отамники.

Улар тўнғиллаб оғилхона томон кетишди. Балки, мен билан тортишиб обрўсини тўккиси келмагандир.

* * *

– Уйи куйиб қопти-ку унинг, – деди дадам мендан бор гапни билгач, аллақандай таажжуб билан. – Тез уйга бориб кўрпа-тўшак, олача олиб кел. Изи ўчмасдан ошхонасига кириб олайлик, бўлмаса, ўзиники қиладиган чиқади. Биров кириб олса, қувиб бўпсан. Ўзи, унинг тутуруқсизлиги маълум эди. Майли, бизга қолди, энди отни қамчилайик.

Бирдан этим увишди. Дадам биринчи марта уйга эгалик истагига тушганди. Юз-кўзида

ҳам аллақандай тушуниксиз бир руҳ ботиний қувончдан нишона бериб турарди.

– Нега эртароқ олиб қўймадик? – дедим отамга эътироз билдириб. – Ёрдам бердик. Кет, десангиз индамай кетарди.

– Қайтса, бизга ўлигини осиб оларди. Эл гапирарди, бир отадан тарқаб уй таллашиб, қирилишиб ётибди, деб. Олдимга маслаҳат солишга келмаган, бети чидамаган-да.

– Уй керакмас менга. Уни бузиб ташламасин!

– Ҳеч кўнглинг бўлинмасин, ҳаққимизни ажратиб оламиз.

– Бузмаса, Эсонбой акага берақолинг!

– Бировнинг ташвишини қилмай қўяқол. Бўладиган иш бўлгани яхши. Уйда биров яшамаса, кимдир фойдаланиши керак. Боғида қанча дарахт бор.

Йўл-йўлакай кетиб борарканман, энди отанинг уйини бўлиб ташлайдигандек, отанинг хаёли ҳам одамларнинг хотиридан кўтариладигандек эди.

Лекин мени шу ўй қийнаётти. Уй ҳам мендан бошқани қизиқтирмай қўйгандек: “Уй бузилса, ўрнида битта катта иморат қурилади. Бошқа ҳеч нарса ўзгармайди. Дадам шуни истаяптими? Илгари куйиниб гапирарди. Энди эса лоқайд, ланж. Одамлар билан қурашгиси йўқдек. Қурашдан чарчадимми ёки? Йўқ. Энди осон йўлдан юрмоқчи. Ҳаммасига қўл силтаб, Ўлжабой аканинг уйинига кўниш ниятида. Наҳот, шунча меҳнат зое кетган бўлса-я. Наҳот йиллаб қурашган кишида бардош қуриган?!”

IX

– Уйлаган ўзим, уйини кўтаришган ўзим, энди сизлар эга чиқдиларингми?! Шу вақтгача қаерда эдинг? – дадам ўшқириб Ўлжабой акисга яқинлашди.

– Бизга буюрган экан, келдик. Бориб айтинг ўзига, норози бўлсангиз! “Уйга Эсонбой кириб олибди. У берадиган пулни мен бераман”, денг. Олам гулистон шу билан!

Дадамнинг ранги бузилди. Қабоғини уйиб, жағини қашиди.

– Уй Суярникимас, бўлмаса ташлаб кетмасди. Эсонбой отхона қуришига бошқа жой кўп. Бу уйда ота-бобомиз ўсган. Тепкилайдиган бошқа жой топинглар.

– Ўзингни диёнатли кўрсатма, – деб дадамга тик қаради Ўлжабой акис. – Шуни бўлсак, ҳаммамизга етади. Ниятинг ҳам шу, билиб ўтирибман.

Дадам негадир индамади, вужудимда оғриқ кўзгалди.

* * *

Онам кўрпа-тўшакни даҳлиз тўрига ташлаб ўтириб олди. Ўлжабой бобо чик, деб кўрди, индамади. “Ўшқирмай, кетаверинг, сизгаям эт битиб қолибдида. Дадаси келади ҳозир, гағлашасиз”, деди.

– Нимасини гағлашамиз? Ит талашмай иши битмас, дегандай, яна нима бало бошляпсизлар! – деди аччиғи келгандек безрайиб.

– Уйни қуришмаган бўлсангиз, энди элни элиртиб уйга эга чиқибсиз. Хатингиздан билувдим, шуни эгалламоқчилигингизни.

– Барибир бўлинади, аёл бошинг билан аралашиб нима қиласан, хайронман!

Онам ҳам бўш кетмайди:

– Эркак бошингиз билан кучингиз аёлга етдими? Кетинг тез. Барчин чечам гўрида тик тургандир, бу ишларингизни билиб.

– Келишиб оламиз ҳали.

* * *

Отанинг уйини улар бўлиб олаётганини мактабдан қайтгач кўрдим.

– Ота, бор, уйдан қозик олиб кел, – деди дадам. – Шу қозикдан бу ёғи – қибла тараф бизники, юқориси Эсонбой акангники. Сенга данғиллама уй қурамиз. Бу чолдеворни бузамиз. Этаги ариққача сенга, Ўлжабой бобонг олма экиб бераман деди. Тўрт-беш йилда ҳосилга қиради.

Ўлжабой акис бош силкиди.

– Ҳа, икковимиз амаллаймиз. Ўзим ўргатаман, боғбонликни.

Негадир Ўлжабой бобога кўнглим илиди. Ўрта-миздаги кек йўқолгандек эди. Энди гўё бу уй отаники, деган ўй мендан анча олисланган эди. Ўзи, ким эди ота? Менга ким бўлган? Нега ҳамма Ота дейди? Илгаригидек шу чигалликлар энди безовта қилмас, шу онда барини унутган эдим.

Оғил четидан занглаган қозикча топиб келдим-да, Ўлжабой бобога бердим.

У ерга сингириб қоқди қозикни.

– Энди гап бундай, – деди менга уқтириб.

– Сен ҳам катта йигит бўлиб қолдинг, отанга уй ташвиши тушади. Биз келишдик, шу уйни сенга берамиз.

– Ҳа, сенга бу уй...

Уй меникидек чексиз қувондим.

* * *

– Уй битмаган экан пешанасига, – деди отам бир куни. – Яна қишлоққа қайтди, ота уйини ташлаб кетганди. Бир ҳисобдан раҳминг келса, бир ҳисобдан бадтар бўл, дейсан. Шаҳарда пишириб қўйибмиди, от айланиб...

Отам эгнига чопонини илиб, остонага чиқди.
Айвон устунига суяниб Суяр ака турарди.
Кўринишидан бечораҳол. Салом бериб, отамга
яқинлашди. Қўл узатди, дадамнинг ранги
гезарди.

– Қайтдингми?

– Йўқ. Қишлоқдошлардан бир хабар олай деб
келувдим.

– Кўрдингми, энди қайтавер. Бу ерда йўқлай-
диган жиянинг бор. Сингилчаям бир-бир келиб
турарди. Отамнинг изи бор, деб. Энди соясини
солмай қўйди. Шодмон акамнинг чопонини
илиб қўйганман, молтопар чопони. Ўшани кийса,
бозори ўржирди, олди-сотди битарди. Барака
шунда экан-да! Кир кўрасан.

– Йўқ, кейинги келганимда.

Унинг кўзларида тушуниб бўлмас бир мунг
зоҳир эди.

– Девор ўрадик, сойликка Эсонбой дача
қурди. Отхона қурди. Сен кўчада қорнинг тўйга-
нига мастсан. Келин, болаларинг яхшими?

– Яхши, ёшига етиб қолди. Ўтинг Тошкентга,
– деди тиржайиб Суяр ака.

– Итим адашдимми Тошканингда! Менга шу ер
маъқул, – отам қўлини сермади.

* * *

Отам ҳам уйнинг бузилишига алалхусус кўн-
ган. Кунда жанжал: у меники, дейди, бу мени-
кимас, дейди. Яна бошқалар ҳам уйга эгалик
даъвоси билан чиқди. Шу уришдан чарчади, деб
ўйловдим. Лекин дадам элу юрт орасида гап
бўлмасин, деб шу ишга аралашгандек туюларди
менга.

– Ота, талашиб-тортишмасак, шу бир қарич
ер ҳам йўқ эди бизга. Қолгани бир гап бўлар.
Сулувхолнинг уйи бузилибди. Шуям ҳеч ўзидан
тиниб кетмади. Ўзлари қилиб берсин, каталак
бўлсаям, – деди дастурхон бошида отам.

– Ким қуриб беради, – деди ачингандек
лабини тишлаб онам, тўнглаган ёғни қозонпатир
устига суркаб эритаркан. – Қўлида боласи бор.

– Эри-да, нима, менми? Энди уйдан умидини
узсин! Яна рўзғор қурсин, ҳали ёш. Бутун умр
“оҳ-ух” деб ўтмайди-ку. Жиянгаям ота керак.

– Бутунбой ошпаз сўраб юрганмиш! Беш бола
устига...

– На илож, энди чиққанига тегади-да! Хотин
қўйган олади барибир.

– Кичкина дўлта бўлсаям қуриб бермадик.
Тузукроқ эр топилгунча, яшаб турармиди?

Дадам худди сув ҳўглаётгандек қайноқ чой-
дан ҳўплади.

– Уф-ф, еб қўйдинг! Нима, уларни уй-жой
қиламан, деб бўйнимга олганманми?! Кунини
кўрсин, ўзимни танам ўзимга оғир бўлиб турган
пайтда шу кам эди.

Онам ўзига ўзи тўнғиллади:

– Қушнинг уяси бузилса, ичинг ачийди.

Буларнинг айрони ачимайди-ей.

Дадам сўкинди.

* * *

– Уй қиламан, деган нияти йўқ. Куёв бўлмай
кет, қўлингга куйдирги чиққур, кунда уравер-
ган-ей. Борадиган жойи йўқ, деб ўйлаганми?
Акаси келиб уйга эгалик қилса, чертишгаям
қўли бормасди. Қизи қурғурдаям чидам йўқ-да,
тепсаям кетмабмиз, рўзғор, деб. Шу муштни
кўтармасанг, уй бўладими?

Онам кўкламнинг ёмғирли кунларида тонг
азонлаб Сулувхол опамни яраштириш учун
кетди. Чошгоҳдан ўтганда ранг-қути учиб қайт-
ди.

Почча қарғишнинг тагида қолганини сездим.
Чиндан ҳам, аммамнинг борар ери йўқ эди.

– Бутунбой акадан тузукроғи чиқмайдиганга
ўхшайди. Ўлсин, манглайида борини кўради.
Тенги энди шу-да! Яшаб кетар, ўлдими? Бир
рўзғорни кўрди.

* * *

Овул тўс-тўполон эди. Фақат менинг ичимда
совуқ сукут кезинарди.

Илгари Отамнинг уйи бор эди, энди эса йўқ.

Илгари шу уйнинг лойсувоқ томи устига
чиқишга одамлар ийманарди, энди эса йўқ.
Илгари овул бу уйни “отамнинг уйи” дерди, энди
эса йўқ. Илгари отам Отамнинг уйини бузишга
қарши чиққанди, энди эса йўқ...

Отамнинг уйи бузилиб кетаркан, гўё шу
овулнинг ўтмиши ҳам шу уй каби кўз ўнгимда
нураб, бузилиб бораётгандек туюларди. Бунга
баъзан ўзимни айбдор санардим, ўша икки
энлик хатни ёзиб берганим учун...

* * *

Уй бузилаётганини эшитгандан бери онам-
нинг пайтавасига қурт тушган эди: “Дадангга
айт, майли, шу уй Ўлжабой акага қола қолсин!
Талашиб ўтирманг, менга керакмас, де”.

– Менга керакмас деганим билан индамай
ўтирмайди-ку! Ўзингиз кўрдингиз, қозик қоқиб
бўлганини. Бўпти, айтаман.

– Кенг дала туриб, бари шу уйга тикилади, тала-
шади. Нима, бошқа жой қуриб қолганми? Отанинг

руҳи урмаса бўлди буларни. Тавба қилдим... Ўлжабой бобонинг олдига ўтиб келай-чи, нима деркан? Бизга сотармикан?! Отни сотиб бўлсаям, уйни олсак. Ўлмаган қулга от битар, лекин уйни бузиш ёмон.

– Дадам бақириб юрмасин, эшитиб.

– Бақириб-бақириб кўнади. Барибир билади, отни бозорга ким чиқаради, бўлмаса?..

* * *

Онам Ўлжабой бобоникидан қайтганда кун чошгоҳга етганди. Асабийлашиб қайтганидан сездим, иши битмаган. Ўзига ўзи кимнидир қарғаб, айвонга чиқиб ўтирди. Кейин бирдан негадир юзи ёришди:

– Болам, ма, қоғоз, ручкани ол! Ҳаммаси кечагидек кўз олдимда. Тез ёз-чи, илгариям сен ёзиб бергандинг, эсингда бор-ку!

– Нимани?

– Хатни. Ўлжабой бобо келиб, ёзиб бер, деб қистагани эсингдами? Ўшандай ёз. Суяр аканг барибир қайтади, ўз уйига ўзи эгалик қилсин! Бир амаллаб сақлаб қолайлик.

– Келмайман, деб кетибди-ку.

– Қарийди, қартаяди, ўлади – шу тупроққа қўйилади. Ёмон бўлсаям, шу эл кўмади. Бошқа қаерга боради, ўзининг эли шу ерда.

– Ёзганимни Ўлжабой бобо билиб қолса-чи?

– Билса, билар. Отанинг қилган яхшилигини ҳеч қайсиси билмаяпти-ку. Унгача Худо пошшо, бир гап бўлар. Отанинг уйи бошқача барибир. Мингта сарой қурсаям, унга тенг келмайди. Қаерда бўлсаям, унинг қадри ўтади. Қайтмаса, шундай турсин! Тураверсин!

Энди ўзим истаб хат ёзиб бердим:

“Ассалому алайкум, Суяржон! Яхши ишлаб юрибсизми? Уй галваси ҳалиям тингани йўқ. Тўрт-беш киши кенгашидик, охири шуни Муроджонга қолдирсакми, деб ўйладик. Ҳамма шунга рози, лекин охири гапни сен айтасан барибир. Эсонбайдан сариқ чақа кутма, барибир ҳеч нарса бермайди. Аравангни ўзинг торт.

Мендан хотиржам бўл, буни бировга айтмайман. Фақат сендан гап қочмаса бўлди. Охири гапингни қутаман.

Аканг Ўлжабой”.

* * *

Хатнинг жавобини анча кутдик. “Келди-ми-келмадими”, деб почтага қатнадим, Ўлжабой бобо жўнатди, деб. Орадан бир ойлар ўтиб, хат келганини эшитдим.

Аниқ эсимда, ўшанда дадам оғзи қулоғида уйга келди. Суяр аканинг хат жўнатганини айтди.

“Уй энди сеники”, деди. На кулишни билардим, на йиғлашни. На қувонишга, на ачинишга арзирди.

Онам негадир мунғайди.

Х

– Уй битмади бошига! – деди отам Суяр акани эслаб. – Дарбадар ҳаёти тугамади. Шунча вақт ўтди-кетди. Шаҳарда қорни тўйганига маст бўлиб юраверади. Ёшиям қирқни қоралаб қолди: ўғил-қизи бўй етаяпти. Уларгаям уй-жой ташвиши тушади. Ҳе, шу ўзимизнинг чолдевордан қўймасин экан. Уйи борнинг ўйи йўқ.

– Холдон момоси айтди, овулга келаётганмиш, – деди онам хамир ёйиб гапга қўшиларкан. – Кўнглим сезувди, қайтишини. Хуш кўнглим – хушбоқ кўнглим, деб бир умр яшаб бўлмайди-да.

Дадам ёғингандек бурнини тортиб-тортиб қўйди.

– У ёқ ёқмай қопти-да! Ҳа, энди бу ёққа қараб ўрласа, ким уй бераркан. Ялангоёқ келсаям, биров дарвозасидан киритмас.

* * *

Қанча уй қурилди, қанча уй бузилди. Лекин отамнинг ҳовлиси шу ҳолича турибди. У энди меники. Энди мен ҳам том солишим керак. Эртами-индин Суяр акам уй даъвосини дастак қилиб келса, на чора кўраман? Асролмаган эса-да, отасининг уйи. Ўйлаб кўрсам, унинг уй тўғрисида гап очишга ҳаққи йўқ. Ота уйини ташлаб кетган-ку.

Илгари меҳрим ийиб кетган кезлари, қайта-раман, дердим ўзимга ўзим. Буни эсдан чиқарганимга анча бўлди.

Ахён-ахён унинг тўй-маъракага келгани ҳақида эшитаман-у, бироқ ўзини кўрмайман. Кўрмаганим ҳам яхшидир. Энди ота эккан дарахтлар қариди, ўрнига янги кўчат ўтқазиш керак.

Мен қарамаганимда, уй аллақачон бузилиб кетарди. Қир лабидаги отхонани минг ур-йиқит билан кўчирдик. Хуллас, сўрашга бети бормикан аканинг?! Эҳтимол, яна сотиб юбориш учун келаётгандир. Мен билан савдолашса-я! Уйни сотишга қандай кўзим қийсин! Ўзи, Ўлжабой бобонинг оғзини ёпишга чакана пул кетмади.

Одамлар ҳалиям уйни “Отанинг уйи” дейди. Ёнига иккита каталақдек том қўшгани билан уй Суярники бўлиб қолмади. Мен у ерга сарой қурсам ҳам, барибир, отанинг уйи, дейди. Мен фақат Отанинг уйига эгаман, холос.

Тугади.



Луқмон БЎРИХОН

ёзувчи

Умидбахш қисса

Ҳар қандай бадиий асарда, энг аввало, таъсирчанлик хусусияти бўлиши керак. У ўқувчининг тасаввурига, дунёқарошига, савиясига, мушоҳадасига қандайдир туртки бериши лозим. Бунинг учун самимият, дард, ҳарорат каби сифатлар муҳим аҳамият касб этади. Мен Олим Жумабобоев қаламига мансуб “Уй” қисса-сида худди шу сифатларнинг жилвасини пайқагандай бўлдим. Бу кичик асар адабиётнинг катта оламига яна бир иқтидор кириб келаётганидан хушхабардир. Олим Жумабобоев шаклни, мазмунни атай мураккаблаштириш, зўракилик, баландпарвозлик сингари найранглардан қочади. Ўзи яхши билган, хаёлотига, бадиий тафаккурига маълум таъсир кўрсатган, қўлга қалам тутишга ундаган ҳаётини лавҳани тасвирга олади. Ифодалари содда ва жонли, бадиий бўёқларга бой. Қаҳрамонлар қиёфаси ўқувчи кўз ўнгида тиниқ намоён бўлади. Назаримда, қиссадаги ота уйи рамзий, тимсолий маъно касб этган. У илдиздир, у ўзликдир, у қадр-қимматдир. Ота уйи очкўзлик, нописандлик оқибатида вайрон бўларкан, бу инсоннинг маънавий устунлари емирилишга юз тутганини англатади. Ота уйи яна обод этиларкан, бу инсон ўзлигига қайтаётганидан, ўз қадр-қимматини тиклаётганидан дарак беради. Олим Жумабобоевнинг мазкур қиссаси худди шундай салмоқли, жиддий бадиий фикр асосига қурилгани ҳам кўнгилларга қувонч улашади. Албатта, мутолаа жараёнида баъзи бир қусурлар кўзга ташлангандай бўлди. Жумладан, менимча, қиссанинг композицион қурилмаси пухта ишланмаган, динамика хийла заиф, сюжет чизиғида тарқоқлик сезилади. Умид қиламизки, Олим Жумабобоев ўқиб-ўрганишдан, машқ-машғулотдан ҳормай-толмай, жузъий камчиликларни бартараф этиб боради. Ундан янада сермазмун, янада завқли-шавқли асарлар қутиб қоламиз.



Анвар СУЮН

ёзувчи

Ўзимизнинг гаплар...

Олимжоннинг ушбу асарини ўқиётиб, хаёлимдан яқин йигирма-йигирма беш йилнинг аввалида маҳалламизда содир бўлган айрим воқеалар эсимга тушди.

Ўша пайтлар мамлакатимиз эндигина истиқлолга эришган, собиқ тузумдан қолган барча тутумлар ўзгарган кезлар эди. Эски

“совхоз”, “колхоз” деган тизимлар тамомила тугатилиб, ўрнини янгича бошқарув усули эгаллаётганди. Аслида ҳам мустақил бўлгач, маъмурий бошқарув батамом ўзгача усулга ўтиши тарихий зарурат эди.

Аммо мени бошқа ҳолат ўйлантиради.

Ўша пайтлар ўта тезлашган ўтиш даври бўлган эканми, билмадим, эски “совхоз”лар билан бирга давлатнинг мулки ҳисобланган уюр-уюр йилқилар, пода-пода қорамоллар, саноғи йўқ отарлар бир-икки йилнинг ичида ерга сингдимми, кўкка учдимми, йўқ бўлди. Ҳатто тўрт минг-беш минг туёқ сиғадиган молхонаю қўйхоналар, товуқхоналар, улкан машина-трактор парклари, гаражлар бузилиб, фиштларигача “абжир ишбилармонлар” томонидан ташиб кетилди. Ҳар ким қўлига илинганини, эпланганини ўзлаштирди. Охирги дамларда “совхоз”нинг сўнгги раиси кутубхона ва клубнинг ўрнини одамларга уй қилиб сотди...

Энди эса давр ўзгарган. Одамлар ўшандай молхонаю қўйхона қуриб туёқ сонини кўпайтириш, гавжум жойларда клуб ёки томошахоналар қуриб, иқтисодий наф олиш учун ҳаракат қилаяпти.

Олим Жумабоевнинг қиссасида худди шундай ижтимоий жараён, фақат “ўзим бўлсам” деган тоифанинг тубан хатти-ҳаракатлари бадий ифодасини топган. Умумий воқелик узоқ бир қишлоқдаги эски ва ташландиқ ҳовли устида боради. Асарда ўқувчини ўйга толдирадиган ўткир сюжет ёки реал воқеликнинг тўлиқ таҳлили йўқ ҳисоби. Муаллиф қовурчини қотмаган болакай тилидан ташландиқ ҳовли, эгаси ва унинг икки фарзанди (қизи ва ўғли) тақдирдан айрим парчалар келтиради. Ва шу жараёнда қишлоқдошларининг эски иморатга бўлган муносабатлари орқали умумий сюжетни шакллантириб боради. Ана шу шаклланив жараёнида персонажларнинг феъл-атвори юзага чиқаради. Бошқача айтганда, кимсасиз ва безга ҳовлига ҳамма кўз тикиб тургани, баъзи фирромчилар тил бириктириб ўзаро бўлишиб олгани маълум бўлади. Қишлоқдошлар кўплашиб уйни бузади. Ҳар ким қўлига илинганини олади. Қишлоқнинг энг инсофлиси сифатида гавдаланган персонажлардан бири – уста Низом ўғрилигини яшириш учун уй эгаси Суярга қарата:

– Ўзимиз – уста, амаллаб кўтариб берардик. Охири қулади. Қаровсиз ётгандан кейин шу-да! Омонатинг бизда. Девор остида йўқолиб кетади. Уйинг битганда қайтарамиз. Эл шундай деди, – дея ўзини оқламоқчи бўлади.

Ёки хуржунига кўп нарсани тикиб кетаётган персонаж (Қадам ака) ўғрилиқдаги шерикларидан бири – Низом устани қувватлаб:

– Эски-туски нима керак ўзи, тўғрими, Суяржон? Ҳемирига янгисидан беради-а? Эскини тузатгунча эсинг кетади, – деб ҳамюртларининг “бўл-бўл”чилиги ва ташмачилигини хаспўшлайди.

Қиссанинг умумий сюжетида синчиклаб назар солган ўқувчи қишлоқдошларнинг бир замонлар элни очликдан сақлаб қолган Шодмонбой отани юзхотир қилмаганига, ҳар ким “ўзим бўлай” деган ақидага муккасидан кетганига, фақатгина асосий қаҳрамон аҳён-аҳёнда эслаб турганига гувоҳ бўлади. Аниқроқ айтганда, арзимас хода, буйра ёки бир парча ерга эга чиқиш учун бир-бирлари билан “сен-мен”га борганини кўради.

Таъкидлаш керак, асарнинг умумий руҳи инсон деб аталмиш муборак зотнинг бойлик илинжидаги пасткашлиklarини фош этгани билан аҳамиятли. Шу маънода “Уй”даги умумий сюжет ва юқорида келтирилган маҳалламиздаги воқеалар ўртасида ўхшашлик бордай туюлди менга.

Ҳа-я, қиссани ўқиётиб, бадий тилининг ўзгачалиги – бахмалликларга хос муомала тилининг сайқал берилган шаклда асарга кўчганлиги эътиборимни тортди. Тўғри, баъзи жойларда шевачиликка берилиб кетган, воқеалар бир-бирига ғализ уланган, оқибатда ўқувчи ифодани тушуниши қийин кечган ўринлар бор. Булар муттасил давом этадиган машқлар натижасида барҳам топадиган нуқсонлардан. Лекин персонажларнинг ижтимоий ҳолати ва қиёфасини ифодалашда ёки уларнинг руҳияти тасвирида: “Рўзғори битта кўк сигирнинг елинига қараган-у дағдағаси оламни бузади-я!”, “Еганимиз ўзимизга юқмай юрибмиз”, “Бир-икки сўм берсанг, орқаси ўчоқдек бўлиб қолади”, “Ит талашмай иши битмас”, “Сенинг бетинг билан кетинг бир”, “Қайнатса қони қўшилмайди”, “Руҳи тушганнинг оти ҳам юрмайди”, “Қўл учиди кун кўрадиганнинг эгни қисик бўлади”, “Отасиз ўсган уйсиз ўсгандан ёмон”, “Кампири чимилдик кўрпаси титилмай бева қолувди”, “Ота моли қўшилмаса, бола бойимас” каби шевадан ўтган жумлалар ишлатилиши асарга зеб берган.

Аслини олганда, буларнинг бари ўзимизнинг гаплар. Ҳар кун ёки кунора билиб-билмай, сезиб-сезмай ишлатадиган жумлаларимиз. “Уй”да бу каби оҳорли, ҳали бадий адабиётда ишлатилмаган сўз ва иборалар сероб. Уларнинг адабий муомалага киришини, шубҳасиз, муаллифнинг синчковлиги, сўз устида яхши ишлаганлиги билан боғлаш керак.

Билишимча, ушбу қисса Олимжоннинг дастлабки йирик асари. Кейинги битикларида ҳам ана шундай реал воқеликлар устида қалам тебратишига, китобхонни дунёни кенг мушоҳада этишга чорловчи асарлар битишига, шу билан бирга, биздан олдинги авлодларнинг оғзида қолиб кетаётган камёб сўз ва ибораларни адабий таомилга олиб киришига тилакдошман.



Қурдош ҚАҲРАМОҶОВ
адабиётшунос

Изланиш палласи

Қисса воқеаси марказида тоғ этагида жойлашган овулда икки-уч авлод юмалаб ўсган эски иморат – отанинг уйи туради. Бу уй беэга. Уй эгаси Шодмонбой бир пайтлар очарчилик йилларида бутун қишлоқ аҳлини асраб қолган. Асарда бу воқеа кичик бир эпизодда баён этилган.

Асарнинг бутун можароси томири бир ота-онага бориб тақаладиган овулдошларнинг мана шу бузилай деб турган уйга эгалик қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, тортишув ва келишувлари, минг хил товланиб-турланишларида намоён бўлади.

“Уй” маълум маънода рамзий мазмунга эга. Хонадон вориси Суяр ҳардамхаёл. Асарда унинг номига икки марта хат битилади. Дастлабки асар бошида зимдан уйга эгалик қилишни истаётган Ўлжабойнинг олтинчи синф ўқувчиси, ҳикоя баёнчиси Муроджонга айтиб ёздирган хати. Хатда Суярга жумагача келиб уйга эгалик қилсанг қилдинг, бўлмаса уйнинг бузилади, деган мазмун битилган. Суяржон келади, бироқ кечикиб, уй бузилгандан кейин, аниқроғи, бузишиб, хомталаш қилишаётганда келади. У қиш-қировли кунларда бузилган уйни тиклашга, яқиндагина тўйи бўлган келинчаги билан ота уйида яшашга ҳаракат қилиб кўради, бироқ қишлоқдошларнинг лоқайдлиги, беъғиборлиги, эҳтимолки, уйига эгалик қилиш ниятида юрганларнинг саъй-ҳаракатлари боис шаҳарга қайтиб кетади.

Кейинги хат қисса сўнгида уйнинг қариндошлар томонидан талон-торож бўлишини хоҳламаган Муроднинг онаси истаги билан яна Ўлжабой номидан битилган бўлиб, мазмунига кўра ҳаммаси кенгашиб, уйни Муродга хатлаб берадиган бўлишгани айтилиб, унинг розилиги сўралган эди. Қиссанинг хотима қисмларида Муроднинг улғайиб, уйга эгалик қилиши-ю, баъзан Суярнинг уй даъвосидан хавотирланишлари баён этилади.

Мазкур қисса ҳажман кичик. Бор-йўғи 20 қоғоз. Уни мини-қисса дейиш ҳам мумкин. Асар кичик-кичик саҳнали эпизодлардан ташкил топган. Охириги бобни ҳам қўшиб ҳисоблаганда жами тўққиз боб. Ҳар бир бобда юлдузчалар билан ажратилган кичик-кичик эпизодлар бор. Эпизодларнинг ҳар бирида алоҳида бир кўриниш – манзара. Асар мана шундай кичик-кичик эпизод – саҳна кўринишлардан ташкил топган. Айрим эпизодлар диалог асосига қурилган, айримлари эса ҳикоя қаҳрамонининг кузатувлари орқали ёритилади. Асар структурасининг бундай қурилиши воқеликнинг жуда сиқик ҳолда тасвирланишига олиб келган. Бу ёзувчининг ютуғи сифатида баҳоланишга лойиқ.

Асарнинг кўзга яққол ташланадиган камчиликларидан бири асосий қаҳрамонларнинг бирортасида ҳам индивидуаллашган қиёфаси йўқлигидир. Қиссада Ўлжабой акиснинг ҳам, Суяр ва бошқа қаҳрамонларнинг ҳам на портрети чизилади, на нутқида ўзгачалик сезилади. Бошқалардан фарқ қилиб турувчи жиҳатлари ҳам кўрсатилмайди. Иккинчи катта камчилиги, инсонларнинг бир-бирига оқибатсизлигининг ортиқ даражада бўрттирилишидир. Ўтмишда бундай оқибатли эди, ҳозирда бундай оқибатсиз, деган гоёнинг етакчилик қилиши ҳаддан зиёд муболаға бўлиб, ҳаёт ҳақиқатига мос эмас. Бу ҳол ижодкорнинг изланиш палласида эканидан далолат беради.

Бир умр ширин шеър излаган эдим

Яқинда мамлакатимизда бўлиб ўтган Тожикистон Республикаси маданият кунлари мезбону меҳмонларда бирдай катта таассурот қолдирди. Тожик санъати ва адабиёти билан яқиндан танишарканмиз, бу икки халқнинг руҳан яқинлиги бежиз эмаслигини англадик. Улуғ шоиримиз Абдулла Орипов ўтган асрнинг етмишинчи йилларида халқларимизнинг абадий дўстлиги ва қадрдонлиги ҳақида бир ажойиб ғазал ёзган эди. Унда шундай мисралар бор:

*Бир эгатнинг боши сен-у, бир эгатнинг боши мен,
Ер экиб тинмас ҳамалдан ўзбегим тожик билан.*

Тожик ва ўзбек. Мангу ҳамроҳ, йўлдошга ўхшаймиз биз. Навоийни ўқиган ўзбек Жомийни ҳам хатм қилади, Лойиқ Шералини севган тожик Эркин Воҳидовни ҳам севиши тайин. Адабиёт тарихига назар солсангиз, икки халқнинг сеvimли шоирлари Фуфур Гулом ва Мирзо Турсунзода ўртасидаги ижодий дўстлик алоқалари, ёзишмалари маълуму машҳур.

Бу анъана бугун яна жонланиб, давом этяпти. Журналимизнинг ушбу сонида бир гуруҳ ёш тожик шоирларининг шеърларини эълон қилишни лозим топдик.

Толиб ЛУҚМОН

1990 йили Панжакент шаҳрида туғилган.

Тегирмон

*Манинг онам тегирмондир,
Тирикликнинг тегирмони у.
Минглаб ишқу умид ва орзуларнинг
Бугдойини ун қилувчи тегирмондир у.
Андухларнинг хирмони элар шамолда.
Оч қолмаймиз,
Нонсиз қолмаймиз,
Токи айланаркан ушбу тегирмон.*

Кўнгил шишаси

*Оёгингни кесибди шиша,
Олмос каби шиша синиги.
Ҳайрон қолма, бу, ахир, ўша
Сен тош отиб синдирган
Кўнгилларнинг парчаларидир.*



Мухриддин САБУРИЙ

1988 йили Вазроб
туманида туғилган.

Менинг манзилим

Мен

Ғам қишлоғининг
Ёлғизлик кўчасидаги
Хаёлларга ботган этакдаги
Ғарибона бир кулда
Истиқомат қиламан.
Сўнгги йўлим эса
Борса-келмасдир.

Сангтараш

Эринмайин ишхонасида
Ишлар эди бир уста, ёху.
Руҳидаги хасталик билан
Бир қабртош йўнар эди у.

Пойтешани урар эди у,
Урар эди мисоли Фарҳод.
Кўзларидан англаса бўлар,
Ич-ичидан қиларди фарёд.

Мозор тошин йўнди бир умр,
Теша урди сачратиб учқун.
Ҳақкоклади тош устига байт
Ўлганларга ёдгорлик учун.

Тугаб борар унинг ҳам умри,
Таъқиб этар ўлим бу чолни.
У гоҳида тошларга боқиб,
Ўйлар эди битта саволни:

Қабртошим ким йўнар, ўлсам?
(Бунини ўйлаб кўнгли озади).
Қабртошим лавҳини тирнаб
Қайси шоир шеърлар ёзади?

Бузургмеҳри ҲАКИМ

1999 йили Ваҳдат
шаҳрида туғилган.

Қилгум ҳаме

“Гул каби наззораи рўйи жаҳон қилгум ҳаме,
Бу дилимда неки доғдир, мен ниҳон қилгум ҳаме”.¹

Оқ, бинафша, сап-сарик ранглар билан айлаб баён,
Хотири ёдим баҳорин мен аён қилгум ҳаме.

Атри хушбўйларни елнинг қўлига бергач яна,
Гул гиёҳсиз кўчаларга атр равон қилгум ҳаме.

Мен куюк жоним бўйини атри хушбўй айлагач,
Кексаларнинг хаста қалбин ёш-жавон қилгум ҳаме.

Мен шафаққа ҳамдам ўлмоқ қасди бирла ҳар замон,
Оқ бу тоғлар доманини хуш макон қилгум ҳаме.

Кўзларингнинг нури бирла, кўзларимнинг ёши-ла,
Кўкда нақши етти ранг – тиру камон қилгум ҳаме.

Эътиқод гули

Гулбаҳорда ул гули хушранг билан гуллаш керак,
Тоғу тошлар ичра тошу санг билан гуллаш керак.

Гулшан ичра гулламоқнинг эътибори йўқдурур,
Дарра гарчи тангу тордир, танг билан гуллаш керак.

Қарга базми ичра тинган жумла булбул қасдига
Хуш наволар бирла хуш оҳанг билан гуллаш керак.

Сен имону эътиқоднинг тоза ранг олсин десанг,
Ул Забуру Мусҳафу Аржанг билан гуллаш керак.

Бу фаромушлик ичида гарчи гуллаш кўп қийин,
Ҳам кашокаш, ҳам жадаллаб, жанг билан гуллаш керак.

¹Тожик шоири Давлати Раҳмониён байти

Бузургмеҳри ТОЖИДДИН

1990 йили Панжакент
туманида туғилган.

Тўртликлар

* * *

Кўлингда аламдан май, жом бўлайин,
Юзинг пишган олма, мен хом бўлайин.
Комрон бўлсанг агар нокомлигимдан,
Токи умрим бордир ноком бўлайин.

* * *

Лабларинг қизилдир шарму ҳаёдан
Кўзларинг тиниқдир шаффоф дарёдан.
Сен мандан кўз юмиб ўтмоқчи бўлсанг,
Икки кўзим юмгум икки дунёдан.

* * *

Хуснингдан мен чандон қисса олгандим,
Мен сендан бир ширин ғусса олгандим.
Эриб кетдинг, чунки зар қуёш каби
Юзларинг коридан бўса олгандим.

* * *

Кўнгил эшигини очмасман ёпсам,
Кулмагин соатдан олдинроқ чопсам.
Эртанги кунимдан кечиб юборгум –
Мен сени агарки бугундан топсам.

* * *

Ҳижрон кунларини тақдирга йўйдим,
Жафолар нонидан бездим ва тўйдим.
Қолган лаҳзаларнинг ҳисоб-китобин
Дилнинг соатига топшириб қўйдим.

* * *

Назарга илмагум гамни, аламни,
Синдириб ташладим ёлгон қаламни.
Ёлғизлатиб қўйдинг мени оламда,
Ёлғизлатиб қўйгум мен ҳам оламни.

* * *

Ҳоли зорим шеърин билмадинг бир он,
Кўзимдан хуш кундек бўлгансан ниҳон,
Бир умр сен учун кўз ёши тўкдим,
Кўз ёшлари каби келгин ногаҳон.

* * *

Дарёнинг изидан кетарман бир кун,
Бу ернинг бўзидан кетарман бир кун.
Бу кун келгин менинг гирён кўзимга,
Дунёнинг кўзидан кетарман бир кун.

* * *

Ўзгани излашдан менда парҳез бор,
Чунки ёр излашда бўлдим хору зор.
Ёзган хатларимнинг жавоби учун
Тўйга таклифнома берибди бу ёр.

* * *

Садоқат деган ул ерни топмадим,
Тулкилар базмида шерни топмадим.
Бир умр ширин шеър излаган эдим
Ўпичингдан ширин шеърни топмадим.

Таржимон – Сайфулло Қулаев 1960 йили Тожикистон Республикасининг Кўлоб вилояти Фархор туманида таваллуд топган. Душанбедаги Мирзороҳмат Олимов номидаги республика рассомлик билим юртида таҳсил олган.

Шеърлари Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг тавсияси билан “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинган.

“Тунги зиддиятлар”, “Жаннат саройи”, “Осмондаги ер”, “Шамчиноқ” каби шеъррий тўпламлари нашр этилган.

Айни пайтда Тожикистон ёзувчилар иттифоқи таржима марказининг шарқ тиллари бўлими мудири бўлиб хизмат қилмоқда.

Шеъррият шуъласи

Эссе



Оллоёр БЕГАЛИЕВ

1961 йили туғилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини тамомлаган. “Сехрли уйқу”, “Ёлғонга ишонган дарахт”, “Рангин қорлар” адабий эртаклар тўпламлари, “Бир булоқ бор”, “Жин чалган жувон”, “Жўнатилмаган мактуб”, “Бекободлик самурай” каби шеъррий ва насрий тўпламлари нашр этилган.

Ёш ижодкорларнинг “Шуъла” тўгараги ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ёш адабиёт мухлислари орасидагина эмас, пойтахт адабий муҳитида ҳам алоҳида ўринга эга эди. Равшан Файз, Чори Аваз, Аъзам Ўктам, Замира Эгамбердиева, Зафар Комилов (тўгарак етакчиси), Фахриёр, Рауф Субҳон, Ҳол Муҳаммад Ҳасан, Ўктам Мирзаёр, Абдумажид Азим, Зулфия Мўминова, Меҳринисо Қурбонова, Муҳаббат Йўлдошева каби ўнлаб ижодкорлар ана шу тўгаракнинг ядросини ташкил қилганди. Тўгаракни эса саксонинчи йиллар авлодига мансуб шоира Мукаррама Муродова ўн йилга яқин бошқарди.

* * *

Мукаррама Муродова ўша пайтда Низомий номидаги педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетида дарс берарди. Шоирага ёш ижодкорларнинг республика миқёсидаги тўгарагига раҳбарлик қилиши ҳам осон, ҳам мурракаб эди. Осон томони, тўгаракни йўқ жойдан тузиш ва унга қатнашчиларни излаш кўпам мушкул масала эмасди. Негаки, ўша пайтда ёшлар, айниқса, талабалар орасида бадий ижод билан шуғулланиш урфга кира бошлаганди.

Тўгаракка ном топишда Мукаррама опа туғишган опасидек бўлиб қолган устози Саида Зуннунованинг ижодига

муружаат қилиб, “Шуъла”ни танлаганди:

*Олислардан келар бу дарё,
Шуъла ўйнар унинг юзида...*

...Дарвоқе, Саида Зуннунова ҳамда Мукаррама опанинг қадрдонлиги ҳақида айтмасак бўлмас...

Бир сафар тўгарак машғулотиға опамиз ўша даврда Шавкат Раҳмону Усмон Азимлар каби ўктам шеърлари билан ажралиб турган шоира Қутлибека Раҳимбоева билан кириб келди. Опанинг эғнидаги кўз олгудек ёрқин атлас кўйлакни кўриб, бугун қандай тантанали кун эканлигини сўрадик.

– Бугун менинг туғилган куним! – деди Мукаррама опа ва бизларни ҳайрон қолдирганча гапида давом этди. – Аслида бугун менинг эмас, бизларнинг, мана Қутлибеканинг ҳам мунис устози Саида опамнинг туғилган кунини. Ўзи бўлганида-ку, меҳмонга чақирардик ёки ўзимиз кўплашиб уйига ўтиб келардик. Эғнимдаги марғилон атлас кўйлакни Саида опам совға қилган. Адашмасам, ўн йиллардан бери авайлаб, Саида опамнинг туғилган кунидagina кияман.

Бир кунини водийға қандайдир тадбирға бориб, Тошкентға қайтиб келдик. Саида опам ўзларига совға сифатида берилган бир кийимлик марғилон хонаталасини елкамға ташларкан: “Энди рўзгорли келин бўлдингиз! Шунини аямасдан, тиззангиздан бир қарич тушириб, кенг-мўлгина тиктириб, мени эслаб кийиб юринг, майлими?! Менинг келинлигимда булар буюрмаган, поччангиз атлас оберешгаям ҳоллари бўлмай қочиб кетган”, – деганди. Саид Аҳмад домла янги куёвлигида “сталинча қатагон машинаси”ға илиниб қолганча қамалиб, ёшгина келинчак Саида опам беш-олти йил қайнонасининг ёнидан кетмай домлани кутиб ўтирган. “Қаноатда Саида филча бўлурми, ҳай-ҳай!” каби байтларни ўз ҳаётидан олиб ёзган.

Мен айна шундай ажойиб кунға Қутлибекани бежиз таклиф қилмадим. Саида опам мени шогирдликдан ҳам кўра юртдошлик меҳри билан синглим деган бўлса, Қутлибеканинг ижодини, одобини ҳурмат қилиб, ёнларига олганди.

Шу кеча биз Мукаррама опа ва Қутлибека Раҳимбоеванинг хотиралари орқали ажойиб шоира, ўзбек халқининг мунис фарзанди Саида Зуннуновани ўзимиз учун кашф қилдик (ўша пайтлари ҳали ўтган асрнинг ўттизинчи-эллингинчи йилларидаги қатагонлар ҳақида ошқора гапириладиган даврлар эмасди).

* * *

... “Шу кеча” деган сўзнинг тўгаракка тўғри маънода боғлиқлиги бор. Машғулотлар ҳафтанинг сешанба кунини кечки соат олтиға белгиланган бўлиб, ўқийдиганлару ишлайдиган қатнашчиларнинг асосий машғулотиға халал бермаслик назарда тутилганди. Кечкида ўқийдиган талабалар эса шу кеча асосий ўқишидан жавоб олишарди. Табиат бағриға ёки бирор музейға сайрлар дам олиш кунларига белгиланиб, қатнашиш мажбурий эмас, ўн-ўн беш киши шунини хоҳласа бас, йўлга чиқилаверарди. Тўгаракнинг мақоми республика миқёсидалигининг сабаби, унда юртимизнинг турли тарафларидан Тошкентға ўқишға келган талабаларнинг иштирокидан ташқари, бошқа вилоятлардагилар вақти-вақти билан пойтахтға сафарларини сешанбаға тўғрилаб, тўгарак машғулотида қатнашиб, бу вақт оралиғида ёзган машқлари ҳақида ҳисобот бериб кетишарди. Бундай қатнашчилар худди олий ўқув юртининг сиртқи бўлим талабалари мақомида эди. Тўгарак аъзоларининг бошқа вилоятларға тўй ёки учрашув сафарлари кўпинча ана шу “сиртқи”лар ташаббуси билан амалға ошарди.



Тўгарак машғулотининг бошланиш соати аниқ бўлса-да, тугаш пайти ҳар гал ҳар хил вақтға тўғри келарди. Машғулот бошланишида залда ўттизтача қатнашчи ўтирган бўлса, бирор соатдан сўнг йигирматача, яна бирор соатдан сўнг ўнтача киши қоларди. Иши зарурлар опаға имо-ишора билан хайр-маъзур қилганча, залдан киши билмас чиқиб кетарди.

Ҳар ойда албатта бирор таниқли адиб билан учрашув белгиланарди. Бундай кунлар, тўғрироғи, кечаларда залдаги ўриндиқлар камлик қилганидан бошқа хоналардаги курсилар ҳам шу залга ташиб келинар, жой етмаганлар учрашув охиригача эшик яқинида тикка турган ҳоллар бўларди. Ортиқча пайдо бўлганлар тўғарак аъзолари бўлишмаса-да, машҳур адиблар билан учрашиш имкони туғилгандан фойдаланиб қолишар, айримлари келгусида тўғарак иштирокчисига айланиб кетишарди. Учрашув ниҳояланганидан сўнг зал деярли бўшаб қолгач, тўғарак ўз машғулотида давом эттирар, кечки ўн бирларга бориб тарқалишга тушардик. Бу пайтда кўчалар санжоблашиб, жамоат транспорти аҳён-аҳёнда қатнарди. Опа йўл-йўлакай ҳамроҳлар бўлса, биргалашиб таксида жўнаб кетгач, ўнтача йигит-қиз тунги Тошкент кўчаларида шеър айтишганча анча жойгача пою пиёда юрардик.

тинчи семинар-кенгашида тўғарак аъзоларининг ўнтача тўплами муҳокамага қўйилди. Бу анжуман тўғарак миқёсида “юлдуз” бўлиб юрган биздек “тилла балиқча”ларга “ким аслида ким”лигини кўрсатиб қўйди ва тўғаракдан ташқарида ҳам, воҳаю водийларда ҳам зўр-зўр шоирлар етишиб келаётганини билиб олдик ва отни қамчилаш кераклигини тушуниб етдик..

* * *

1990 йилнинг март ойида бир неча йиллик таққидан сўнг Наврўзга бағишланган илк сумалак сайли Фанлар академияси ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида академик ёзувчи Ойбек уй-музейида ўтадиган бўлди. 1989 йили Марказқўмнинг биринчи котиблигига Йслом Каримов тайинланган бўлиб, шу пайтгача миллий қадриятларга паст назар билан қараш, таҳқирлашу тақиқлашга ўрганиб қолган ҳукмрон тоифаларнинг илдизига сув кета бошлаганди. Шунинг учун Наврўзни нишонлаш ташаббуси кўтарилганда бунга эътироз билдирилмади – ташаббус оммадан чиқиши керак, дейилди.

Бу овоза телефон орқали ишхоналарга тарқалди. Илк Сумалак сайлига боришни истайдиган ташкилотлар (ўзларида бунга ўтказишга ҳали юраклари бетламасди – билиб бўладими...) кўпчилик эди. Келди-кетдиларда ўзимизнинг опамиз – Мукаррама Муродова ҳамда у кишининг умр йўлдоши, ўша пайтдаги ёшлар газетаси маъсул котиби Мирзакарим Пирматов хизматда бўлишганди. “Шуъла”нинг

иккинчи босқич аъзолари дастёрлик қилишар, ўнлаб тузалган столларни тез-тез янги меҳмонларга тайёрлаш лозим бўларди. Уй-музей дарвозаси ўша куни оқшомдан кейинги оқшомгача очиқ бўлди. Келганлар ярим соатдан ошиқ ўтириша олишмас, дарвоза олдида турган фан ва маданият намояндаларидан тортиб оддий ходимларгача бўлган зиёратчилар қаторининг охири катта кўчага қадар чўзилиб кетганди. Мукаррама опа аёлларни бенавбат ичқарига бошлаб кирарди. Созандаю хонандалар галма-гал қўшиқ куйларди. Наврўз тақиқланган йиллари бу мавзуда шеърлар ёзилмай, қўшиқлар айтилмай қўйилгани боис илк сумалак сайлининг қаҳрамони шоир Нормурод Нарзуллаев бўлиб чиқди. Шоирнинг шеърига басталанган қўшиқ шу куни қайта-қайта янгради:



* * *

Мукаррама опага бошида тўғаракни бошқариш бироз қийин бўлди. Чунки иштирокчилар бошланғич синф ўқувчиларимаски, қаттиқроқ тикилсанг жойида индамай ўтиришса. Олди деярли ўзи билан тенгдош, салкам олий маълумотли талабалар, кўпчилигининг шеърлари марказий нашрларда эълон қилиниб, “юлдузлик касали”га чалинган... Опа ана шундайлар билан эндигина шеър ёзишни бошлаган ҳаваскорларнинг бошини қовуштириши, ҳар ойда бирор номдор шоиру адиблар, танқидчиларни учрашувга кўндириши, марказий нашрлар, радио-телевидениеда тўғарак аъзоларининг чиқишини уюштириши керак бўларди. Опанинг жонқуярлиги оқибатида 1984 йили ўтказилган ёш ижодкорларнинг тўр-

*Кўкда қулди камалак,
Наврўздан у нишона!
Дошқозонда сумалак,
Ўчоқ бошида она!*

Меҳмонлар дил сўзларини изҳор қилишар,
“Шу кунларга етказганига шукр!” дея тўртта
дошқозонда қайнаётган сумалакни қовлаш учун
қапгиру чўмичларга навбатда туришарди... Бу
сумалак сайли мамлакатдаги биринчиси бўлди.
Кейинги – 1991 йили эса бундай сайиллар бутун
юртимиз бўйлаб ўтказилди, марказий телеви-
денида эса бир кеча-кундузлик “Наврўз мара-
фони” намоиш қилинди!

* * *

Шеърятимиз мактаби узоқ тарихий илдиз-
ларга, умрбоқий анъаналарига эга. Шеърят-
тимиз машъали – Мир Алишер Навоийнинг
тўғаракчилик мактаби, ул зотнинг ҳовлисида
ўтадиган “мажолисун нафоис”да шоирлару
машшоқлар, рассомлару хаттотларнинг йиллар
мобайнида шаклланган тўғаракларидан мада-
ниятимиз, маънавиятимизга кўп хизматлари
сингган устазодалар етишиб чиққан. Хоразм
хонларидан Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳомий-
лигида ташкил топган Огаҳий тўғараги, Қўқон
хони Умархон – Амирий ҳомийлигидаги Увай-
сий тўғараги буларга мисолдир.

Тўғарак раҳбарлари худди мактаб муаллим-
ларидек икки-уч умрга эга кишилардир. Улар-
нинг номлари тарбиялаган шогирду ўқувчилари
билан бирга яшайди, эсланади. Файратий домла
гарчи Ғафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла
Қаҳҳор, Ҳабибий домлаларга замондош бўлса-
да, элигинчи йиллар бошида тузган адабиёт
тўғарагидан етишиб чиққан Эркин Воҳидов,
Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Хайриддин
Салоҳ каби шоир ва адибларнинг устози сифа-
тида уларга тенгдошу замондошдек вақти-вақти
билан эсланади.

* * *

Мукаррама опа билан тўғарак таҳсиллари
тугаганидан сўнг ҳам яхши муносабатларни
сақлаб қолдик. Аммо тузилганига ўн йил
тўлар-тўлмас, тўқсонинчи йиллар бошида
“Шуъла” тўғараги ҳам ўз-ўзидан ишини тўх-
татди. Одамлар бозор иқтисодиётнинг янгича
қадриятлари, янги орзу-ташвишлари билан
яшай бошлади.



Ёш шогирдлар даврасидан, мулоқотидан давр
тақозосига кўра айрилган шоирага умр йўлдоши
Мирзакарим Пирматовнинг вафоти (1993 йил)
қаттиқ таъсир қилди. 2004 йилга келиб ёлғиз
ўғли, ёшлар газетасида ишлаётган Музаффар-
дан жудо бўлгани... Бир йилнинг нари-берисида
Мукаррама опа бирор ўн йилларга қариб қол-
гандек, сочлари оқариб, кўзларидаги қувонч
шуъласи хиралашди.

...Ана шу кунларда опа билан Матбуотчилар
уйи ҳовлисида кўришиб қолдим. Ўз хаёлларига
андармон бўлганча ўтиб кетаётган опанинг
йўлини тўсиб чиқдим. Мени таниб, қафтлари
билан оғизларини беркитганча, тез-тез сўрашиб
ўтиб кетмоқчи бўлди. Мен уларни шундай қўйиб
юборгим келмай, нимага оғзини беркитиб гапи-
раётганини сўрадим. “Ҳаммаси асабдан, – деди
Мукаррама опа жавобан. – Тишларим ўз-ўзидан
тўкилиб кетяпти. Ясама тиш тайёрлатишга улгу-
ролмайтман. Ойма-ой тўкиляпти...” Орадан сал
ўтмай, 2005 йилнинг июлида Мукаррама Муродова
қайтиш қилди.

Шайхзода домланинг қуйма тўртликларидан
бирида шундай дейилади:

*Шеърят диёрин шоирларимиз,
Ҳар уй, ҳар кўнгулга байтлар бўлсин ёр.
Элга дастёр бўлса шеърларимиз,
Демакки, умримиз ўтмабди бекор.*

Ўз даврида шеърлари билан элнинг беминнат
дастёрига айланган, меҳри билан шеърпарастлар
қалбига шуъла сочган Мукаррама Муродовадан
ижодга, элга ўзи каби дастёр шогирдлари қолган-
лиги халқимизнинг, адабиётимизнинг бахтидир.

Дунёга кўз тикини ҳазонлар оша

* * *

Сентябр тиз урди август ортидан,
Япроқларга сачраб кетди қон.
Ҳолсизланган қуёшни судраб,
Кетиб борар эди саратон.
Куйиб куйлар эди хотима куйин,
Атиргул шохидан кетолмаган қуш.
Наводек ҳавога кетолмам сингиб,
У ёғи хаёл ва у томони туш.
Қайта келаверар армонлар ёдга,
Ўтмишига интилиб тасаввур ҳалак.
Тирама тизига урар ўзини
Саратон қонига беланган юрак.



Нажмиддин ЭРМАТОВ

1993 йили туғилган.
Ўзбекистон Миллий
университетининг
журналистика факультетини
тамомлаган.

* * *

Келма!
Согинчни ўлдирар сенинг таширфинг,
Дийдорга тўйишидан қўрқаман, келма.
Келма!
Ҳижроннинг овчиси бўлган висолга
Ўлжасин беришидан қўрқаман, келма.
Келма!
Туғилмаган шеърлар туғилсин ҳали,
Уволга қолишдан қўрқаман, келма.
Келма!
Бир олам бахт билан келарсан, келсанг,
Мен бахтли бўлишдан қўрқаман, келма.
Келма!
Мана шу дард билан, гулим, тирикман,
Даводан ўлишдан қўрқаман, келма.

* * *

Деразадан термилар титраб,
 Ёмғирлардан шалаббо кеча.
 Жавдираб қарайди хонага, аммо
 Кирилмайди чироқдан чўчиб.
 Мен-чи, етолмайман уйқуга томон,
 Ҳар кеча минг азоб кечибораман.
 Соғинч бу тугундир, мутолаа – ечим,
 Ҳар тунда минг тугун ечибораман.
 На китоб ёпилар, на ёмғир тинар,
 Кеча тентирайди уст-боши ивиб.
 Саҳар яқин,
 сўнги варақда
 Киприklarим борар илиниб.
 Ва ниҳоят чирогим ўчди,
 Соғинч кўчар тушга ўксиниб.
 Кеча кирар хонамга аста,
 Тонг келгунча олар исиниб.

* * *

Хазон ёмғирида кезганмисиз,
 хаёл ёмғирида жиққа ҳўл бўлиб.
 Армон олис, осмон яқин –
 сезганмисиз,
 хазонлар қуйлашин дилга жўр бўлиб.
 Агар кезсангиз,
 ўзни унутинг.
 Дунёга кўз тикинг хазонлар оша.
 Бир зум осмон бўлинг,
 бир зумга замин,
 бир зум ёмғир бўлиб яшашни бошланг.
 Хазон бўлиб кўринг ерга тўш босган,
 булбул навосида дилни қиймаланг.
 Ялпиз бўлинг бир зум куз фасли ўсган,
 сўлмоқ жафосидан тўйиб йиғлаган.
 Туймоқ бу ярадир,
 сезмоқ – эзилмоқ,
 шу йўл азоб берар ва берар малҳам.
 Фақат ўзингизга қараманг,
 ўйламанг ўзни,
 битта ҳаётида яшаётган одам.
 Агар қарасангиз чидамоқ душвор,
 бир дилга минг битта азоб соласиз.
 Битта тан, битта жон, битта ҳаётда
 бахтли яшашингиз сезиб қоласиз.

* * *

Қор мисоли кафтингга кўндим,
 Эриб кетди кафтинг тафтимдан.
 Тисарилдинг,
 ахир билмасдинг,
 Қорнинг чўгдек ёнишин, эркам.
 Мен ёнардим,
 сен ҳайрон эдинг,
 Ҳадик ичра юмдинг кўзингни.
 Кўз ўрганган, юрилган ўша,
 Йўллар томон бурдинг юзингни.
 Кетаяпсан,
 ёнаяпман мен,
 Ортингда қор – оппоқ аланга.
 Олдинг совуқ – ёғаяпти қор...
 Ишонч билан боқдинг ўшанга.
 Ранжимагин, ёнаркан дея,
 Кетавергин сен ўша издан.
 Ранжимайман,
 дунёнинг совуқ
 Қорларига кўниккан қиздан.

* * *

Хаёлимни ушоломаяпман,
 бир гўшадан келмайди бери.
 У гўшада бир қиз ухлайди,
 хаёлини тушга ўгириб.
 Уйқумни тун беркитиб қўйган,
 тополмадим қанча ахтариб.
 У гўшада бир қиз ухлайди,
 уйқусини ҳуснига чайиб.
 Юрагимни мен топиб олдим,
 варақларга кўмилмиш гариб.
 У гўшада бир қиз ухлайди,
 унаётган дардим суғориб...



Сухроб ЗИЁ

1996 йили туғилган.
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университетининг
халқаро журналистика
факультети талабаси. “Юрак
нигоҳи” шеърий тўглами
нашр этилган.

“Истеъдод мактаби” VIII республика ёш ижодкорлар семинари иштирокчиларининг “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида нашр этилган тўгламларини кўздан кечирарканман, кўнглим алланечук фаҳрга тўлди. Муаллифларнинг баъзилари билан дўстлигим ёки қисман танишлигим, баъзиларини ижоди орқали билишим, яна кимларнидир ўзим учун кашф қилганим, хуллас, бу мўъжаз китобчалардан олган таассуротларимни қоғозга туширгим келди. Бунини адабий танқид эмас, ёшларнинг ижодига бир тенгдошининг муносабати десангиз, хурсанд бўлардим. Бир томондан, илк тўгламларининг кўпчи шеърлардан ташкил топгани, бошқа томондан эса, назмга ошуфталигим сабаб шу йўналишда қалам тебратаётган дўстларимиз ижодига тўхталдим. Демак, шеърят ҳақида гаплашамиз.

“Бу шеърлар эртадир, бу шеърлар – тақдир”

Қўлимда ўндан ортиқ шеърий тўғлам турибди. Уларнинг баъзиларига батафсил тўхталишга аҳд қилиб, китобларни варақлайман. Нима топдим, биласизми? Мана буни:

*“Бу шеърлар шунчаки хомхаёл эмас,
Бу шеърлар эртадир, бу – шеърлар тақдир”.*

Дилмурод Дўстнинг “Кўксимдаги қуш” китобидаги сўнги шеър шу мисралар билан бошланади. Тўғламдаги шеърларни “нигоҳ шеърлари” дегим келади. Оламни тафтиш қилаётган ва кўраётганларини имкон қадар сайқаллаб қаламга тутаётган нигоҳнинг тортиқлари бу.

Ўз бўстониининг энг баланд дарахтига қўниб, дунёни жим кузатаётган қуш! Тириклик ва тирикчилик орасида андармон одамларга четдан қараб не ўйларга ботади у? Одамларга муҳим туюлган нарсалар унга кичик кўринади. Ахир, у юқорироқдан назар ташла-япти-да!

Мана, насроний хочни ўтиб ибодат қиляпти. Ернинг нариги бурчида мусулмон тоатга берилмоқда. Аслида, иккисининг мақсади ҳам бир – жаннатдан умидворлик. Нега бир-бирига ғайри назар билан боқишади?

Мана, варрак парвоз қилмоқда. У шамол измига бўйсунмай, қушларга эш бўлиб само кезмоқни истайди. Осмон кенгликларига шўнғир кез пастдан, ердан кимдир варракнинг игини тортиб шамол измига тушириб қўя қолади. “Парвоз тирикликдир. Маънодир парвоз”. Бу – “Варракнинг армонли қўшиғи”.

Мана, Ер. У инсонни осмондан кучлироқ севади. Осмондан рашк қилади. Шунинг учун ҳам у бағрида бир хона қазиб, инсонни осмондан мангу яшириб қўяди.

Мана, кимдир қимматбаҳо соат тақиб юрибди. Лекин вақтнинг қадрини билмайди. Одамлар уни бой деб ўйлашади. Чунки тилла соати бор.

Йў-ўқ, у – қул. Вақт ўзининг тилла кишанини унинг қўлларига осиб қўйибди.

Бу қуш яна нималарни кўрди. Сўрайлик-чи!

*“Шоирларни кўрдим қўп қофиябоз,
Нафасни қафасга тиркаб қўярди.
Дил сўзига пулни, эркака – берк дея,
Дилга сиёҳини суркаб қўярди”.*

У-чи? У ўзига қараб нималарни кўрди?

*“Миллатим иймондир, байрогим виждон,
Бутун еру осмон Ватаним менинг.
Тошлар бошим бўлса, юрагим – қушлар,
Ҳар зарра тупроқда бор таним менинг”.*

Дилмурод Дўстнинг “кўксимдаги қуш”и оҳанг изламайди, оҳанг кутмайди. У чиройли сайрашдан кўра рост сайрашни афзал кўради. У ҳамма кўрган нарсани бошқача кўриш мумкинлигини исботлашга уринади. Унинг шеърларида дазмол қўйлақка севги изҳор қилади, Ер Осмонга чиройли кўриниш учун қишда юзларига упа суради, гунг йигит ўзининг ўн бармоқли тилида сўзлайди, бармоқ чироқ тугмасини ўпганда хонага зулмат йиқилиб тушади...

Бу бадий топилмалар қаторига яна бирини қўшиш мумкин эди. Биласиз, йўл ҳаракатида ўн қўл қоидаси мавжуд. Халқ орасида эса “Ўнгда – раҳмон, чағда – шайтон” деган нақл юради. Демак, умр йўлида ҳам ўн қўл қоидасига амал қилиш керак экан. Мен шу жойга келганда Дилмурод Дўстни айблагим келади. Шундай гўзал топилма топибди-ю, оддийгина ифодага сингдирибди. Шеър сўнгида шиддатли бадий портлаш тайёрлашнинг ўрнига “Йўл қоидасини нега бузасиз?” деган жўнгина саволга жой ҳозирлабди.

“Кўксимдаги қуш”нинг аччиқ энти-кишга йўғрилган, ўйчан ҳақиқатлардан сайраши сўз қушлари ошиёнида янги навозанданинг пайдо бўлаётганидан хабар бермоқда.



“Юрагимни ёза оламан”

“Ўн саккизим” китобининг варақларидан шеърлар эмас, ўйноқи жилғалар чиқиб келади. Шоҳиста Эргашева қаламига мансуб мисраларда ёшликнинг энг инжа ҳислари қизларга хос назокат ва эркалик билан баён қилинади. Шоҳиста ўзининг “Танишув”ида: “Отанг – уста, сен ким бўлардинг? Олманинг тагига олма тушади”, деб камситгучига қарата мағрур-мағрур сўз қотади.

*“Осонми бир богда қурт туширмасдан
Олманинг тагига олма тушириш?!”*

Шеър сўнггида эса аслидан орланмайдиган ўзбек қизининг сўзи янграйди:

*“Дўстлар, менинг онам – оддий энага,
Мен – ўша Алижон устанинг қизи!”*

Шоҳиста озгина гинахонлик билан ёзади, озгина ҳазил билан ёзади, озгина араз билан ёзади. Унинг шеърларини ўқир эканман, қайсидир мисралардан Чўлпоннинг Зебиси чиқиб келадигандек туюлаверади. Унинг ёзмишларида, асосан, учта лирик қаҳрамон ҳаракат қилади. Отабек, Қумуш ва Зайнаб учбурчагида ўзини Зайнаб деб билади.

*“Мен бекман, у бекам” дебсиз,
Бахтли қилсин бекамингиз”.*

(Эътибор беринг, “бекам” сўзи билан ийҳом тарзида сўз ўйини қилинган.)
Гоҳида:

*“Мен ким бўлман,
Айтганча, унинг
Ойи бор-ку пешонасида”,
– деб ўксиб қолса,
гоҳи:*

*“Бахтли бўл” деб қаргайман, яна...
Яна нима дейишим мумкин...?” –
дея олади.*

Бу сатрлар гўё “Кеча ва кундуз”даги Зебининг суд мажлисида судьяга қараб: “Йў-ўх, ўлибманми ўз эримни ўлдириб”, дегани каби соддагина ҳайрат билан йўғрилган.

“Қўғирчоқ” шеърининг гўзал бадий ечими кишини мафтун қилади. Асар қаҳрамони кичиклигида қўғирчоқ ўйнаганида отасидан эшитган сўзларни тарорлайди: “Қизим, ўзинг жажжи қўғирчоғимсан, Қўғирчоқ қўғирчоқ ўйнар эканми?”. Кўзёшга чўмилган сатрлар орасидан: “Сизни ўзим учун асраб қолай деб, Ўзимни сиз учун буткул йўқотдим” каби мисралар чарақлаб туради.

Энди у улғайди. Қўғирчоғини оловга улоқтирди. “Қўғирчоқ қўғирчоқ ўйнамас ахир”. Кўзёш тўқар экан, отаси уни юпатиб: “Йиғлама, қизим, қўшнилари эшитса, уят бўлади”, дейди. Қизи нима дейди денг?

*“Қўрқманг, сиз айтгандек бўлади, ота,
Биламан, паймонам бир кун тўлади.
Йўқ, сиз ўшанда ҳам йиғламанг зинҳор,
Қўшнилари эшитса, уят бўлади”.*

“Ўн саккизим” шеърида ҳам оддийгина сўзлар бадийлик либосини кияди. Бу фикримизга “Сендан буткул кечишим учун “Худо ҳаққи” дейишим шартми?”, “Мен ҳаддидан ошган ҳаддингман” каби сатрларни исбот дея оламиз. Мана бунга эътибор беринг:

“Ўн саккизим”да модерннамо сўзтарошликка уринилган жойлар ҳам бор. “Хонадон” шеърида шундай сатрлар бор:

*“Дарвозага ёзилган сўзни
Ўзим давом эттириб қўйдим:*

*Уй сотилади!
Уй отилади!
Уй тилади!
Уй илади!
Уй лади!
Уй ади!
Уй ди!
Уй и!
Уй
У...”*

Бу мисралар ҳақидаги фикрлар бошқа мақолага айланиб кетади. Муҳими шуки, Шоҳиста фақат сўзлар билан эмас, ҳарфлар билан ҳам бадийлик ясашга уринганидир. Буни эса маъқуллаш керак, назаримда.



“Тинглайлик юлдузлар шивирин”

Хумоюн Қувондиқовнинг “Юлдузлар шивирин” тўплами “Соҳибқироним” шеъри билан бошланади. Тўғриси, ажодларга бағишланган яна бир мадҳиямикан деб ўйладим. Одатда шеърий китоблар ўшандай мадҳ билан бошланади. Ажодларнинг қилган ишларини эътироф этсак-этмасак, бундан уларнинг шону шавкатига дахл етмайди. Тарихий ҳақиқатни тиклаш учун битилган, адабиётга ва абадиятга дохил мадҳ-номалар бўлса, бошқа гап. Ўз даврида Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов томонидан яратилган шундай асарларни мисол келтириш кифоя деб ўйлайман. Аммо Хумоюн на у, на бу тарздаги мадҳни танлайди. У эркалик билан “Соҳибқироним бор, соҳибқироним”, дея мағрурланиб қўяди.

Хаёл дарёсининг ўзанлари кенг бўлса, яхши экан. Хумоюннинг шеърларини ўқиб шундай ўй кечди хаёлимдан. Унинг ўзи билан танишувимиз бундан бир йил олдин Қашқадарёнинг “Лочин” оромгоҳида бўлган эди. Дунёга, унда яшаётганларга, уни талашаётганларга ҳайрат билан боқадиган, ижодга ва адабиётга ёшига нисбатан анча юқоридан қарайдиган, балки, шундангир ўз ёзганларини кўтда баланд баҳоламайдиган бу бола билан дўстлашиб кетдик. Танлов сўнггида: “Яхшиям, ўрин олмадим. Бўлмаса, адабиётнинг аҳволи шундай ғариб экан, деб ўйлаб қолардим”, деган эди. Унинг шеърларида парвоз кўп. “Қанотимни қайирсанг, мен учаман беқанот”, дейди бир шеърда. “Эрксевар” кўнглига “ёвқур шамолларнинг этагини тут” ишни буюради, шаббодадан “ойдинда бирга сайр этиш”ни ёлворади, “қаноти қайрилган бечора ерга осмонни етаклаб келиш”ни мақсад қилади.

“Дўстим, ҳув, анави тоғларни қара,
Ётибди дунёнинг дардидан кечиб”, – дейди “Асотир” шеърда. Кейин хаёлга чўмади. Нега улар бундай яралган? Балки...

“Балки, бу тоғлар мард ботирлар бўлиб,
Ухлаган ялмоғиз жодуси сабаб.

Балки, уйғонарлар бир куни кулиб,
Юзларига босса маликалар лаб”.

Шеърлардаги баъзи сўзларни ножоиз деб ҳисоблаган жойларимиз ҳам бор. Ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, “Кенжа ботир” шеърда унинг тулпорини Бойчибор дея атаб кетади. Кенжа ботир ҳақидаги эртакни биламиз, унда Бойчибор

лақаби тилга олинмайди. Бойчибор – Алпомишнинг тулпори.

“Сокин ҳаёт” шеърда шундай сатрлар бор:

“...Сокин тун... Самода маҳваш ёлғиз,
Лабимда шул ойга гуллар тутаман...”

“Маҳваш” сўзи “ойга ўхшаш” деган маънони беради. Мисра мазмунидан самода ойга ўхшаш ёр ёлғиз деган маъно чиқади. Бу ерда ўхшашувчи восита “-ваш”нинг умуман кераги йўқ. “Сокин тун... Самода тўлин ой ёлғиз”, деса, нима ўзгаради? Кейин, лабда ойга гул тутиш ҳолатини тасаввур қила олмадим. Бунда ҳаётийлик йўқ.

“Юлдузлар шивирин”дан ўрин олган ижод намуналари шаклий изланишлари билан ҳам ажралиб туради. Сергей Есенин илк бор қўллаган бадийий такрор шаклига бир неча шеърда мурожаат қилинади. Уларда ўша машҳур “Шаҳинам, о, менинг Шаҳинам”нинг оҳангларига ҳамоҳанглик сезилиб туради. Хумоюннинг “Ёр кокили” ғазал-машқи ҳам муваффақиятли чиққан. Аруз йўлида ёзилган шеърий сатрлар “Биринчи китоб”лардан фақат “Юлдузлар шивирин”да учрайди.

“Ўй-на-гай- но/зик- бе-лид-а/ ин-жа- ёр- ко/
кил-ла-ри,

Фоилотун – фоилотун – фоилотун – фоилун
(– V – – / – V – – / – V – – / – V –)

Ай-ла-гай- ҳиж/рон- се-лид-а/ ин-ти-зор- ко/
кил-ла-ри...”

Фоилотун – фоилотун – фоилотун – фоилун
(– V – – / – V – – / – V – – / – V –)

“Белида” ва “селида” сўзлари ётиқ бўғин билан тугаганида байт рамали мусаммани мақсур вазнига хатосиз тушган бўларди. Аммо ўзбек тилидаги сўзларда урғу сўнгги бўғинга тушиши ҳисобига чўзиб айтилиши инобатга олинса, бу байтни бекаму кўст ғазал мақтаъси деса бўлади. Бундан ташқари, байтда асосий қофиядан ташқари “ўйнагай” ва “айлагай”, “белида” ва “селида” сўзлари ички қофияни ҳам юзага келтирган. Бу эса муаллифнинг аруз вазнида ҳам маҳоратини кўрсатишга имкони борлигидан далолатдир.

Энг муҳими, Хумоюн Қувондиқов ижодни кўнги оловчоғи деб билмайди. Бу унинг ҳар бир шеърда сезилиб туради. Юксак парвозлар орзуси, “Юлдузлар шивирин”ни тинглаш илинжи ижодкорни бир зумга бўлсин тарк этмайди.



“Анорлар кўксини ёриб боради”

Шоҳсанам Нишонovanинг “Иқрор” тўплами бу галги китоблар орасида алоҳида ажралиб туради. Ўйноқи, шу билан бирга, кескин оҳанг, нафис ифода ва теран мазмун уйғунлигида муаллифнинг назмий иқрорлари бўй кўрсатади. “Сен ҳам мени соғиндингми, Фарғонажон?” деган саволнинг ўзидаёқ ватан севгисини, ҳис этамиз, водийнинг дилкаш одамлари қиёфаси кўз олдимизга келади.

*“Қува томонларда мени соғиниб
Анорлар кўксини ёриб боради”, –*

дейди Шоҳсанам. Қуванинг ўша машҳур анорлари бир қизининг йўлида кўз тикавериби, соғинчдан кўкси ёрилиб кетади. Қандай гўзал ташбеҳ! Қизи эса сафардан кела солиб “ватанжоним” дея отасининг бағрига отилади. Сўнг қизгина яна ўзи “миллион йил излаган бахт” томон йўлга тушади.

Қалб эса доим безовта. У ўз эгасини мудом сўроққа тутиб туради:

*Ўзингизга ўзингиз
Савол бериб айтинг-чи,
Танлаган йўлларда кўп
Адашиб кетмадикми?*

Шундай сўроқлар орасида ўзининг нурли манзилини кўргандек бўлади. Ана, ўша томондан шамоллар эсмоқда. “Адабиётда тоза ҳаво борга ўхшайди”. У йўлда давом этади.

Бу майдонга юксак парвозлар ваъда қилиб кириб келган опа-сингилларимизнинг аксарияти бир-бир жимиб кетади. Аёл учун оиладан устун нимадир бўлиши, бўлганда ҳам уни сақлаб қолиши қийин иш. Адабиёт эса ўзига бахшида бўлишни талаб қилади. Шу машаққатни елкага олиб сўз айтаётган шоиралар орасида Шоҳсанам Нишонovanинг ҳам дадил овози янграётгани қувонарли. Бу овоз турмушнинг аллақайси сўқмоқларида йўқолиб, адашиб кетмаслигига ишонамиз. Ундаги дадиллик бизга шуни ваъда қиляпти.

“Иқрор”ни варақлар эканман, яна бир жиҳат эътиборимни тортади. Ижодкор ўз атрофидаги ўткир ижтимоий мавзуларни дадил шеърга айлантиради. “Имтиҳон” шеърисида билимдон қизнинг ўқишдан йиқилиши ва унинг: “Нютондан хато қилмайман, Шундан савол тушганди, ахир”, деган даъвосига жавобан:

*“Китобларни олиб қўлингга
Қонунларни ёдлайсан, бироқ
Бу ҳаётнинг ёзилганидан
Ёзилмаган қонуни кўпроқ”, –*

деб хулоса чиқаради.

“Сессия” шеърисида баҳо талашиб бир-бирига терс бўлиб бораётган курсдошларига қараб:

*“Эвоҳки, имтиҳон шундайин бўлса,
Қиёматинг қандай бўлар, Худойим”, –*

дея додлайди.


Шоҳсанам Шарқ шеърисида урф бўлган нома, яъни хат жанрига эътибор билан қарайди. “Дадамга хат”, “Мўмин бобога мактуб”, “Дўстимга хат” каби шеърларида мурожаат оҳанги ва кўнгил изҳори ажиб уйғунлик касб этади.

Фикр ва сўз маржон каби терилиб, қоғозга тушди, муқова қопланиб, “Иқрор” деб ном қўйилди. Сўз оламига гўзал иқрорлари билан кириб келаётган яна бир ижодкорга омад тилагим келади.

* * *

“Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида чоп этилган Мансур Жумаев, Гулруҳ Худоёрова, Сайфиддин Оканов, Элёр Мурод, Аллаяр Дарменов, Аслиддин Сабриддинов, Отабек Одил, Абдуманноб Мансуров сингари ёш ижодкорлар қаламига мансуб шеърини тўпламлар ҳақида ҳам шунча сўз юритишимиз мумкин.

Уй остонаси олдида турган одам ичкари кирар чоғ оёқ кийимининг чангини қоққани каби адабиёт даргоҳининг муқаддас қоғқаси қаршисида турган инсон борки, ўз қалбини ғуборлардан покласин. Сўздан маиший икир-чикирлар учун, кимнидир таъзирини бериш ёки кимгадир хуш ёқиш учун фойдаланиш илинжи билан қалам тутадиган кимсалар бу жаннатдан абадий қувғин бўлгусидир. Адабиёт, шеърини фақат халққа ва Ҳаққа хизмат қилиши керак. Муҳташам Ёлғизлик саодати ва бетиним Меҳнат машаққатини ўз қисмати деб билмоққа шай истеъдодли одамгина қўлига қалам олиши лозим. Улуғ даргоҳ остонасидан ҳатлаётган тенгдошларимга бетизгин илҳомга мубталолик бахтини тилайман.





Таълим бериш – умид уруғини экиш демакдир

Луи Арагон ҳикматларидан

Қуёш ҳамиша
ишқибозларининг
кўзини қамаштирган.

Мен бу китобни иккита
бир-бирига ўхшамайдиган
даврни қиёслаб бўлмас-
лигини кўрсатиш учун
ёздим. Ўтмишни бугунги
кундан келиб чиқиб муҳо-
кама қилиш ёки изоҳлаш-
дан кўра жоҳилона иш йўқ.

Агар кўксимни
тилсангиз, у ердан
Парижни топасиз.

Адабиёт мамлакат учун жуда
муҳимдир, моҳиятига кўра,
унинг юзи дейиш мумкин.

Биз кўпинча йўқ жой-
дан муаммолар ўйлаб
топамиз.

Ажойиб
кечалар-
нинг бирида
келажак
ўтмиш деб
ном олади.
Бу пайт
ортингга
қарайсан-да,
олислаётган
ёшлигингни
кўрасан.

Баъзида
ғолиб бўлиш
учун чеки-
нишга, қўлга
киритга-
нингдан воз
кечишга тўғри
келади.

Одам нима-
дан ҳайратланса,
ўшани кўнглига
яқин олади.

Оптимизм буюк киши-
ларнинг зийнатидир.

Дунё ёлғончи
гувоҳларга тўла.

Рашк бу – жон жойинг-
га тўхтов билмай санчила-
ётган игнадир.

Одамлар кўпинча ўзларининг вақтин-
чалик бахтсизликларини дунёдаги энг
муҳим нарса деб ҳисоблайдилар.

Фақат меҳнатгина
инсоннинг қиёфасини
ўзгартира олади.

Давримизнинг зийнати
ёрқин шоирлардир. Англияда
– Киплинг, Францияда Апол-
линер ва Элюар, Германияда
Рилке, Россияда – Маяковский
ва Есенин, Арманистонда –
Чаренц ва Исаакян. Бу маёқлар
бир-бир сўнганда гўё дунё
зулматга чўмгандай бўлди.

Танқид муд-
датсиз сургун-
дир.

Таълим
бериш – умид
уруғини экиш
демакдир.

Тўғрилиқ
кўпинча
муҳокама
қилинмайди.

Ёшлар орзу
қилади. Қари-
лар эслайди.

Ҳаётда ҳеч бир нарса биз
тасаввур қилгандек бўлмайди.

Рус тилидан **Ориф ТОЛИБ** таржимаси



Ҳусниддин ШАРИПОВ

1933 йили Поп шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири (2012), “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланган (2001), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1983).

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўрмон-мелиорация факультетини тугатган (1949–1954). Дастлабки шеърий тўплами – “Нихол” (1956). “Кўнгил буюргани” (1961), “Қуёшга ошиқман” (1963), “Тутроққа қасида” (1965), “Лирика” (1970), “Ҳаяжонли дақиқалар” (1980), “Ох, гўзал” (1981), “Ёр истаб” (1992), “Асирингман” (2003) сингари шеърий тўпламлари ҳамда “Дўстим Тожиддин” (2001) номли воқеий қисса муаллифи. “Бир савол” (1972) шеърий романи ҳам бор. Пьесалари республикамиздаги мусиқали драма театрларида сахналаштирилган.

2015 йили Тошкент шаҳрида вафот этди.

Ҳусниддин Шариповнинг шеърий ва мусиқий драмалари гоҳ ҳайрону лол, гоҳ иштибоҳу саволга тўлиб боқаётган кўз ўнгимиздаги ранг-баранг ҳаёт поэзияси, изланишлари ва донишмандлигига тўла.

Ҳусниддин Шарипов бу дунёга ўзининг олийжаноб, холис ва муҳаббатли дардлари, нафис сўзи ва қадимгилардай содда донишмандлигини қолдирди. Унинг тоза сўзларида қанчалар инсоний ибрат бор!

Иброҳим ҒАФУРОВ,

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

Азиз Ҳусниддин Шариповга
 Ҳаёт чўққисига етганимиз учун
 керакдир иш маҳнаси, билим ва кудам.
 Билмига муҳаббат, меҳнат ҳамда иш
 бизларга меросдир Ҳусниддин Шарипов.

Сиз борки, фарзандлар қочмас асло,
 Сиз борки, фарзандлар енгилмас сира.
 Бўдун умримизга соғани зми
 мактаб ва сиз берган ёрқин хоҳира.

* * *

Сен гўзалсан бу гўзал дунёда,
 менгинашга жонимени қасий.
 Вақит билан шодликларим шода,
 марҳаматим бўлганимга қасий.

04.11-2012

Ҳусниддин Шарипов

Устоз Эркин Воҳидов мутуйибалари



Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири.

1947 йили туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. “Она ер”, “Баҳромнинг ҳикоялари”, “Аламазон ва унинг дўстлари”, “Эй, ёруғ дунё”, “Масхарабоз бола”, “Даҳшатли Мешполвон”, “Безгакшамол”, “Аламазон ва Гулмат хангомаси”, “Алишер ила Хусайн ёки уч доно ва ўғри”, “Топсанг ҳай-ҳай...” каби шеърий ва насрий китоблари чоп этилган. “Кўнғироқли ёлғончи”, “Паҳлавоннинг ўғирланиши” каби гьесалари сахналаштирилган.

Расм муаллифи Аҳмад Тура

Суюкли устозимиз, атоқли адибимиз Эркин Воҳидов чуқур фалсафий шеърлари, мутафаккирона хислатлари билангина эмас, ўта самимий, ўта топқирона мутуйибалари билан ҳам мухлислар қалбини забт этиб келган. Шуларни эслар эканман, Эркин ака, доимо кўнглимиздасиз, биз билан биргасиз, дегим келаверади.

Ўша таниш қоровул

Тошкентга эндигина ишга келган даврим эди. Бировникида ижарада турардим.

Ойлик таътилга чиққан Эркин ака бутун оиласи билан Иссиқкўлда дам олиб келишга жўнади, мен уйни кўриқлаб турадиган бўлдим. Тирикчилигим учун совуткичга тўлдириб ташланган хилма-хил ноз-неъматларнинг ярмини еб улгурмасимдан, улар саёҳатдан қайтиб келишди.

Бир-икки ойдан кейин устозни зиёратлаб борсам, ҳали мактаб ёшига етмаган кенжатоёи Фозилахон мен билан жуда бўлакча қувониб кўришди.

– Бу қизимнинг севинчи ичига сиғмай турибди ҳозир, – дея елка учуриб кулди Эркин ака. – Сизни узоқдан кўриб, менга қараб, дада, яна Иссиққўлга борамизми, деб сўради.

Тиниб-тинчимазан ит

Ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов тигдор-тигдор шеърларининг орқасидан эски тузумнинг тазйиқларига учрагани, неча-неча танқидларга дучор бўлгани кўпчиликка маълум. У киши бундай ғала-ғовурларга парво қилмаётгандек бўлиб юрса-да, юрагига маълум даражада жароҳат етганини баъзи бир сўзларидан пайқаб олиш қийин эмасди.

Ижодий сафарлардан бирида устоз билан битта хонада тунайдиган бўлдик. Вақт ярим кечадан оғиб боряптики, ташқарида бир кўптак тинимсиз вовуллаиверди. Шунда Эркин ака босиқ товушда аста сўз қотди:

– Қизиқ! Бу ҳаловатсиз ит қайси арслоннинг китобини танқид қиляптикин?!

Мухлис

Бир куни Эркин акани йўқлаб, уйига бордим. Пича суҳбатлашиб ўтирдик. Қайтаётганимда мени кузатишга чиқиб, бодринг экишга томорқам бўлмасаям, мана, олтиариқлик эканимни билдириб, дарвозанинг ёнига узум экиб қўйдим, деб мақтанди. Бир қарашдаёқ билдим, бу – дарахтларга илашиб бўлсаям мева қилаверадиган жайдари узумлардан.

Эркин акага буни ётиқроқ тарзда шамалаб, бу жуда ғалати узум, меваси ширин бўлмасаям, томири болалаб, мухлисларингиз сингари тобора кўпайиб бораверади, дедим.

Орадан икки ойча ўтгач, Эркин ака уюшмамиздаги бир мажлисда олдимга келиб деди:

– Дарвозамизнинг ёнидаги узумни мухлисингиз деб тўғри айтган экансиз, шекилли. Ёзда кўча томондаги деразамизнинг форточкаси очиқ туради, узумнинг битта шохи шу жойдан ичкарига кирволиб, янги ёзаётган шеърларимни пешма-пеш ўқиб боряпти.

Ўзини ўзи қидириши

Эркин ака билан ёшлар нашриётида бирга ишлардик. Бир таниши тўйга айтган экан, юринг,

текинга тушлик қилиб келасиз, деб мени ҳам бирга олиб борадиган бўлди. Гараждан машина чақирса, бузилган жойини ҳайдовчи ҳали тузатиб улгурмаган экан, майли, автобусда борақоламиз, деди.

Автобусга чиқиб, орқароқдаги ўриндиққа ўтириб-ўтирмасимизданоқ, олдимизда кондуктор аёл пайдо бўлди. Пулимизни олиб, чипта йиртиб узатаркан, Эркин акага тикилиб боқиб, худди Эркин Воҳидовга ўхшаркансиз, деди.

– Мен акаси бўламан, – дея аёлга жиддий қиёфада юзланди Эркин ака. – Бир ҳафтадан бери уйга келмаяпти, деб хотини кеча арз қилганиди, мана, ўша Эркинбойларингни эрталабдан бери ахтариб юрибман.

Ўрисча сўкиниши

Эркин ака мактаб ёшига етиб-етмаган пайтлар экан. Бир куни уч-тўрт тенгдошини бошлаб, Олтиариқ машина-трактор станцияси (МТС) директори лавозимидаги дадасининг ишхонасига борибди. Юқори ташкилотдан келган бир рус киши билан гаплашиб турган дадаси, ўғлига бошдан-оёқ қараб олиб, шеригининг кўнгли учун бўлса керак, русчалаб: “Почему босиком?” (Нега ялангоёқсан?) деб жеркиб берибди.

Бу воқеани эслаб туриб, Эркин ака кула-кула шундай деганди:

– Ўшанда биз бу гапни ўрисча сўкиниши бўлса керак деб ўйлабмиз. Бирорта бола жиғимизга тегса, “Ҳе, пачему басикўм!” деб, ўзимизча аёвсиз ҳақоратлаган бўлардик.

Ўта топқирона чора

Эркин ака етмиш тўққиз ёшга тўлганида, оиласидагиларни дастурхонга уринтириб қўймаслик учун Иқбол Мирзо, Аҳрор Аҳмедов, Азизбек Анвар биргалашиб, эрталаброқда табриклашга борсак, кеннойимиз билан бозор қилишга чиқиб кетишган экан. Камтарона туҳфаларимизни невараси Ифтихорга топшириб, ортга қайтдик.

Устоз пешиндан кейин менга сим қоқиб, одамни жуда хижолатга қўйдиларинг-ку, олдиндан кўнғироқ қилганларингда, бирон-бир вақтни белгилаб олардик, деб дакки берди. Кечирим сўраб бўлганимдан сўнг, ташлаб келган совғамнинг нархини ошириб, тўннинг ичида Олтиариқнинг энг қўлигул чевари тиккан ўта тоза дўппи ҳам бор, уни фақат катта тантаналарда кийинг, деб дабдававозлик қилдим.

– Дўппини аллақачон кийиб кўрдим, ростданам жуда чиройли тикилган экан, – деган товуш келди эшитқидан. – Фақат, бошимга сал катталиқ қилиб, олд томондаги бурчаги очилиб қоляпти. Ўша жойига кесак қистириб олсаммикин деб турибман.

Эшитқидан таралган ёқимли кулги менинг ҳам завқимни жўштирди.

Эркинларнинг энг мансабдори

Ёшлар нашриётида бош муҳарриримиз Эркин Воҳидовнинг бирмас, икки адаши бор эди – ёшлар адабиёти бўлимида ишловчи

машҳур таржимон Эркин Миробидов, ўсмирлар адабиёти бўлими муҳаррири Эркин Сиддиқов.

Воҳада яшовчи кексароқ бир адибнинг қўлёмасини кўриб чиқиш Эркин Сиддиқовга топширилибди. У бир ҳафтадан кейин муаллифга телефон қилиб, мен Эркинбойман, қўлёмма билан танишдим, Тошкентга келсангиз, бир фикрлашиб олардик, дебди. Муаллиф нашриётга келиб, Эркинжон керак эдилар, деса, уни Эркин Миробидовга рўпара қилишибди.

– Ҳай, ҳай, ҳай, сиздек табаррук одамни кўрадиган кун ҳам бор экан-ку! – дея қулоч очиб кўриша бошлабди муаллиф. – Ўзларига бир қоракўл телпак атаб қўйганмиз. Қани, бошингизни манави ипда яхшилаб ўлчаб олай-чи, кейинги сафаримда тиктириб келаман.

Бу одамнинг кимлигини, нима мақсадда келганини аниқлаб олгач, андак адашибдилар, меҳмон, сиз ахтараётган Эркин қўшни хонада чақчайиб ўтирган бўлиши керак, дебди Миробидов. Муаллиф энди Сиддиқовнинг олдида кирибди. Яна қоракўл телпакдан гап очилиб, ипда бошни ўлчаб кўриш бошланибди.

Сал ўтиб, иккала Эркин муаллифни ўртага олганча коридорда аския қилиб туришса, Эркин Воҳидов хонасидан чиқиб қолибди. Бўлган воқеани кула-кула эшитиб бўлиб, муаллифга дебди:

– Нашриётдаги энг телпакбоп Эркин менман. Буларга шолчадўппиям бўлаверади.



Таҳрирнинг тагида гап кўп

Ўшанда ҳали журналистликка ўқиб юрган Аъзам Ўктам шеърларини “Ёшлик” журнаliga берса, бош муҳаррир Эркин ака уларни ўқиб кўриб, муаллифни ҳузурига чақирибди, жуда гўзал нарсалар ёзибсиз, деб қизгин табриклабди. Сўнг шеърини туркумни унга тутқазиб, энг зўрларини “плюс” билан белгилаб қўйдим, буларга янгиларидан яна бир-иккита қўшинг, кўзга кўринадиганроқ қилиб босайлик, дебди.

Аъзамжон белги қўйилган шеърларга кўз ташлаб чиқиб, айнан Анвар Обиджон у ер-бу ерига қалам теккизганларини танлабсиз, деса, Эркин ака дарҳол мутуйба қилибди:

– Қаранг-а! Демак, Анваржон сизни ҳаддан зиёд ҳурмат қиларкан. Мени “устоз” дейди-ю, китобимга муҳаррир бўлганида, андаккина жон тортишиб, шеърларимнинг бирон-бир жойини, лоақал, кўнглим учун таҳрир қилиб қўйма-ди-я!

Узрли сабаб

Бир учрашувда Эркин акага савол беришди:

– “Ёшлик девони” дагига ўхшаган ғазалларни жуда соғиниб қолдик-ку. Кейинги пайтда ишқий шеърларингиз нимага камайиб кетди?

Эркин ака шундай жавоб қилди:

– Соч оқаргани сайин, одам хотинига хушомаддан нарига ўтолмай қоларкан...

Амал – ўтқинчи, уй – абадий

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари этиб тайинланган Йўлдош Сулаймон бир куни Эркин акадан сўради:

– Фарғонада Ёзувчилар уюшмаси бўлимининг бошлиғи эдим, энди юқори ташкилотга ўринбосар бўлиб келдим. Билолмай турибман, мени кўтаришдим, пастлатишдим?

– Бу кўтарилиш ҳам, пастлаш ҳам эмас, – деб тагдор жавоб қилди Эркин ака. – Тошкентдан текинга квартира олиш дейдилар буни!

Ҳаммуаллифлар

Адабий учрашувларнинг бирида ўн икки ёшлар чамасидаги чақчақакўз бола Эркин аканинг китобини узатиб, дастхат сўради. Муаллиф тилаklarини ёзаётган чоғда, шу китобдаги шеърларнинг барини ўзингиз тўқиганмисиз, деб савол берди болакай.

– Барини эмас, – ўзини кулгидан зўрға тийиб жавоб қилди Эркин ака. – Нуқта-вергулларнинг баъзиларини “корректор” деган одамлар тўқиган.

Профессорга дашном

Тўқсонинчи йилларнинг бошроғи эди, чамаси. Бир куни Эркин ака менга синчковлик билан тикилиб туриб, нега ҳеч семирмайсиз, бирорта жиддий касалингиз йўқми, деб сўради. Эски ревматизм, сариқ касаллигининг айрим асоратлари борлигини ҳисобга олмаганда согпа-соғман, дедим.

– Биласиз, Тошкент Медицина институти профессори, терапия бўлими бошлиғи Эркин Қосимов қудам бўлади, – деб жонқуярлик қилишни бошлади устоз. – Шу кишига тайинлаб қўяман, сизни касалхонасига ётқизиб, чуқур кўриқдан ўтказди. Ҳар эҳтимолга қарши-да.

Касалхонага бориб ётдим. Бирорта дори ичмадим, бирорта укол олмадим. Ўн кун мобайнида турли ихтисосдаги тўртта профессор, учта фан номзоди мени астаримдан аврамгача текширишди, етти-саккиз хил аппаратларга солиб кўришди. Охири, бари биргаликда консилиум ташкил этиб, бир тўхтамга келишди – жиддийроқ ташвишга сабаб бўлгувчи ҳеч қандай касаллик йўқ.

Қайтгач, буни устозга маълум қилсам, у киши қудаси Эркин Қосимовга сим қоқиб, дашном берган бўлди:

– Бу қанақаси? Профессорлигингизга ишониб жўнатсам, Анваржондан биттагинаям касаллик тополмасиз-а! Ҳеч йўқ, ваҳимали тикилиб туриб, шеър тўқишдек хавфли дардга чалинибсиз-ку, ука, деб кўрқитсангиз бўлмасмиди?!

Танқидмисан танқид!

Устознинг етмиш ёшга тўлиши нишонланаётган кунлар эди. У киши билан учрашиб қолиб, янги чоп этилган “Ўзбегим” китобини яйраб ўқиганимни айтсам, мени ҳадеб мақтайверсаларинг талтайиб кетишим ҳеч гапмас, ора-сира танқид ҳам қиптуринглар, деб ҳазиллашди.

– Тўғри, камчиликларингиз ҳам бор, – дедим ўзимни терсроқ тутиб. – Энг катта нуқсонингиз шуки... Ҳм-м...

– Тортинмай гапираверинг...

– Очиғини айтсам, ҳаддан ташқари қизганчиқ шоирсиз, ниҳоятда қисқа ёзасиз. Ўқи-и-б борамиз-у, эндигина завқимиз тошаётганида, бирданга якун топади-қўяди. Шеърингизга тўймай қоламиз.

Эркин ака нимтабассум ила кўзимга боқиб тургач, кўкрагини силаб деди:

– Умрим бино бўлиб, бунақа ажабтовур даққини энди эшитишим. Аямай гапираверинг, мен ҳам танқидингизга тўймай турибман.

Шоирнинг хавотири

Ёзёвон туманидан Эркин аканинг депутатликка номзоди қўйилди. Сайловолди учрашувларида, қаерга бормайлик, бир таклиф тез-тез такрорланиб турарди:

– Кимлигингизни яхши биламиз. Бошқа гапни қўйиб, бизга янги шеърларингиздан ўқиб бера қолинг!

Бу ҳол давом этавергач, Эркин ака йиғинларнинг бирида шундай деганди:

– Илгари тўқиган шеърларимни ўқиб беришдан осони йўқ. Мабодо депутатликка сайлансам, энди қонунларниям шеърый усулда ёзиб бера-сиз, демасаларинг бас.

Ҳаваскорга ҳавас

Эркин аканинг Нозимахон, Моҳирахон, Фозилахон деган қизлари бор. Хуршидбек – биттаю битта ўғил. Тошкентда эндигина иш бошлаган пайтларим устозни зиёратлаб борганимда, у киши астойдил таклиф қилиб, деди:

– Хуршидбек ўғлим учта қизнинг орасида зерикиброқ қоляпти. То уй олгунингизча, унга шерик бўлиб, бизникида яшаб турсангиз-чи. Гулчеҳра опангиз билан маслаҳатлашдик, болохонани тугалай сизларга берамиз.

Ўта машҳур инсон ўзини менга шу қадар яқин тутаётганидан жуда қувониб кетган бўлсам-да, бирон-бир ножўя қилиғим билан бирдамас-бирда гашини келтириб қўйишдан чўчиб, ҳозирда ёлғизқўл кампирникида яшаб, унга дастёрлик қилиб юрибман, қолаверса, шароит шунақанги тинчки, одамнинг ёзган сари ёзгиси келади, дедим.

Эркин ака бунни эшитиб, елкамга қўл босганча, жиддий қиёфада илтижоланди:

– Жон Анваржон, ўша кампирникидан менга битта хона топиб беринг!

Совгалар, совгалар...

Фарғонада ўтган ижодий сафаримиз Яйпандан бошланди, дастлаб бир фермернинг даласидаги “Қовун сайли”да иштирок этдик. Бири биридан ширин қовун-тарвузларга тўйгандан тўйганимиз етмаганидек, меҳмонхонада ерсизлар, деб машинамизга ҳам солиб беришди. Кейин билим юртларидан бирида учрашув ўтказдик. Қайтаётганимизда бир қўлтиқдан китоб совға қилишди.

Тадбир мутасаддиси навбатдаги анжуман Қўқон пайпоқ тўқиш корхонасида ўтказилишини маълум қилганида, Эркин ака дўсти Ўткир Ҳошимовнинг қўлини қисиб, тантанавор тарзда деди:

– Сизни олдиндан табриклар қўяқолай, Ўткиржон. Янги пайпоқ муборак бўлсин энди!

Ҳозиржавоблик

Устознинг бир китобига дастхат ёздирсам, ширин тилаклар битиб, одатдагидек, “Э ВОҲ” деб имзо чекди.

– Агар, “Э В” деб қўл қўйсангиз, янаям бошқача бўларкан, – дея ҳазиломуз гап юмалатдим. – “Э В”ни

ўзимизча ёймаласак, “Эл Виждони” деган маъно чиқади.

Эркин ака бу лутфдан завқланиб жилмайиш баҳонасида, бир-икки секунд ўйланиб олган бўлди-ю, дарҳол жавоб қайтарди:

– Мундоқ қараганда, сизникиям чаккимас – А О! Бу – алоҳидаликни билдирадиган “Автоном Округ” дегани.

Бошқотирма

Пишиқчилик маҳали эди. Эркин ака ва турмуш ўртоғи Гулчеҳра опа билан олис сайлга чиқдик. Қўқонда, Марғилонда бўлиб, охири Олтиариққа бордик.

Олтиариқлик раҳбарлар бу ташрифдан хабар топиб, тезда учрашув уюштиришди. Учрашувни тугатиб ташқарига чиққанимизда, “чапаки тирикчилик”ка устамон бир кимса картон кутига хорижий фирма тамғаси босилган, ўша пайтда беҳад танқис саналган нарсани машинамиз юкхонасига тикаётиб, бу мендан сизга совға, акахоним, дея Эркин акага укахонланиб илжайди.

Ҳар хил нусхаларга тили қисик бўлишни хушламайдиган устоз ўша дамда индамай қўяқолган эса-да, бир пиёла чой ичиш учун бизникига кирганимизда, мени ёнига чақириб, деди:



– Бояги одамнинг совғасини тезда уйига ташлаб келинг. Эркин акамнинг сизга бошқа бир илтимоси бор экан, кейинроқ айтаркан, деб кўнглини тинчитинг.

У анча эзма одам, шоиримизнинг қанақа илтимоси бўлсайкин, деб суриштиришга тушса-чи, десам, устоз маънодор жилмайди:

– Эркин акамга битта паровоз олиб бераркансиз, денг. Ўлгунича боши қотиб юраверсин.

Сўнг иягини баландлатиб, тебрана-тебрана кула кетди. Беҳад чиройли эди бу кулгу.

Миллий гуруҳ

Қўқонда ўтган бир адабий учрашувда маҳаллий шоир Анвар Юнусов: “Эркин ака, Арманистонга борганингизда, республика чемпиони бўлган шахматчини қанақа қилиб ютгансиз?” деб сўраб қолди.

Устознинг жавоби жуда оддий бўлди:

– Фирт ўзбекча қилиб ютганман!

Муаммонинг ечими

Эркин аканинг ҳар ойда бир марта бўлиб турадиган “гап”и бор эди. Қирқ беш йил давом этиб, охири 2016 йилнинг баҳорида профессор Умарали Норматовнинг ош тортиши билан якун топган бу “гап”га Худойберди Тўхтабоев, Абдуғафур Расулов, Турғун Алиматов, Иброҳим Гафуров, Раҳматилла Иноғомов, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев, Карим Назаров, Эсон Лутфуллаев, Неъматулло Иброҳимов, Ўткир Ҳошимов сингари донғи баланд зотлар аъзо эдилар.

Ушбу товоқдошлик сўнгги нуқтасига етишидан уч-тўрт йил йил олдин Эркин ака: “Бугун мен навбат беряпман, сиз “туёқ” бўлақолинг”, деб мени ўтиришга бошлаб борди. Ўша куни Тахтапул шаршараси биқинидаги ресторанда бўлган зиёфатда кун тартибига бир масала қўйилиб, “гапчи”лардан бир нечаси оламдан ўтиб кетди, энди сафни тўлдириш учун Иқбол Мирзо, Шухрат Ризаев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Ҳамидулла Болтабоев, Анвар Обиджонни ҳам улфатчиликка қўшсак, деган таклиф киритилди.

Ресторан ёки кафеларда кўпчиликка бу қадар тўкин дастурхон ёзишга чўнтагимнинг доим ҳам қурби етавермаслигини айтишдан иймандим-у, сизлар зиёфатга хотинларингиз билан келар экансизлар, меники фирт қишлоқи, бунақа аралаш ўтиришларга бориб ўрганмаган, деган баҳонани рўқач қилиб, узр сўрадим.

Бундай қутилмаган гапдан ҳамма туй-қус жимиб қолган пайтда Эркин ака даврага қувноққина сўз ташлаб, вазиятни юмшатди:

– Э, содда бўлмай кетинг! Бу ерда ўтирганларнинг биттасиям хотинингизни танимамайди. Бизники мана шу деб бирорта базмбозроқ аёлни кўчадан етаклаб келавермайсизми!

Харидоргир ном

Саксонинчи йилларнинг бошроғи эди. Ёшлар нашриётида Эркин аканинг бир китоби босиладиган бўлиб, доврўқли шоирнинг асарига муҳаррирлик қилишдек улкан шараф менга ҳада этилди.

Шеърлар, кимсан, Эркин Воҳидовники! Сўз тугул, ҳатто бирорта вергулни ўзгартиришга кимнинг ҳадди сиғаркан?

Шунга қарамай, қўлёмани босмаҳонага бериш орқага сурилаверди. Боиси – муаллиф кунда-кунора фикрини ўзгартириб, топширишга шошмай туринг, китобга бошқача ном қўймоқчиман, дегани-деган.

– Ўзингизнинг кимлигингизни ўзингиз билмайсиз, шекилли, устоз, – дедим охири. – Китобингизга сарлавҳанинг умуман кераги йўқ, шеърхонларга “Эркин Воҳидов” деган ёзувнинг ўзи етиб ортади.

Эркин ака кенг манглайини силаб туриб, майли, унақа бўлса, бу – сўнгги ўзгартиришим, дея кўнглимни тинчлантирди. Тўпламга бошқача ном қўйгач, хонадан чиқиб кетаётиб, эшик олдида озгина тўхталиб қолди. Кейин менга ўйчанлик билан ўгирилиб, сарлавҳанинг умуман кераги йўқ деган гапни жиддий айтяпсизми, дея, одатдагидек, сокин одимлаганича, ортга қайтди.

– Жиддий айтяпман, устоз.

– Бунақа осон йўллари борлигини билмаганаканман, – деди Эркин ака, кўзлари порпираб. – Энди шеър тўқиб овора бўлмасдан, фақат муқовагамас, ички бетларга “Эркин Воҳидов, Эркин Воҳидов” деб ёзиб, йилига тўрттадан китоб чиқараверсаммикин?

Ўшанда бу сўз ҳазилга йўйиб айтилган эса-да, аслида, Эркин Воҳидов деган номнинг ўзиёқ, чиндан ҳам, беҳад суюкли, жуда-жуда харидоргир эди. Ҳануз шундайлигича қолмоқда.

Эл орасида бу қадар қадрли, кўрганлар ёниқиб ҳавас қиладиган даражада эъзозли бўлиш бахти барча-барча ойдиндил кишиларга бирдек насиб этаверсин, илойим...